

## Озодлик эҳтиёжи

Муассислар:

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати**

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Жамоатчилик кенгаши раиси:

**Абдулла ОРИПОВ**

Жамоатчилик кенгаши:

**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ**

**Азамат УМАРОВ**

**Аҳмад ОТАБОЕВ**

**Абдуваҳоб НУРМАТОВ**

**Феруза МУҲАММАДЖОНОВА**

**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ**

Бош муҳаррир:

**Нодир ЖОНУЗОҚ**

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Нурилла ЧОРИ**

Масъул котиб:

**Ориф ТОЛИБ**

Масъул муҳаррир:

**Элёр МУРОД**

Муҳаррир:

**Ғиёсиддин ЎНАРОВ**

Таҳрир ҳайъати:

**Муҳаммад АЛИ**

**Иқбол МИРЗО**

**Сирождин САЙИД**

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ**

**Фаррух ЖАББОРОВ**

Бадий муҳаррирлар:

**Акбарали МАМАСОЛИЕВ**

**Раҳматжон ЮНУСОВ**

Фотограф:

**Рустам НАЗАРМАТ**

**Манзилмиз:**

Тошкент шаҳри,

Ўзбекистон шоҳжўчаси, 16-“а” уй.

E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz

Тел/факс: (0371) 227-0-227,

245-5-793, 245-0-552

Навбатчи муҳаррир: Н. Чориев

Босишга 21.09.2016 йилда руҳсат берилди.

Қоғоз формати 60x84 1/8.

Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.

ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги

томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчириб босилганда

“YOSHLIK”дан олинди” деб изоҳланиши шарт.

“SILVER STAR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Буюртма № 56. Адади 2900 дон.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

Озодлик нима учун керак?

Бу саволга дафъатан дуч келса, энг чечан нотиклар ҳам бир зум фикрини жамлаб олиб, кейин сўз айтади. Жавобини билмагани учун эмас, саволнинг кўп қирраллиги ва жавобнинг масъулият талаб этгани учун. Бу гўё “Сув нима учун керак?” деган саволга ўхшайди. Сув – тириклик манбаи, вазифаси эса жуда кўп. Озодлик ҳам шундай: ҳар қандай миллатнинг тарих саҳнасида я ш а б қ о л и ш и ва ўзини бор бўйи, қиёфаси билан намоён эта олиши учун эркинлик, ҳурлик зарур. Шу боис мустақиллик ҳақида гап кетганида, “У бизга нима беради?” деб аввало моддий эҳтиёжларни илгари суриш – калтабинлик. Чунки халқнинг чинакам маънода тирик қолиши фақат қоринга эмас, аввало қадр-қимматга эътибор қилиш орқали амалга ошади. Тўғри, ўз ҳаёт йўлини эркин белгилаган, имкониятларидан тўғри фойдаланган озод мамлакат, алалоқибат, моддий тўкинликка ҳам эришади. Худди бундан 25 йил илгари истиқлолга эришган Ўзбекистон каби! Холис кўз билан қарайдиган бўлсак, бу кунларга етиб келишимиз осон кечмади. Поймол этилган эътиқод, давлатга нисбатан ишончсизлик, халқнинг синиқ руҳи ва Шўро салтанатидан қолган бошқа асоратлар катта йўлга чиқаётган, озодлик довоида тетапоя қила бошлаган навқирон мамлакат оёғидаги оғир тушовлар эди. Аммо Йўлбошчининг саботи ва узоқни кўра билувчи нигоҳи, илдизи мозийнинг энг теран томирларидан сув ичган халқнинг иродаси, аҳиллиги туфайли барча тўсиқлар бирма-бир енгиб ўтилди. Бундан чорак аср нарида юрт эртасига шубҳа назари билан қараган бадбин кимсалар ҳам бугун таслимият байроғини кўтариб, қойил ва қуллук, дея бош эгиб турибди.

Довруқли шоиримиз бир замон, миллатнинг қора кунларини ёдга оларкан, “Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон?” дея аламу ҳасрат билан нидо қилган эди. Энди аён бўляптики, халқ бўлиш учун ҳам, аввало, ҳар қандай элатда озодлик туйғуси бўлиши шарт экан. Бугун эл-юрт шаънига дахлдор катта-кичик масалалар атрофида жипс бўлаётган, Ватан тақдири йўлида бир жону тан бўлиб бирикаётган юртдошларимизни кўриб, халқ бўлганимиз шу эмасми, дея гурур туясан киши. Демак, Истиқлол ислоҳотлари нафақат молиявий, айна пайтда маънавий-руҳий ҳолатимизни ҳам кескин ўзгартирибди-да! Шукр, минг бор шукр, деймиз.

Ўтган йигирма беш йил – буюк келажак йўлидаги олтин остонага ўхшайди. Адабий истилоҳ билан айтганда, гўзал ва бетакрор асарнинг кўркем дебодаси, десак бўлади. Демак, энди давр биздан бундан-да кўпроқ фидойилик, шижоат, керак бўлса, жасоратни талаб этади. Биз энди шунчаки бир юртнинг эмас, дунё майдонида ўз сўзи, ўрнига эга бўлган, қадди ва қадри баланд мамлакатнинг фуқаросимиз. Айтаётган гапимиз, қилаётган амалимиз шунга мос бўлиши зарур. Худди турли халқаро мусобақая танловлардан шода-шода медаллар, ранго-ранг дипломлар билан қайтаётган спортчию санъаткорларимиз каби. Ўзимизни буюк мақсадларга чоғласак ҳам, майда-чуйда ташвишларга ўралашсак ҳам – умр ўтади. Аммо сарҳисоб чоғи ҳаёт дарахтидан ким мева теради, ким – хазон. Шубҳасиз, шу муқаддас юрт равнақига бор кучини, салоҳиятини бағишлаганларгина ёруғ юз билан ортига қарай олади. Мулоҳазаларимизни миллатимизнинг яна бир шонли шоири қаламига мансуб бўлган, ҳеч қачон эскирмайдиган мисралар билан яқунлашни лозим топдик:

*...Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла  
Безамоқ чоғидир умр дафтарин!*

# МУНДАРИЖА



19

22



№ 8 (303), 2016 й.

## ШУКУҲ

**4 Собир ЎНАР**  
Ҳам эътироф, ҳам ғурур  
**НАЗМ**

**7 Иқбол МИРЗО**  
Дунёни уйғотган боболар уйғоқ...

**28 Ирода УМАРОВА**  
Шу гўзал лаҳзада олислардасиз

**50 Наргиза ОДИНАЕВА**  
Олтин бешигини ахтаради ой  
**НАСР**

**10 Ашурали ЖЎРАЕВ**  
Ғусса

**30 Равшан ЙЎЛДОШ**  
Ўғри

**САБОҚ**  
**17** Болалик – умрнинг энг мазмунли  
даври

**ҚЎЛЭЗМА**

**18 ЗУЛФИЯ**

Хулқарга

**НИГОҲ**

**19 Шарафли умр манзаралари**

**ТАДҚИҚОТ**

**22 Олим ТОШБОВ**  
Бадииятга кўчган замон сурати

**ТАВСИЯ**

**40 Шодикул ҲАМРО**  
Кўнгилда бирдек завқ уйғонади

**ЖАҲОН ҲИКОЯСИ**

**42 Нодар ДУМБАДЗЕ**

Кўппак

**ЖАРАЁН**

**47 Азамат УМАРОВ**  
Таълимга эътибор – келажакка  
пойдевор

**МАКТУБОТ**

**52 Саъдулла ҚУРОНОВ**  
Истеъдод ва интеллект уйғунлашса

**ҚАЛДИРҒОЧ**


**56 Мансур ЖУМАЕВ**  
Ёриб кирди юракка муҳаббатнинг  
лашкари

**ЭССЕ**

**57 Содиқ НОРБОВ**  
У

**ҲАНГОМА**

**62 Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**  
“Ҳамиша... пул хизматидамиз!”  
**АНА ШУНАҚА**



40



17

62



# ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Энг улуг, энг азиз айёмимиз – мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға биноан турли соҳа вакиллари қатори бир гуруҳ ижодкорлар ҳам давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотландилар. Жумладан, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидаги ижодкорлар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланишди:

## **“Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси”**

Аъзамов Эркин Нормаматович – “Тафаккур” журнали бош муҳаррири

## **“Ўзбекистон Республикаси халқ шоири”**

Сиддиқова Энахон Абдурахимовна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари

## **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”**

Аминжонов Нурдинжон – Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази етакчи методисти

Отабоев Шодмонбек Эргашевич – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Ибодуллаева Гавҳар Иноятовна – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари

Мусурмонов Рустам Равшанович – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Йўлдошев Абдуқайом Турғунбоевич – “Адолат” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, ёзувчи

## **“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан**

Аннақличева Гулистон Аҳмедовна – “Қорақалпоғистон тонги” газетаси бош муҳаррири

## **“Меҳнат шухрати” ордени билан**

Аъзамов Абдулла – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

Кенжабоев Қамчибек – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Шеров Абдулла – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

## **“Дўстлик” ордени билан**

Ёқубов Ниғмат – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, пенсионер

## **“Содиқ хизматлари учун” медали билан**

Бўрибоев Икром Искандарович – Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими

## **“Шухрат” медали билан**

Ерназаров Бекназар – Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, болалар шоири

Султонова Барно Ботировна – “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси муҳбири

Умарова Нилуфар Туроповна – Қашқадарё вилояти Қарши педагогика коллежининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Холбўтаев Нодиржон Жонузоқович – “Ёшлик” журнали бош муҳаррири

Элмуродова Момоҳол – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Эргашев Ботиржон Йўлдошевич – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими адабий маслаҳатчиси

Мукофотланган ижодкорларни жамоамиз номидан чин дилдан қутлаймиз. Уларнинг келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси**

# Ҳам эътироф, ҳам ғурур



**Собир ҲНАР**

1964 йили туғилган. Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олган. “Орзуга тўла қишлоқ”, “Овлоқ адирлар бағрида”, “Чашма”, “Чамбилбелнинг ойдаласи”, “Бибисора” каби қисса ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.

Истиқлол – неъмат, неъмат бўлганда ҳам азиз ва мўътабар неъмат. Бугун бунга шукр қилиш керак, деган гап камлик қилади, бинобарин, садоқат кўрсатмоқ лозим.

Садоқат нима? Аввало, хиёнатни ўйламаслик. Истиқлол шукуҳини идрок қилмоқ. Йигирма беш йил аввалги ҳаёт ва бугуннинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Қалтис ҳаёт кечарди. Қалтислиги шундаки, эски мафкура чириб битган, кўпчиликнинг эътиқоди коммунистик мафкура билан боғланиб кетган, унинг ўрнига тап-тайёр янги мафкура йўқ, иқтисод издан чиқиб бўлган, матбуотда хурмача бир ошкоралик – ҳамма мард: оғзига келганини гапиради, журналист хаёлига келганини ёзаверади, ўзича номаълум бир сирларни фош қилиб ташлайди. Аммо... эшитадиган мўмин банда йўқ! Ҳамма гапиради, мулоҳаза йўқ.

Шундай бошбошдоқлик ҳукм суриши мумкин бўлган замонда сиёсатда ўта принципиаллик зарур бўлиб қолди. Президент Ислон Каримов халқнинг хоҳиш-иродаси ўлароқ Мустақилликни эълон қилиб юборди. Тил учун, истиқлол учун ўзини курашчи деб юрганлар ҳам “ура!” дейиш ўрнига донг қотиб қолди. Одамлар Мустақиллик тўда-тўда бўлиб бўқириш, шиор кўтариб қичқиришдан бошқачароқ, айна масъулият, унинг олдида ҳар бир шахс жавобгар эканини кейинроқ англади. Яқдиллик энг принципиал масалаларни бўйнига олган Шахсга эргашишда оғишмасликда, Ватан байроғини бақирмай... маҳкам тутишда кўрилади. Шунда эл – эл бўлади. Нияти, сўзи, кучи бутун халқни дунё тан олаверади.

Миллатни спортчилар тезроқ жаҳонга танитади, деган гап юз карра тўғри. Адабиёт ҳам, санъат ҳам, олимнинг иқтидори ва кашфиёти ҳам танитади. Лекин ҳар қайсисининг йўриғи, ўрни бошқа, фойдалилик даражаси ҳам ўзгача. Футболчи ёки боксчи ўттиз ёшдан сўнг қўлқопини, кедасини ечиб михга илиб, футбол майдони ёхуд ринг билан хайр-хўш қилиши ҳақиқатга яқин. Чунки кишининг жисмоний имкониятлари чеклангани шундай дейишга изн беради. Аммо... ёзувчининг қалами айнан ўттиз ёшдан сўнг чархлана боради, ақли ҳам тўлишади. Айтматов, Маркес, Одил Ёқубовлар саксон ёшда ҳам баракали ижод қилишди. Демак, ёзувчи деган зот олтимиш ёшдан кейин пенсияга чиқиб, қаламни синдириб отмайди. Худо берган истеъдодини умрининг охиригача намоён қилаверади. Шу қавмга тааллуқли бўлганинг



учунми, бу ҳақда ўйлаш одамга завқ беради.

Бир пайтлар Гоголь: “Ёшликнинг шуниси жозибалики, унинг келажаги бор”, деган эди. Дарҳақиқат, ёшликда ҳам жозоба, ҳам сурур бор. Ёш инсон муваффақият пиллапояларидан тез кўтарила олади.

Диёримиздан илгари ҳам машҳур спортчилар етишиб чиққан. Вера Дуюнова деган волейболчи бутуниттифоқ терма жамоасида икки карра олимпиада чемпиони бўлган. 1976 йилги Монреал олимпиадасига Ўзбекистондан атиги олти нафар спортчи бориб, аксарияти медал билан қайтган. Руфат Рисқиев финалда шишиб кетган ярадор кўли билан жанг қилгани, рақиб америкалик Майкл Спинксдан шу ҳолида ҳам пеш келаётгани, охир-оқибат рақиб фирром йўлни танлаб, Рисқиевнинг чотиға зарба йўллаб тирриқлик қилгани, судьялар голибликни Майклга бериб юборишганини кечагидай алам билан эслайман. Руфат Рисқиев ўшандан икки йил бурун, 1974 йили Гаванадан жаҳон чемпиони бўлиб қайтган эди. Аммо совет тузу-

мининг нонкўрлигини кўринг, дунё миқёсидаги пешқадам спортчиларини заррача рағбатлантирмас эди.

Монреал олимпиадасига олти спортчи борганини эсладикми, таққослаш учун айтай, бу йилги Рио де-Жанейро олимпиадасига етмиш спортчимиз йўл олди. Совриндор бўлган боксчиларимизнинг ўзи етти нафар.

Кубадаги жаҳон чемпионатида Фидель Кастро Руфат Рисқиевни олқишлаб “ўзбек арслони экан” дегани мен ва мендан катталар ғурурланиб эслаймиз.

Бразилиядаги бу йилги олимпиадада боксчиларимиз жаҳондаги манаман деган донгдор боксчиларни ҳам аямай муштраб, уч нафари шоҳсупанинг энг тепасига чиққани беихтиёр одамни тўлқинлантиради.

Ҳасанбой Дўсматов чемпион бўлганида томошабинлар қаторида ўтирган Фазлиддин Гойибназаров кўзёш қилаётган эди. Қувончидан, албатта. Мен бир неча ой бурун ўзимизнинг “Спорт” телеканалда Фазлиддин ва оиласи ҳақидаги хужжатли фильмни томоша қилиб, уни яхши кўриб қолган эдим.

Сабаби, у оиласига жуда меҳрибон, аёли ва жажжи фарзандига илтифотли, турмуш ўртоғи ҳам аслида спортчи, фарзандининг оёғи чиқса, уни ҳам спортга қайтаришга бел боғлаган садоқатли эр сифатида намоён бўлган. Спортчилар ичида ҳам худди ижодкорлардай қалби тошиб турадиганлари бўлади. Фазлиддин шунақа экан. Бошқа спортчиларни ҳам алоҳида алқаган ҳолда шу йигитнинг чемпион бўлишини шу қадар юрагимдан истаб ўтирдимки, новча кубалик Сотомойорни дўппослашга тушганида элдан бурун йиғлаб юбордим. Кейин, жанг тугагач, Ғойибназаров мендан ҳам ўтиб тушиб йиғлашга тушди.

1980 йил, Москвадаги олимпиадада Рудди Финк деган немис боксчиси финалда ғолиб бўлгач, тренининг кўксига бошини кўйиб шунақа хўнграган эди, ҳайҳот, сира хаёлдан кўтарилмайди.

Фазлиддиннинг орқасида оиласи, жажжи ўғилчиси, ота-онаси, бутун мамлакат, Президент турган эди. У олтин олмасам бўлмайди, деб шид-

дат қилган эди. Мен, ўзбек турганда нега бошқаси илиб кетиши керак, деб онт ичган эди. Ва... шу ниятига Худо етказди. Астойдил ният қилган инсон унга етса... йиғлаб юбориши тайин!

Бу – қалби покликнинг, энг муҳими – ватанпарварликнинг белгиси. Яна – муҳаббат! Ҳа, муҳаббат! Чунки у муҳаббат одамлари қошида юзи ёруғ бўлди.

Эл-улуснинг ишончини хатти-ҳаракати, ғайрати, кучи, эпчиллиги, зарбалари билан оқлади! Бутун Ўзбекистон “Отанга раҳмат, Фазлиддин, бопладинг!” деб ҳайқираётганини жон қулоғи билан эшитди. Бу ҳайқариққа ҳайқариқ билан акс садо берди.

Айтиш жоиз, албатта, бизда олимпиада чемпиони, кумуш, бронза совриндорларини катта пул мукофоти билан рағбатлантириш ҳайратланарли даражада йўлга қўйилган. Ҳатто катта, иқтисоди ўсган давлатларда ҳам олимпиада чемпиониغا 200 минг АҚШ доллари берилмайди. Бу – давлатнинг. ватанпарвар

фарзандига ҳиммат кўрсатгани рамзи.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан мукофотланганлар рўйхатида юксак натижалар кўрсатган спортчилар ҳам унвонлар, орденлар билан тақдирланганини ўқиймиз. “Ватан сенинг жасоратингни унутмайди, балки ўз вақтида тақдирлайди!” деган таъкид бу.

Ҳеч бир соҳа эътибордан четда эмас. Айни чоғда адабиёт ҳам. Бир қатор адибларимиз, жумладан, ёшлар ҳам хизматларига яраша муносиб тақдирланди. Ўз навбатида, уларни қутлашга бурчлимиз.

Байрам арафасида спортчиларимиз, ўзларининг нима-ларга қодирлигини намойиш этишди. Шунинг учун биз кўпроқ уларни тилга олишимиз табиий. Баракалла, отаўғил, деб қўйиш ҳам ёзувчининг бурчи-да.

Матбуотда, телевидениеда, радиода ёшларнинг чиқишларини кўриб ғурурланиб кетасан. Улар сўзларининг охирида “Ватанимиз байроғини дунё узра янада баланд кўтармоқчиман!” дейишади. Нақадар зўр ният. Ҳазрат Навоий сўзи билан: “Умидим шулки, умидингга етгил!” дегинг, пешонасидан ўпиб қўйгинг келади.

Ойдин, нурли келажак ҳақида гапиришни хуш кўра-миз. Юртимиздаги фаровонлик, бунёдкорлик, тўқчилик, тинчлик-фаровонликни кўриб, атиги йигирма беш йил муқаддам шундай турмуш хаёлимизга келганмиди, деб ҳам ўйлаб қўясан.

Ният пок экан, қадам тўғри ва шахдам экан, Ватаннинг эртаси, иншоаллоҳ, янада порлоқ бўлғуси!



# Дунёни уйғотган боболар уйғоқ...

## Булоқ

Булоқ кўзёшининг асл асоси  
Анов чўққиларда, туманли тоғда.  
Менинг гуссаларим манбаи, рости,  
Ўсмирлик ёшимда, жуда йироқда.

Булоқ кўзёшидан тиниқиб ичиб,  
Чанқоғи босилиб, йўлчи миннатдор.  
Шеърларимни ўқиб, ёришиб ичи  
Яна севиб қопти, дегувчи ҳам бор.

## Ўзингдан олдинда юр

Жамла, йиғвол ўзингни,  
Ўзингни мустаҳкам қур!  
Бериб қўйма тизгинни,  
Ўзингдан олдинда юр!

Давр чопсин изингдан,  
Чўғ сачрасин сўзингдан.  
Ортда қолма ўзингдан,  
Ўзингдан олдинда юр!

Ўв, бола, демасинлар,  
Тез бўл-а, демасинлар,  
Э, ўл-а, демасинлар,  
Ўзингдан олдинда юр!

Қадамларни санама,  
Он, дамларни санама,  
Одамларни санама,  
Ўзингдан олдинда юр!

Ҳақ йўлин тутай десанг,  
Одамдай ўтай десанг,  
Бобонга етай десанг,  
Ўзингдан олдинда юр!



**Иқбол МИРЗО,**  
Ўзбекистон халқ шоири.

1967 йили туғилган.  
Фарғона давлат  
университетининг ўзбек  
филологияси факультетини  
тамомлаган. “Юракнинг  
шакли”, “Кўнгил”,  
“Сени соғинаман”,  
“Мени эслайсанми”,  
“Кўшиқларим”, “Айтгил,  
дўстим, нима қилдик  
Ватан учун”, “Сени бугун  
кўрмасам бўлмас” каби  
китоблари нашр этилган.

## Соддагина

Ойга элтар зина йўқ,  
Ич-этимни ейман-да.  
Қизгинага гина йўқ,  
Севмайдими дейман-да...

Шунинг бахти қайтсин деб,  
Менга бекор боқасиз.  
“Ёқасиз” деб айтсин деб,  
Кўйлак киймиш ёқасиз.

Шаҳарга иши тушган  
Ўзимнинг оҳугинам!  
Севги ташивиши тушган  
Соддагина қувгинам!

Осмон тўла оқ юлдуз,  
Аммо кўнглим зимистон.  
Осмондан тушса гулқиз,  
Олам бўлгай гулистон...

Кўзни баъзи қизлардек  
Бўёлмади, майли-да.  
Лаббўёқни сизлардек  
Кўёлмайди, майли-да.

Телеминор узра гул  
Кўзим олгандай бўлди.  
Метро ичида булбул  
Сайраб қолгандай бўлди.

Эй устаси фаранглар,  
Аҳволимдан гаранглар.  
Қишлоқига қишлоқи  
Кўзи билан қаранглар!

## Мактуб

Сендан мактуб олдим: бўм-бўи бир варақ,  
Юрак сенсиз бўм-бўи деганингми бу?  
Ёки оқ ниятга ёзувсиз бир шарҳ,  
Ёки бўи кўнглимга тутдингми кўзгу?

Ёки муз ўлкасин эслатиб шундоқ  
Ёдга солмоқчисан қиш-қаҳратонни?  
Ёки совиганман дедингми мутлоқ,  
Беҳуда ўтларга солма деб жонни.

Менга хат ёз деган бўлсанг, эҳтимол...  
Ипак қозонингга лабимни босдим.  
Кўчамда шовуллаб оқаркан шамол,  
Сенинг мактубингга шу шеърни ёздим.

## Устоз шогирдлар

Ташаккур! Минг раҳмат! Садага кетай!  
Бурним ерга ишқаб қиламан таъзим.  
Қайси тил бирлаким шарҳи ҳол этай?  
Кечаги шогирдлар бугун устозим.

Бири дер, пасткашга қилманг яхшилик,  
Ўз наслига тортар эшак ҳам, ит ҳам.  
Бошқаси ўргатар менга боқиб тик,  
Суллоҳ ва сурбетлар бўлмагайдир кам.

Биттасидан уқдим: сир бу хазина,  
Яширмоқ шарт уни ёмон кўзлардан.  
Бири бир умрлик дарс берди яна:  
Қандкасал бўласан ширин сўзлардан.

Бирови инсонга ишонманг, деса,  
Одамзодни севманг, дейди биттаси.  
Ўзни асранг дея, ўзига қолса,  
Мени тириклайин ейди биттаси.

## Ўзингизни эҳтиёт қилинг

Қараганга қараманг, хоним,  
Кўзингизни эҳтиёт қилинг.  
Балки энди бўлмас имконим,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Оч нигоҳдан ва паст назардан,  
Шарманда тор қилган шаҳардан,  
Узук кўзидаги заҳардан  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Бегонадир сизга ҳасратим,  
Девонадир кўнгиш ҳазратим.  
Сизни мен ўзимдан асрадим,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Сиздан бошқа кимим бор бугун?  
Дилим ҳуфтон, юрак-бағрим хун.  
Бир илтимос, битта мен учун  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Юрагимга эгизак қизни  
Ўйлаб, адо бўлдим... ҳа, сизни...  
Ўзи мени танияпсизми?  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Сизни-ку бир тараф қўйганман,  
Гуллар билан ўраб қўйганман.  
Худодан ҳам сўраб қўйганман,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Санасангиз ҳамки етти ёт,  
Эҳтиёт шарт қилдим эҳтиёт.  
Жон сақладим сизни этиб ёд,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Ташаккур! Минг раҳмат! Кўксимда қўлим,  
Асл устозларим сизсиз, укалар.  
Кўчада устоз деб тўсишиб йўлим,  
Бўлажак устозлар майин суйкалар.

Бандасин бўйнида қолиб кетмас қарз,  
Шогирдлар айтгандек қаноат лозим.  
Ҳаёт мактабида давом этар дарс,  
Кечаги шогирдлар бугун устозим.



## Жоним оташда тун-кун

Жоним оташда тун-кун,  
Юраккинам тўлмайди.  
Бу қизни севиш мумкин,  
Лек уйланиб бўлмайди.

Айланиб кетган олам,  
Чирпираган Кўкдала.  
“Яшқўраман жудаям”...  
“Кўппалами?” “Кўппала!”

Онам айтар: “Пойига  
Гул тўкаман дейсанми?  
Ҳой бола, чиройига  
Нон ботириб ейсанми?”

Ойга боқмас, айтинг, ким?  
Унга хуштор кўп бола.  
“Сен ҳам суйдингми?” “Суйдим”...  
“Кўппалами?” “Кўппала!”

Чиройли-да... Дил... Ана,  
Ой тўлиб келаётир.  
Юрагимда жимгина  
Ўрмалайди хавотир.

Тегирмон тепасида  
Фалончининг қизи бор.  
Тагли-тугли, пазанда,  
Гап-сўзида тузи бор”...

Қайда?! Ёлгон ҳаммаси!  
Биз келдик, қани, пўшит-пўшит!  
У қиз қизларнинг асли,  
Фақатгина... кўнгли бўи.

Ой нур тўқаркан сим-сим,  
Бир шарпани кўрганман.  
Ойқизни... кўлим синсин...  
Бир шапалоқ урганман.

Жоним ўртанар тун-кун,  
Она, кўнглим тўлмайди.  
Унга уйланиш мумкин,  
Лекин севиб бўлмайди.

Юраги бормикин деб,  
Кўйнига кўл солганман.  
Битта шапалоқни еб,  
Битта ўпич олганман.

Юзин ушлаб боқди жим,  
Кўзидан қуйди жала.  
“Қизгандингми?” “Қизгандим!”,  
“Кўппалами?” “Кўппала”...

## Зилзила

Яна Ер сесканди... Яна бир қалқди,  
Ҳиндукуш тарафда офат ўчоги.  
Кўзин очгайми деб бу дунё аҳли,  
Боболарим руҳи безовта, чоги.

Шариф мазорларда қарқираган қон  
Замин жавҳарига етдимикан ё?  
Бир буюк ларзадан яралган жаҳон  
Бир буюк ларзадан бўлгайми адо?

Ҳозик табибларнинг бошлари эгик,  
Луқмонлар ҳайратда замонга қараб:  
“Биз гиёҳдан малҳам кашф этган эдик,  
Булар захриқотил тайёрлар, ё Раб!”

Дунёни уйготган боболар уйгоқ,  
Оламни қутқарар буюк силсила.  
Эй одам, оҳиста кўй ерга оёқ,  
Ҳали тўхтаган йўқ сўнгни зилзила.

Иймон қалқонлари – муҳаддисларим  
Жойнамоз устида тавфиқ сўрайди.  
Бобуршоҳ суғуриб қиличин ярим,  
Кафтини соябон қилиб қарайди.

Мавлоно Лутфийга боқар Алишер,  
Заминдан кўз олмас маликул-калом.  
Нечун титрамасин, ахир, она ер,  
Яъжуж-маъжужларга сизинса авом.

## Гап

Гап эшитиб улусдан, ажаб,  
Англаб етдим, қаерда маъни.  
Энг ёмон гап – ерда қолган гап,  
Энг яхшиси – айтилмагани.

# Ғусса

Ҳикоя



## Ашурали ЖҰРАЕВ

1956 йили туғилган.  
Тошкент давлат маданият  
институтини (ҳозирги  
ЎзДМС) тамомлаган.  
“Тошбақалар пойгаси”,  
“Юрак бўронлари”, “Ўқ узган  
ким?”, “Танимадинг-а?”,  
“Саҳифага сизмаган  
сатрлар”, “Майсалар  
уйғонган тонг”, “Конверт  
одам” каби китоблари нашр  
этилган.



Расмларни Аслиддин Калонов чизган.

**Б**еш ойдирки, Роҳила каллаи саҳарлаб туради. Аввал кўрган узук-юлуқ тушини эсламоқчи бўлади. Лекин эслолмайди. Сўнг тўзғиган, оқ толалари кун сайин кўпайиб бораётган сочларини тузатади. Кейин ёнгинасида пишиллаб ухлаб ётган, юзлари кир-чир болаларига термулади-ю, юраги эзилиб кетади. Чуқур хўрсиниб, эрталабки нонуштага нима тайёрлаши кераклигини ўйлай бошлайди. Кеча эрталаб охирги қандни бўлашиб берган эди. Бугун-чи?.. Йиртиқ дастурхонга нима қўяди?..

Беш ойдирки, Роҳила мусаффо тонглар билан хайрлашган. Эҳ, олдинлари-чи... У ёшлигидан тонгларни севарди. Соф ва мусаффо ҳаво томир-томирларига кезиб юрганини ҳис қиларди, вужуди яйрарди. Шундай дилбар тонгларни яратган табиат мўъжизасидан ҳайратланар, уни меҳр ва муҳаббат билан синчиклаб кузатарди. Айниқса, сутга чайилгандек оппоқ тонгларни дил-дилидан яхши кўришини таърифлаб бўлмасди...

Энди-чи? На завқ олади, на таъсирланади. На кулишини ва на йиғлашини билади, ўша касофат иш бўлди-ю, ҳамма нарсдан юраги безиб, тонглардан ҳайратланмай қўйди. Кўзига ҳамма нарса совуқ ва ёқимсиз кўринади...

\* \* \*

Унинг ҳар тонг биринчи қиладиган иши – ҳавозага қистирилган чўлтоқ супургини олади. Шўр босган супани, дарвозахонани, йўлакларни чиннидай қилиб тозалайди. Бу иши унга болалигидан одат. Эсида: раҳматли бувиси Жанғил кампир ҳар тонг ўрнидан тургазиб қўлига супурги берарди ва: “Ёшлигидан ўргансин, бошига тушса қийналиб қолмайди”, дерди. Ёшлигидан ўрганган одатини тарк этгани йўқ. Ўзбекнинг эшиги доимо очиқ, биттанинг келиши, биттанинг кетиши бор. Нима бўлганда ҳам, ҳамма ёқ топ-тоза тургани яхши-да.

Эри Боймурод ҳам тозаликни яхши кўрарди. У ҳам гўзал тонгларни севарди. Энди эса...

Сўнгра у дастаси қийшиқ, эски челақни олиб, бир нимадан умидвор бўлиб айвонга боради. Сигир ҳам гўё “сени кутиб турув-

дим-а” дегандай эринибгина қарайди. Айвоннинг четида ётган бузоқ жонивор хўмраяди. Кеча оқшом болалари Туркманариқнинг бўйдан териб келган ўтдан бир сиқим сигирга ташлайди ва уни соға бошлайди. Челақнинг остидаги билинар-билинемас сувга узун ва ориқ бармоқларини намлаб олиб, чандир елинни умид билан тез-тез чўза бошлайди... Хайрият, берган сутига бир обгардон сув қўшса, ширчой бўлади. Болаларига тангадай-тангадай сарёғ солиб берса, ҳарқалай, тўқ сақлайди. Бунинг устига, кеча кенжасининг мазаси қочиб, дўхтирга борган эди: “Янга, иложи борича сут билан қатиқ ичириг”, деб қолди. Бу ўлгурнинг у кундан бу кунга берадиган сути нимага ҳам етарди. Эрталаб болаларни авраса бўлгани. Энди кимга ҳам сут деб боради. Тунов куни ён қўшниси Арофатникига қизчаси Тулғанойни юборса, “Ўзимизга етмайди-ю”, деб тўнғиллаганмиш. Рост-да, уларга ҳам қийин. Бир ҳовлида ўн уч жон бир сигирдан умидвор. Ҳозир ҳеч ким ўзидан ортмайди. Бу ёқда хўжалик раҳбарлари оила бошига бир тоннадан шўра ва янтоқ чопиб бериш керак, деб оёқ тираб олган.

Ўйдаги моллар эса оч...

У турар экан, катта-катта кўзларини унга қадаган сигирга аламзадалиқ билан қаради. Сўнгра сал юмшаб, ўйлай бошлади: “Ҳозир шунақа кунларга қолдик, жонивор. Мана, сен ҳам ҳадемай қуритасан. Кейин ҳолимиз не кечади? Мен билан сен борга ҳам, йўққа ҳам чидаймиз. Болаларимиз-чи?.. Ана шуларга қийин. Улар тушунармиди буни. Айб уларда ҳам эмас. Ҳаммамиз ҳам болалиқда шунақа бўламиз...

Мана, олти ойдан бери хўжайинимиз йўқ. Уни қамашди. Тепада Худо бор, унинг заррача ҳам айби йўқ эди. Бир оғиз гапга қамашди-қўйди. Энди ҳаммамизга оғир бўлди. Ахир, ҳовлида бир эркакнинг бўлгани яхши-да.

Ҳозирги кунда бошингга оғир кун тушмасин. Оғайнингни ҳам, дўстингни ҳам катта-кичиги сендан юз ўгирар экан. Ўшандан буён бу уйда одам борми-йўқми, деб ҳеч ким сўраб келмади. Ана шундай пайтда билинади-да, одамзотнинг қадри. Пичоқ ур – қон чиқмайди.

У бечора ҳеч кимга ёмонлик қилган банда эмас. Энди бир оғиз гап қайтарганига номардлар шу кўйга солишди-да уни. Номи ёмонотлик бўлди. Лекин худойим ҳаммасини кўриб турибди. Ёмонларнинг албатта жазосини беради.

Сен жониворда ҳам нима айб. Емишингни ўз вақтида беролмасак, етаклаб боқишга ҳам жой йўқ. Кўп хўрсинаверма, жонивор, ҳаммамиз ҳам мусофирмиз. Бирор кун қорнинг тўядиган вақт келар, ўшанда челақ-челақ сут берарсан. Ишқилиб, хўжайин тезроқ қайтсин-да. Болалар ҳам у кишини жуда соғинган...”

Бузоқча чўзиб маъради. Сигир боласига ўғирилди. Роҳила эса бир тутам ўт олиб бузоқчага берди. Сўнг қўлидаги челақни айвонча четидаги илгакли симга илдириб, “Товуқлар қурғур тухум кўйгандир”, деган хаёлда товуқхона томон юрди.

– Э, қақилламай қақодонинг тешилгурлар-ей!

Унинг овоз чиқариб койинишлари бекор кетди. Бешта товуқдан зўрға биттаси туғибди. Ҳафсаласи пир бўлди. “Бекорга қақиллашади, – товуқхона четидаги кундага ўтириб, ўйлай бошлади у. – Қуруққа томоқ қоқишади. Шу товуқлар ҳам одамни алдайди-я. Уч кундан буён битта тухумга шунча қақ-қак. Тавба, булар ҳам Худонинг бир махлуқи-да. Шу ўлгурларда ҳам нафс бор. Ризқини териб ейди. Қани, энди одамзот шундай бўлса. Йўқ! Унда “Сен ёмонсан, сен бошлиқни сўқдинг”, деб кимни қамашади? Ўшанда ким бўйруқ қилади-ю, ким бажаради? Шундай яратганига ҳам шукр, бўлмаса, бир-бирининг кўзларини чўқиб оларди бу одамлар... Энди шу кунларда муштдай-муштдай тухумларингни тўтиё қилманглар. Кўриб туриб-сизлар, хўжайинимиз кетгандан буён аҳволимиз оғирлашиб қолди. Айниқса, болаларга қийин. Сизлар бола туғиб кўрмагансизлар-да, билмайсизлар, қақажонлар. Тунов кун Марзияга муаллими “Агар форма олмасанг, дарсга келма”, дебди. Пул йўқ, қаердан оламиз. Бечора беш кундан бери йиғлайди, мактабга бормайди. Ахир, битта менинг кетмон чопганим нимага ҳам етарди?

Энди, сизлардан бир нарса олиш учун бир нарса бериш керак. Доннинг ҳам қолганини экдик. Нима қиламиз? Хўжайинимиз қайтгунча тақдирга тан бериб яшайвераймиз-да...

Ўзларинг ҳам биласизлар-ку, ўша кун ҳовлида донлаб юрган эдиларинг. Ер ўлчовчилар келиб қолди. Ҳалиги дароз ҳисобчи таноб чўптини у ёқдан – бу ёққа ташлаб чиқди. Икки

таноб ер зиёд экан. Улар бир-бирларига “Нима қиламиз?” деб қараб туришганди, совхознинг парткоми келиб қолди. Ҳисобчи бола бидирлаб ҳаммасини унга тушунтирди. Партком ҳовлининг ичини ўзича чамалаб, кейин юқорида экилган буғдойзорга ишора қилиб: “Хув, ўша ерни бузинглар, ўрнига пахта экасизлар”, деди. “Ака, бешта болам бор. Уларнинг ризқини қирқманг. Келгуси йил экмаймиз, давлатга берамиз”, деди Боймурод гапга араллашиб. “Шунча ортиқча ерни эгаллаб олибсиз, яна гаптингизни қаранг. Ўроқ солинглар”, деб буйруқ берди партком ер ўлчовчиларга.

Шунда Боймурод ҳовлида ўйнаб юрган болаларини буғдойзорнинг четига қатор қилди. “Буғдойнинг эгаси шулар!” деб туриб олди. Болалар эса изиллаб йиғлашарди. Менинг ҳам юракларим қон бўлди.

– Ҳали шунақа қилиб енгмоқчимисан ё кўрқитмоқчимисан, аҳмоқ! – бақирди партком.

Боймурод ҳам тўлиб турган эканми:

– Ўзинг аҳмоқсан! Сизлар ҳам биласизлар кимни сиқишни, – деди жаҳл билан.

Бўлган гап шу. Шу ерда акт тузишди. Кечкурун мелиса келиб олиб кетди. Карманада ўн беш кун ётди. Сўнг Каттақўрғон турмасига олиб кетишди. Бориб кўролмадик ҳам бечорани. Майли, ярми қолди. Начора, кутамиз. Ёмонларнинг жазосини худо берар... Кўп ҳам туғмасдан юрманглар, ҳеч бўлмаса, кун ора туғиб турунглари. Бир шамолланглар...”

У товуқхонани очиб товуқларни чиқариб юборди. Ўзини енгил ҳис қилди. Ҳуссаси бироз тарқагандай бўлди...

\* \* \*

Ранглари синиқиб қолган Роҳила болаларига ширчай қилиб ичирди. Катта қизи Марзияга укаларини қолдириб, далага жўнаш тараддудига тушди.

– Она, қачон форма олиб берасиз, бугун ҳам мактабдан қоламанми? – деб йиғлади қизи.

– Йиғлама, келаётган бозорда товуқлардан сотамиз. Ўша пулдан олиб бераман. Укаларингдан эҳтиёт бўл. Ҳовлининг у ер-бу ерларидан ўт олиб сигирга беринглар. Укаларинг йиғласа, саватдаги қотган нондан ивитиб бергин.

У ишга кетатуриб: “Э, лаҳадга тиқай сенларни. Қаро ерга бориб қақилла! Кишт-е”, дея супа юзидаги йиртиқ ковушни олиб, янги экилган буғдойларни титкилаётган товуқларга қараб ирғитди.

Таниқли ёзувчи Ашурали Жўраев қаламига мансуб бўлган ва ушбу сонда эътиборингизга ҳавола этилаётган икки ҳикоя услуб жиҳатидан фарқ қилади: “Ғусса” анъанавий йўлдаги, “Кетмон юзидаги ой” эса рамзий-тимсолий ҳикоя. Лекин икки ҳикоянинг ҳам ўқ томири битта мавзу, ғоядан сув ичган – ёзувчи шўро даврида инсоннинг, инсон бўлганда ҳам, меҳнаткаш инсоннинг қадр-қиммати қанчалик оёқости бўлганига эътибор қаратади.

“Ғусса” ҳикоясининг қаҳрамони – Роҳила, эри қамалиб, жўжабирдай болалари билан қолган аёл. Рамақижон сигирию бир неча товугига суяниб қолган жабрдийда. Ҳатто дардини эшитадиган, тасалли берадиган киши ҳам йўқ; ноиложликдан сигири ва товукларига ҳасрат қилади. Асарнинг ғояси, қамрови ана шу жониворларга қилинган ҳасрат давомида очиб берилади. “Ҳовлидаги буғдой экилган жойни бузиб, пахта эк!” деган буйруққа бўйсинмагани учун Роҳиланинг эри қамоққа тушган. Қўз олдимизда Мустақилликкача юртимизда ҳукм сурган пахта яккаҳокимлиги туфайли забун бўлган айбсиз ҳамюртларимизнинг аччиқ қисмати гавдаланади.

Иккинчи ҳикоянинг бош қаҳрамони эса – Кетмон. У йил бўйи, кечасию кундузи тиним билмайди. Аммо қадрлашга келганда, муаллиф тили билан айтсак, “ҳосил тўйларига кетмонни таклиф қилишни унутиб қўядилар”. Ҳатто у бир гал илғор кетмонларнинг умумий йиғилишида минбарга чиқмоқчи бўлганида, мажлисхонага яқин ҳам йўлатишмайди. Эшикдаёқ силтаб, ирғитиб юборишади. Қайтага, дастаси дарз кетгани қолади.

Бу битикларни ўқиб, ёши катта ўқувчиларимиз тасавурида ўтган асрнинг 70-80 йилларидаги сунъий дабдабалару халқимизга қилинган адолатсизликлар жонланиши аниқ. Икки ҳикояда акс этган ҳолатлар билан танишиб, ёш ўқувчиларимиз ажабланиши, наҳотки шундай бўлган бўлса, дейиши мумкин. Ҳа, афсуски, бўлган. Шукрки, бугун мутлақо бошқа давр, ўзгача муҳитда яшаятмиз. Аммо бу кунларнинг қадрига етишимиз учун баъзан ортимизга бир қайрилиб қўйишимиз, кечаги кунлардан сабоқ чиқаришимиз лозим. Бу мавзуларда битилган бадий асарлар эса бизни ҳамиша уйғоқликка, эркин-хур ҳаётнинг қадрига етишга чорлаб туради.

**Таҳририят**



# Кетмон Юзидаги Ой

ҳикоя

**К**етмоннинг юзига ойнинг акси тушмай қўйди. Юзи кичрайиб, хира тортиб, занг босиб бораётган кетмон эса ойни соғинган эди. Ой унинг эски дилдоши, дарддоши ва ушалиб-ушалмаган орзу, армонлари эди. Афсуски, кетмон туш кўрмайди. Боши банд, хотираси ёғочга айланган. Агар у туш кўрганда борми, тушига нуқул ой кирарди, тўлин ой!.. Ва у мазза қилиб ой билан армонлашарди. Ўшанда кетмон ёш эди. Ғайрати жўш уриб ҳеч қаерга сиғмасди. Ҳар гал ер билан учрашганида унинг дамидан ўт чиқарди. Бу ўт тупроқни жазиллатарди. Кетмоннинг олови ерни ёндирмоқчи бўларди.

Ер бундай дами ўткир ҳароратли кетмонларни кўп кўргани учун ҳам уларга заррача парво қилмас эди. Ернинг бағри ердай кенг ва бепоён эди.

Кетмоннинг ой билан сирлашган дақиқалари умрининг энг бахтли лаҳзалари эди. Ой акси унинг кафтдай юзларига қўнган ойдин тунлар лаззатини ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Ой ойдан-да гўзал, кетмон кетмондан-да ҳароратли ва қудратли эди. Аслида ойнинг ҳасрати ҳам кетмонникидан асло кам эмасди. Улар бир-бирларига маҳлиё бўлиб, ҳатто ҳасратлашишни ҳам унутиб қўярдилар. Бундай пайтда ҳасратга бало борми?..

Энди ер унинг жон-жонини суғуриб олган эди. Не-не дами ўткир кетмонлар каби бу шўрлик кетмон ҳам ернинг азалий ва илоҳий қувватига дош беролмади. Ер қанчалар юмшоқ, қанчалар метин бўлгани билан барибир ер эди. Абад-азал шу: темирчилар зўр бериб, юксак маҳорат билан кетмон ясайверадилар, ер эса кетмонларнинг даммини аста-секин пасайтириб, жасоратини сўндириб бораверади. Минг ҳаракат қилгани билан кетмон охир-оқибат ҳолдан тояди. Ҳолдан қолиш эса азоб. Сўнгра ортиқча буюм сингари ҳеч кимга керак бўлмай қолади. Ёнингга ёш ва забардаст кетмонлар келиб қўшилади. Улар ҳам охир-оқибатини ўйламай, завқ-шавқ билан туну кун ер чопгани-чопган... Эҳ, шундай пайтда кетмоннинг жасоратига, шижоатига на таъриф, на тараф йўқ. У эртасини ва келажагини ўйламай, ер билан ғайрати жўшиб курашгани курашган. Кетмон одам билан ерни боғлаб турувчи фақат меҳнат воситаси эмас, балки тириклик манбаи ҳисобланади. Воситачилик мушкул вазифа. Аввало, кетмоннинг қандай қўлларга тушишига ҳам боғлиқ. Агар у ҳақиқий меҳнаткаш деҳқон қўли билан ошно бўлса, яъни ўз қўлини топса, бу кетмон

учун байрам, мўл-кўл хирмон учун ҳосил қўшиғи янграйди. Бундай пайтда кетмон кетмон бўлиб яралганига шукр қилади, тинимсиз ер чопайди. Унинг танида ҳам, юзида ҳам армон қолмайди.

Энди ишەқмас, дангаса қўлга тушган кетмон армонда кетади, шашти сўнади, ҳамма дарди ичида бўлади. Эгри қўлларга тушган кетмон эса фақат бегонанинг томорқаси учун ишлайди, умри саргардонликда ўтади. Бегона эгатларда сандироқлайди.

Кетмон эгасининг ёши ҳам бир жойга бориб қолган, энди унинг гурсиллатиб, қарсиллатиб кетмон уришга қуввати келмасди. Кетмон унинг қувватини узум донасини сўргандай сўриб олган.

Бир вақтлар эгасининг куч-ғайрат тўлиб-тошиб ётган билаклари дастага тегиши билан кетмоннинг бағрига ўт тушарди. Ишга бир шўнғиб кетилдими, тамом, илҳомланган қўлларнинг кетмондан, кетмоннинг пўрсилдоқ ердан узилгиси келмасди. Тупроқ эланиб-эланиб, титилиб-титилиб, ушоқ-ушоқ бўлиб кетарди.

Ернинг ҳам меҳри жўшиб, кетмон тушган тупроқлар эланиб, майдаланиб борарди. Кетмон қанчалар бағрини тилка-пора қилмасин, ер ўзини яйраб-яйраб ҳосилга тайёрларди. Кетмон енгил-енгил ботса, ер ҳам яйрайди, ер ҳам ҳузур қилади. Ер кўптчийди. Уруғни уйғотиб, унинг ниш урган илди-зига бағрини очади. Ҳосил бўлиқлашади.

Кетмон ер билан уруғнинг қўшилишига макон яратиб беради. Лекин кетмон қанчалик куйиб-пишиб меҳнат қилмасин, ҳосил қўшиғини эшитиш бахтига муяссар бўлолмайди. Кетмоннинг қоқ пешонасига шу кўргиликлар ёзилган бўлса, у шўрлик нима ҳам қилсин? Меҳнатни кетмон қилади-ю, унинг ҳузурини ўроқ кўради. Ҳатто ҳосил тўйларига кетмонни таклиф қилишни унутиб қўядилар. Тўрда тўралар ўтиради. Кетмон ушламаганлар ё қадах, ё микрофон ушлайди. Абжир шоирлар кетмон ҳақида шеър ўқийди. Қўлига кетмон ушламаган биттаси “Кетмон” деган дoston ёзибди.

Кетмон бечора қачон ишлаб, қачон дам олганини билмайди.

Қишда ариқ-зовурни тозалайди, шўри ювиладиган даланинг челини тортади, сўнг шўр ювади.

Баҳорда кўчат ўтқазади, уруғ экади, ниҳолларни завқ билан чопиқ қилади.

Ёзда меҳнат қайнайди, кетмон қандай юмушларни бажарганини эслаб саноғига етолмайди, офтобнинг тиғида терга ботиб меҳнат қилгани-қилган. Саратонда сарғайиб-сарғайиб кетади

кетмон. Оғир-оғир нафас олади кетмон. Ернинг тафтидан чуқур-чуқур ҳансирайди кетмон. Кетмонни қора тер босади. Бу маржон-маржон тердан баъзан ер ҳам шўрлайди.

Кузда ҳосилни йиғиб-териби олишда кетмоннинг ўрни, вазибалари борки, буни кетмондан бошқа бирорта техникаси эплломайди.

Кетмоннинг ётоғи йил ўн икки ой дала. Бундай айвон пештоғида ёки сайисхонанинг бир қоронғи пучмоғида дурустроқ дам олганини эслолмайди.

Энди, ҳамма кетмон ҳам ўз эгасидан рози бўлавермайди. Бировлар худди ўз фарзандидай кетмонни асраб авайлайди. Тошга, темирга уриб олишдан эҳтиёт бўлади. Агар кетмоннинг тиғи бирор қаттиқ нарсага тегиб учса ёки жиддий лат еса, эгасининг ҳам юраги оғрийди, вужуди азоб чекади. Ахир, кетмон меҳнат қуроли-ку!

Бераҳм, бешафқат қўлларга тушган кетмоннинг ҳолига вой! У кетмон бўлиб яралганига минг-минг пушаймонлар ейди, умри озор билан ўтади, алами, дарди ўзи билан кетади. Бундай кетмон тезда сафдан чиқади, унинг кетмонлик сиёҳи қолмайди. Кетмон ўз-ўзидан ҳолдан тойиб, касалликка йўлиқади, адои тамом бўлади. Бир куни эгаси ишдан қайтгач, одатдагидай кетмонни ҳовли этагига улоқтирди. Улоқтириш жараёнида жаҳл билан “Ҳе, онангни...” деб ҳақорат қилди. Кетмон онаси бор-йўқлигини билмайди. Лекин бу ҳақорат унинг темир танасини зирқиратиб юборди. Ахир, энг оғир ҳақорат онани сўкиш-ку! Қайси куни далага келган уч-тўртта йўғон киши ҳам унинг эгасини боғлаб ҳақорат қилди. Бири қўйиб, бири олиб, нуқул онадан келди. Бечора деҳқон, шўрлик деҳқон тош ютгандай миқ этмасдан, бошини кетмондай эгиб, мутеларча ерга термулиб турди. Унинг аламдан бутун вужуди титраётганини кетмон дастасини тутган қўллари-нинг титраётганидан сезиш мумкин. Агар замони кўтарса, онангни, деган бу ҳаромхўрларни кетмон билан тилларини чопарди. Шунда ҳаммаёқни чопилган тиллар босиб кетарди.

Ҳикоямизга қайтайлик. Кетмон кетмонлигини унутмасдан олдин эъзозланган пайтлари ҳам бўлган.

Унинг эгаси анча бамаъни одам. Даладан қайтгач, кетмонни ҳовли этагидаги ариқда эринмай тозалаб, қавариб кетган кафтлари билан ишқалаб ювади. Кафтларининг қаварган жойлари кетмоннинг қитиғини келтиради. Бундай илтифотдан кетмон хижолат бўлади. Унинг қўллари қавариб-қавариб, бармоқлари ёрилиб-ёрилиб кетганидан уялади. Баъзан ювиб бўлгач, кетмон дастасини олма шохига кистиради, баъзан айвоннинг бурча-

гига эгиб қўяди. Гоҳида ювиб бўлиб, ҳовли ўртасида қолдириб кетади. Шунда кетмон роса яйраб ҳордиқ олади. Айниқса, тўлин ой кетмон юзида пайдо бўлса қувонади, ой билан сирлашгиси келади. Лекин унинг юзида ой билан сирлашадиган на ҳарорат, на илиқлик бор. Дардлашай деса, дарди ойга етиб бормайди. Ойнинг ҳам дарди кўп, ҳасрати мўл бўлса керакки, кетмонга етиб келмайди.

Кетмон энди кетмон-да, юзига ой акси тушиши билан мудрайди, мудраб туш қўради. Тушида ҳам меҳнат, жон-жаҳди билан берилиб ер чопади. Кетмондан олдин дастаси терлайди, дастадан олдин қўллар, қўллардан олдин бармоқлардан тер сизиб чиқади. Баъзан манглайдан, юзлардан оқаётган шўр, тахир тер кетмон юзига ҳам тушади. Кетмон тушида ҳам тердан тамшанади, тердан томоғи ачишади. Минг йилдирки, кетмондан тер ҳиди анқийди. Минг йилдирки, кетмондан дала ҳиди, тупроқ ҳиди келади.

Бу йил кетмоннинг ўттизинчи баҳор далага чиқиши. Ўттиз йилки бажарадиган юмушлари аниқ. Тиним билмай ер чопади, ариқ қазади, ниҳол ўтқазади, томорқани чопиқ қилади, лой-ҳандақни текислайди, лой қоради, замбилни ўша лой билан тўлдиради. Баъзан эса қўшни гўрков уни ижарага олиб туради. Бундай пайтда у маъюс тортади, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келади-ю, лекин ёш оқадиган кўзлари йўқ... Оёғи йўқки, қочса, қўли йўқки, талаб қилса, тили йўқки, дарду ҳасратини айтса?.. Бечора кетмонга бундай имкон берилмаган. Берилганда ҳам нуқул меҳнатдан гапиривериб қулоқларни қоматга келтирарди. “Шарафли меҳнатимиз...”, “Шонли меҳнатимиз...” деб тинкани қуритарди. Ўшанда ҳам тер тўкиб, асл меҳнат қиладиган кетмон миқ этмасдан ишлайверарди. Маҳмадона кетмонлардан худо асрасин...

Кетмон қачон, қайси устахонада тобланиб тайёрланганини билмайди. Ишлайвериби хотираси ҳам кесакка айланиб кетган. Аллақачон эслаш қобилиятини йўқотган. Кетмон шўрликнинг билгани дала билан ҳовли. Эгаси ҳам қизиқ одам: бир гал уни эъзозлаб елкасига ташлаб юради, бошқа сафар эшакка миниб дастасини тақимига босиб олади. Баъзан даладан қайтишда эшакка ортилган ўтнинг орасига қўйиб боғлайди. Шунда кетмон анча озор чекади. Буларга чидаса бўлади. Лекин баъзан тиниб-тинчимагур эгаси тунда томорқасига сув қўяди. Шунда кетмонга роса алам қилади-да! Куни билан ер чопгани етмагандек, ярим кечгача даҳана боғлаб, даҳана очади. Кечаси кетмоннинг ороми бузилади, хаёли тарқайди, ҳаловати йўқолади. Ой билан сирлашолмайди.

Шу зайил кетмон эскириб, занглаб адои тамом бўлиб борарди. Уни ясаган темирчи устасини билмаса ҳам, бозорда бўлган савдони оз-моз эслайди. Яхши ишлангани, юзлари кенг-мўл, анча енгил бўлгани учун ҳам тез сотилган эди. Эгаси уни хуржунга солиб олиб келган. Сўнг толдан қилинган дастанни тешигидан, яъни зўғатадан зўр бериб ўтказганини билади. Ҳатто дастанни ёриб кичик пона ҳам урганди. Даста ғирвон билан жиптслашиб кетди. Сўнгра бир кеча сувга солиб қўйганди. Даста ўзидан-ўзи шишиб, зўғатага чиппа ёпишди. Шу ёпишгунча қимир этмайди.

Тонг саҳарда далага чиқиб кетгани, далага муҳаббат қўйгани... Шу-шу, дала билан боғланиб, ер билан ошно тутинди. У бир сафар илгор кетмонларнинг умумий йиғилишида минбарга чиқмоқчи бўлиб роса ҳаракат қилди. Лекин уни мажлисхонага яқин ҳам йўлатишмади. Эшикдаёқ силтаб-силтаб ирғитиб юборишди. Ўшанда дастаси қарсиллаб ерга тегиб, бироз дарз кетганди. Шу-шу, қайтиб мажлисга бормайдиган бўлди. Кейинчалик гилос дарахтидан қилинган даста ўрнатишди. Зангламаслиги учун тез-тез от ёғи суришарди. Кейинчалик отлар озиб кетиб, ёғ бермай қўйди. Кетмондан ҳар урганда дувуллаб занг тўкиладиган бўлиб қолди.

Ҳадемай ҳандақ ёки ахлат ўрага ташлаб юбориладиган кетмоннинг бир армони бор: кетмонлар қачон ўз меҳнатининг ҳузурини кўради. Қачон?

... Кетмон яроқсиз ҳолга келиб қолгач, уни темир-терсакка топшириб юборишдан олдин эгаси янги кетмон харид қилди. Лекин янги кетмон эскисига парво ҳам қилмади, қайрилиб қарамади ҳам.

Яп-янги кетмон далага талпинди, тезроқ ер билан дийдорлашгиси, дийдорлашиб муҳаббат изҳор қилгиси келади. Янги кетмон ҳам ой билан сирлашишга ташна. Ойнинг ойдаи акси унинг юзига тушишини истади. Ер билан бошланадиган ўтли ишқ олдидан кетмонга пирлари ҳазрати Довуд алайҳиссалом мадад берсинлар. Ўтган барча катта-кичик кетмонларнинг дами қўлласин.



Бу галги луғатимиз Хоразм вилояти шеваси асосида тузилди.

### Ёқту

Хоразм шевасида ушбу сўз “ёруғ” маъносини ифодалайди. Мумтоз адабиёт намуналарида ҳам ундан кенг фойдаланилган. Масалан:

Ики ёқту гуҳар оламга берган,  
Муҳаббат ганжини одамга берган.  
(“Муҳаббатнома”дан).

### Дигириқ

Ушбу сўз воҳанинг асосан Урганч, Хива, Хонқа туманларида “тор кўча”, “жин кўча”, “боши берк кўча” маъноларида келади. Масалан: “Дигириқдан у ёғига йўл йўқ эди”.

### Хараз

Бу сўз “тегирмон” маъносида қўлланилиб, воҳанинг барча туманлари учун характерлидир. Масалан: “Отаназар кун пешинлаб ун торттиргани харазга кетди”.

### Сеча

Асосан ўғуз шевасига хос бўлиб, “чумчуқ” маъносида келади. Воҳанинг Урганч, Хонқа, Хива, Янгиариқ, Қўшқўпир туманларида бу сўз кенг қўлланилади. Масалан: “Бола қўлига тош олиб улгурмай, шохдаги сечалар пир этиб учиб кетди”.

### Учак

Воҳада бу сўз “том” маъносида қўлланилади. Гурлан, Янгибозор туманларида эса унинг муқобили сифатида “тамбаш” сўзидан фойдаланилади. Масалан: “Довул оға сомон ташлаш учун учакка чиқди”.

### Қаринжа

Хоразм воҳасида ҳозир ҳам қўлланиб келинадиган бу сўз “чумоли” маъносини ифодалайди. Масалан: “У қўлида ўрмалаб кетаётган қаринжани пуфлаб ташлади”.

Рабғузийда “қаринжа” – “қаринчқа” тарзида учрайди:

“Қаринчқаларнинг улуғи оқсоқ эрди”. (“Қисаси Рабғузий”дан)

Акмал ЖУМАМУРОДОВ

тайёрлади.



# Болалик – умрнинг энг мазмунли даври



*Жак Ив Кусто ҳикматларидан*

- ✓ Имконсиз туюлган ишларни уддалашни муваффақият дейиш мумкин.
- ✓ Агар мантиққа боғланиб қолганимизда, келажак бизга афсус-надоматлар олиб келарди. Мантиқдан муҳимроқ нарсалар бор. Биз одамлармиз. Эътиқод ва умидга эгамиз, меҳнат қила оламиз.
- ✓ Биринчи қадамни ташлашга қизиқувчанлик туртки беради, унинг ортидан эса илм эргашади.
- ✓ Ҳақиқий бойлик – ҳаётнинг ўзи ва қизгин фаолиятдир.
- ✓ Сувда ёки қуруқликда бажараётган амалларимизнинг қадр-қиймати бойликка интилиш билан эмас, инсонга ҳурмат кўрсатиш билан баҳоланиши керак. Денгиз устида ҳам, тубида ҳам асосий ташвишимиз инсониятнинг келажаги бўлиши зарур.
- ✓ Болалик – умрнинг энг мазмунли даври.
- ✓ Балиқнинг хатти-ҳаракатларини кузатишнинг энг яхши йўли – балиқ бўлиш.
- ✓ Гирдоб ва ҳаёт бир нарса эканини унутиб қўйдик.
- ✓ Ер инсон қўлидан бутун тарихига нисбатан XX асрда кўпроқ азият чекди.
- ✓ Одам аҳмоқлик қилишни истаганидагина ақлидан фойдалана бошлайди.
- ✓ Денгиз – одамзотнинг ягона илинжи. Бу фикр ҳар доимгидан кўра бугун ўз тасдиғини топяпти – чунки барчамиз битта қайиқдамиз.
- ✓ Мен бир сафар океан касал, лекин ҳеч қачон ўлим тўшагида бўлмаган, деган эдим. Океанда ўлик жой йўқ – унда ҳамиша ҳаёт ҳукмрон. Лекин у йилдан йилга кучсизланиб боряпти.
- ✓ Агар танлаган йўлимиздан кетаверсак, бизни очкўзлик адои тамом қилади. Йўналишни ўзгартира олмасак, тез орада Ер юзидан йўқоламиз, ўрнимизни қурт-қумурсқалар эгаллайди.
- ✓ Қанчалик кенг бўлмасин, бирор-бир аквариум, бирор-бир сунъий сув ҳавзаси денгиздаги табиий шароитни ярата олмайди.

**Ориф ТОЛИБ**  
таржимаси



Зулфия – атоқли шоира, йирик давлат арбоби, жамоат ишларида фаол, эл назаридаги инсон. Лекин у биринчи набатда аёл, аёл бўлганда ҳам ўзбек аёли эди. У аёл сифатида муайян бурчга эга эди. Зулфия опа ўзбек шеърлярида ўзига хос бир мактаб яратган эди. Унинг шогирдлари жуда кўп.

Шоиранинг шеърлари ҳақида, уларнинг латофати, инсоний жозибаси, теранлиги тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин.

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## Хулқарга

Эсимда... Халласи эсим, сезимида,  
Инсон туғилишини себинги, дарди...  
Ўзим тўнганда ҳам бўлганим себингида  
Дардлар унутганим... гўё йўл гарди.

Ўзинг ёзда хайраб, лекин ким ховрин,  
Меҳрим ўтларида синдирсам дедим  
Баҳор гўзалмигин, куз сажинмигин,  
Қор покмигин сенга синдирсам дедим.

Шундай... тандан уздим, толмагани  
диздан,

Аввал эргаштирдим, сўнг ўтдим  
ортга.

Ортдан кўрмоқ осон: Бахтлими  
гиндан,

Лойқамми мен эҳкам нисол хайрга...

Сени кўзиб, ўтиб эркалаб,  
шу шеърларни ёзди эрталаб.

Зулфия 19.1.62.

# Шарафли умр манзаралари



Озод Шарафиддинов адабиёт илмига, аниқроқ қилиб айтсак, адабий танқидчиликка ёниб кирди ва ҳозиргача у мана шу сфаҳлатни сақлаб қолди. Унда ҳақиқат руҳи, демократик руҳ, эркинлик руҳи кучли.

**Абдулла ҚАҲҲОР**

Озод Шарафиддинов одил инсон, заҳматқаш олим, меҳрибон ота сифатида қалбларда из қолдирди. Домланинг ижодий мероси наинки бир инсоннинг, балки бутун бир миллатнинг фахру ғурури бўла олади. Озод Шарафиддинов ўзбек адабиётининг XX аср тарихида ўз шахси, ўз дунёқараши, эътиқоди, истеъдоди, имкониятлари озодлигини бир бутун тақрорланмас ҳодиса деб билган, бу юксак қадриятлар тақозо этадиган машаққатлар юкига елкасини оғринмай тутган, бир зум эл назаридан четда эмаслигини ҳис этиб яшаган зиёлилардандир.

Устоз шу меҳнатлари учун “Меҳнат шуҳрати” ордени (1997), “Буюк хизматлари учун” ордени (1999), “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони (2002) билан тақдирланган.

“Фақат ўз юртини, миллатини яхши кўрган, уни бенуқсон кўришни истаган адибгина ҳеч қанақа таъна-дашномлардан қўрқмай, инсон ҳақидаги ҳақиқатни рўйи-рост тасвирлайди”.



Озод тиниб-тинимайдиган, ҳар бир воқега шахс сиратида муносабатини ўз вақтида билдира оладиган ҳозирнавоб олим, адиб, педагогдир. Шу безовта қалб эгаси, дўстларига меҳрибон, шоғирларига қаттиққўл дўстимиз, ҳаётнинг жами айшиқ-кушчуқларини татиб кўрган биродаримиз Озод ҳамisha дўсту ёронлари, шоғирлари ардоғида.

**Саïд АҲМАД**




Устози Абдулла Қаҳҳор билан. 1960 йил

XX аср ўзбек адабий муҳитида ўз ибратли шахсияти, мустақкам эътиқоди, кенг дунёқарashi билан зиёларимизнинг бутун бир авлоди учун намуна бўлиб танилган аллома Озод Шарафиддинов менинг нафратим шунча, балки инсон сиратида шаклланишига қатта таъсир кўрсатган тин маънодаги устоз эдилар.

**Эркин ВОҲИДОВ**


Озод Шарафиддинов ангагина қийинчиликларни дошидан кетирди. Бунга аксарият ҳолларда унинг тўрткесарлиги, ўз фикрларини холисона ва дадил айтишига мойиллиги сабаб бўларди.

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ**



Маҳаммад ва Матлаб Воҳидовлар билан. 1954 йил

“Ҳеч қаерда ҳеч қайси инсонлар жамияти фақат моддий эҳтиёжларини қондирибгина ҳаёт кечира олмайди – инсон ҳаёти саодатманд бўлмоғи учун виждон ва имон унинг ҳаётида устувор бўлмоғи керак”.



Озод Шарафиддиновнинг номи ўзига жуда муносиб. Ўзига жуда ярашган. У эътиқодли инсон ва, демак, тинкакам озод инсон. Озод фикрлайди. Озод тўйчулар билан яшайди.

**Иброҳим ҒАҒУРОВ**



Шухрат ва Абдулла Орипов билан. 1962 йил

Озод Шарафиддинов деганда,  
 абваломвор, кўз олдимизга кудо берган  
 истеъдод соҳиб келади. Озод ака  
 мана шу бетакрор қобилиятини аниқ  
 тарихий мақсадларга йўналтира олди.  
**Абдулла ОРИПОВ**



Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов билан.



Бегали Қосимов, Ҳотам Умуоров, Ўткир Ҳошимов билан.

Озод Шарафиддиновни минглаб одамлар  
 ўзининг қадрдонни санар эди. Сабаби, домлада  
 улкан олим, машҳур мунаққид, меҳрибон  
 устозликдан ташқари яна бир сазилат бор  
 эди. Озод ака дилкаш, сўхдати ширин,  
 ҳазил-мутойибани қийиб кўядиган инсон  
 эди. Шунинг учун қаерга бормасин, дарҳол  
 атрофини одамлар ўраб олар, "катта домла  
 билан ақалли икки оғиз сўхдатлашиши"ни ҳавас  
 қилувчилар ёпирилиб келарди.

**Ўткир ҲОШИМОВ**



Темур Фаттоҳ, Гафур Фулом, Одил  
 Ёқубов, Қуддус Муҳаммадий, Мақсуд  
 Шайхзода, Иzzат Султон, Явдат Илессов,  
 Жуманиёз Жабборов билан.

Наҳонда ақлу идрок, зеҳни дониш бирла Озод бўл,  
 Ҳамиша халқ билан бирга шарарлан, яъни одод бўл!  
**Гафур ФУЛОМ**

"Ҳақиқий истеъдод эгаси ҳеч қачон жўнгина  
 формулага тушадиган юзаки одам бўлмайди. Унинг  
 ҳаёти ҳамиша курашга, кашфиётлар ва йўқотиш-  
 ларга, драмалар ва фожиаларга тўла бўлади".

**Озод ШАРАФИДДИНОВ** мақолаларидан олинди.



Мен "Наҳон адабиёти" журналига домладан  
 кейин келган иккинчи ходим бўлдим ва бош муҳаррирга  
 ўринбосар сиратида иш бошладим. Мана шу  
 февралитим давомида устознинг муҳаррир сиратидаги  
 фидокорона меҳнатига, жасоратига, муаллифларга  
 самимий муносабатига кўп марта шўхид бўлганман.  
 Домла иш борасида ўзини аямасди. Нҳуда  
 меҳнаткаш инсон эди.

**Мирпўлат МИРЗО**



Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров ва бошқалар билан.

**Ғиёсиддин ЎНАРОВ**  
 тайёрлади.



**Олим ТОШБОЕВ,**  
филология фанлари  
номзоди.

1971 йили туғилган.  
Ўзбекистон Миллий  
университетини  
журналистика  
факультетини тамомлаган.  
Ижтимоий-сиёсий, адабий-  
илмий мақолалари эълон  
қилиб келади.

## Бадииятга кўчган **замон сурати**

Истиқлол Ўзбекистон ҳаётида мисли кўрилмаган даврни бошлаб берди. Шўро истибдоди ўрнатган ва бир неча авлод учун дастуриламал бўлган мафкура тузум билан бирга маҳв бўлди. Аммо жамият мафкурасиз, ғоясиз яшаши мумкин эмас. Президент Ислом Каримов 1993 йил бир гуруҳ зиёлилар билан қилган суҳбатда ушбу долзарб масалани кун тартибига қўяди ва шундай таъкидлайди: “Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга хизмат қилиши лозим”.

Мустақил жамиятнинг ғоявий асосларини ва йўналишини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш жараёни қизғин кечди. Бу улкан ва кенг қамровли масалалар муҳокамасида зиёлилар, олиму адиблар, журналистлар, кенг жамоатчилик вакиллари ўз тақлиф-мулоҳазалари билан иштирок этди. 1991–1996 йиллар республика матбуотида истиқлолнинг илк даврлари инъикосини кўриш мумкин. Ўша давр газета-журналларини варақласан-

гиз, миллий қадриятлар ва маданий мерос, тарихнинг янги талқини, миллий ғоя ва миллий онг каби долзарб мавзуларда бир-биридан қизиқ юзлаб мақолалар, баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари, интервьюлар, илмий тадқиқот ишлари ва рисолаларга кўзингиз тушади. Бу ўзига хос жўшқин жараёнда шоир ва ёзувчиларимизнинг аксари фаол публицист сифатида ҳам ном қозонди, десак, хато қилмаган бўламиз. Сўз санъаткорлари фуқаролик позициясини намоён қилишда тезкор йўл сифатида публицистикани маъқул кўришгандир, эҳтимол. Лекин аҳён-аҳёнда бадиий адабиётда ҳам даврнинг оғриқли нуқталари ўзига хос тарзда тасвир этилган асарлар кўриниб қолар эди. Ана шундай асарлардан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг 1993 йил “Ватан” газетасида чоп этилган “Аросат” ҳикоясидир.

Авалло ҳикоянинг номлаши китобхон кўнглида талай саволларни пайдо қилиши табиий. Нега энди “Аросат”? Сўзимиз аввалида айтиб кўяйлик: ҳикоя диний мазмундаги

аросат ҳақида эмас. Аммо халқ орасида бу тушунчанинг тагин бошқа маънолари ҳам борки, гап шу ҳақда. Ҳикояда ўтмиш ва ҳозирги давр кишисининг ботиний ва зоҳирий олами, қадрият ва қарашлари ажойиб тасвирланган. Бир сўз билан айтганда, “Аросат” да бозор ва маънавият тўқнашуви акс этган. Истиқлолгача бўлган тарих шундан далолат бердики, тузумлар алмашиши, дунёқараш ва эътиқодларнинг ўзгариши жамият аъзоларида анчайин бир саросималик уйғотар экан. Бу жараён ҳар кимга ҳар хил таъсир этиши мумкин. Кимларнингдир қонида мудраб ётган молимар-думхўрлик аста уйғониб, ҳунар кўрсата бошлади. Яна кимлардир турли илинж ахтариб ҳар кўйга улоқиб кетади...

Ҳурматли адибимиз ҳикоянинг бирор ўрнида на қаҳрамонлар, на муаллиф тилидан маърифат, мафкура, ғоя сўзларини ишлатади. Бу сўз ва тушунчаларни образлар дунёсига сингдириб юборади. Ҳикоя қаҳрамонларидан бири Хўжамёр янги давр, янги шароитдан фойдаланиб бизнесмен бўлган, “Пул – ҳамма нарса” шиори билан яшайдиган одам. Чунки отаси Мадиёр даллол ўтган. Хўжамёр эсини танибдики, кўргани – бозор, даллоллик ва пул. У улғайиб ҳаётни ана шу тусда кўради. Унга инсоний қадриятлар, маърифат унутилган тушдай гап. Қорундек беҳисоб ганжинага эга бўлганларни дунё васвасаси билан ҳалок этган Зот наздида мол-мулкнинг заррача қадри йўқ, дейишади алломалар. Бор-йўғи даллолнинг боласи, мактабни зўрға битирган йигит бирданига бойиб кетади-ю, жаҳонгашта ва марҳаматли

бизнесмен сифатида доврў қозонади. Мактаб-маорифни устун билган, малакали мутахассис бўлган инсонгина фаровон яшайди, деган ақида билан юрган одамлар кўз ўнгида бунинг акси. Ақиданинг зидди билан ҳам халқни ўзига қаратиш мумкинлиги, эл-улуснинг ҳожати “синпида қолиб юрган” болага тушиши... Асарни тутиб турган образ – домла Зокир Ўриннинг “ҳаётдаги товла-нишлардан тўйгани” мана шу туфайли эмасми? Э, воҳ! “Давлат кўнса бир чибиннинг бошига, Семурғ қушлар салом айлар қошига”.

Юксак маънавиятнинг бемисл ҳаётий эҳтиёжлиги, у жамиятни бамисоли ўқ томирдек тутиб туриши сира инкор қилиб бўлмас ҳақиқат. Айниқса, ишбилармон, давлатманд кишиларнинг маънавияти юксак бўлиши фақат ўзларига эмас, атрофдагиларга ҳам кони фойда. Шу ўринда ўқувчилик пайтимизда ўқиган бир шеър ёдга келади. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Югур, бизнесмен!” шеърини:

*Ҳазрат шайтон эрур сизинган пиринг.*

*Хулмас, фирибгарсан, йўқ пинҳон сиринг,*

*Замонинг шул экан, югур, бизнесмен.*

Биз шеърни ўқиб, ичимизда капиталистларнинг аҳволига кулган бўлсак-да, аммо бизнесмен кимлигини тушунмаганмиз. Мана, энди тушуниб етдик. Нафақат англадик, унинг талаб ва тартибларига-да мослашдик. Халқимизда “Эллик йилда эл янги” деган мақол бор. Эл янгиланаётганининг бир белигисидир балки бизнес олами.

*Юксак  
маънавиятнинг  
бемисл ҳаётий  
эҳтиёжлиги, у  
жамиятни бамисоли  
ўқ томирдек тутиб  
туриши сира  
инкор қилиб бўлмас  
ҳақиқат.*

Бозор иқтисодиёти ўз қонуниятига кўра нотабий тузумнинг бир хил стандарт ва мезонларга кўра яшашга кўниккан фуқаролари ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Салкам бир асрлик мафкура истехкомлари вайрон бўлди. Кўпчилик саросима ва ваҳима ичида қолди. Эътиқод қўйган партия ва дохийнинг шафқатсизликлари, қотиллигу хунрезликлари ошқор бўлгач, ўз-ўзларини яниб, айбдордек ҳис қилишди. Пул ва бойиш истаги захарли илондек жамият ҳаётининг маълум бир қисмини, баъзи одамларнинг бўшаб, ҳувиллаб қолган қалбларини аврай бошлади: товламачилик, фирибгарлик урчиб кетди. Ҳикояда тасвирланган Хўжамёр ана шундай одамларнинг бир вакили. У ҳатто уятни ҳам билмайди. Унга “бевосита бўлмаса-да, билвосита таъсир ўтказган” устози Зокир Ўрин “тоза ҳаётдан орқада қоп кетган” одам. Ана шу содда, болафеъл “домла Зокир Ўрин мактабда дарсларини ўтиб бўлиб уйига кетаётганда, азбаройи чанқаганидан чойхонага кирган эди”. Ҳикоя шундай бошланади. Эсон духтур “сўридан жой олган эрмакталаб нашаванд, фаррош ва сартарошга” Хўжамёрнинг “Масковдаги хайрия пондларидаям ишлаб” ишбилармон миллионер бўлганини айтиб мақтанади.

– Ҳов фельдшер, қайси Хўжамёрни айтаяпсан? – деб туйқусдан сўраб қолди Зокир Ўрин.

– Домла, сиз ҳам ғағлатда қолган экансиз-ку! – деб этсиз башарасини куйдирган калладай тиржайтирди Эсон. – Ахир, ўзингизнинг ўқувчингиз-чи? Мадийёр даллолнинг ўғли! Сўррайиб юрарди-ку отасининг изидан?.. Менимча, бир-икки йил сингидаям қолган эди”.

Домла шогирдининг ишбилармон бўлганини эшитиб, чандон хурсанд бўлади: “Хурсандлиги шунчаки, торгина кўкраги қабариб кетди”. Эсон духтурга Хўжамёрни ўқитганини, синфида қолганиям ростлигини айтиб, ўзини аллақандай ноқулай ҳам сезади: “Яхши, унда тижоратга қобилият бор экан. Биз ўшанда тижорат аҳлини ўғри-каззоб

деб ёмонлар эдик”. Бир қарашда домла ўз даврининг тушунча ва тутумлари билан қолиб кетгандай кўрилади. Аслида унинг ички дунёси, ўйлари ва қатъий хулосалари шўровий эмас. Асарда сиз қизил коммунист Зокир Ўринни кўрмайсиз. Аксинча, унинг тимсолида камтар, куюнчак, ўта маданиятли ўқитувчи-зиёли образи – ҳаракат ва қарашларига масъул бўлган Шахс гавдаланади.

Зокир Ўрин Эсон духтурдан шогирдининг корхонаси қаерда жойлашганини сўраб, йўлга тушади: “Бизнинг ўқувчимиз шундай киши бўпти-ю, биз бир оғиз табрикламасак, уят бўлади”. “Домла толиққан эди. Аммо бу янгилик завқидан ва Хўжамёрни кўриш, кўришиш ва ҳимматли ишларига барор тилаш онларининг жозибасидан чарчоғини ҳам унутиб, мактаб қошидан ўтиб кетди. У Хўжамёрнинг болалик қиёфасини ҳам, пахта терим маҳалларида такасалтанг юришлари, “Качегар бўламан”, деб ўчоқ бошида қолишларини ҳам ҳисоб формуллари каби эслаб борар, шу асно унинг оқибат тижоратчи бўлишида замин излар, чунки шу заминни шарҳлаб уни шод этишни ҳам ўйларди. Бироқ ҳар-

*Асл муаллимлар  
ҳар бир  
учирма қилган  
шогирдларини  
юракнинг бир  
банди билан  
қузатади. Яъни  
қалби уларда  
кетади.*

чанд бош қотирмасин, отаси даллоллигидан ўзга сабаб топмади. Домла учун тагин ачинарлиси шу эдики, Хўжамёр нақ ҳисобдан ҳам ўртача ўқир эди: ҳа, бирор масала ёки мисолни шариллатиб, ечиб ташлаганини эслолмайди”.

Зокир Ўрин мана шундай ўй-хаёллар ила собиқ колхоз идорасида жойлашган Хўжамбойнинг корхонасига келади. Домла “турмушнинг бошқа йўриқларига хийла лоқайд бўлиб қолганини тан олгани ҳолда, дарвозадан кирди”. Ҳовлидаги “қари тутнинг эгик шохларини кўриб, мамнун тортди: тут... ўзини кутиб олаётгандай туюлди”. Тут домлага таниш. “Болалигида... ҳу йироқ замонларда унинг кичкиналигини пеш қилиб, дарахтнинг учки новдаларини кесиш учун чиқаришар эди, Зокирбой одобли бола бўлганидан барг кесиш баҳона тутга қорин тўйдириб тушишни ҳам ўйла-масди”.

Зокир Ўрин “йўлкада турган кўк “Волга” билан кумушранг хорижий машинага кўзи тушиб, ҳайрон” бўлади. Пешвоз чиққан Абди қоровулнинг “Хўжамёр аканинг апчаркаси



бўлиб юриппиз, домлажон...” деган гапларидан астойдил жаҳли чиқади. Қоровул ва домланинг қизгин мунозарасига “Хўжамёр... ҳа, ўша отюзли йигитчанинг йирик нусхаси қараб турган экан”. Зокир Ўрин ялтоқи Абдибойдан ижирганиб, “ишора-илтифотини қўл ҳаракати билан кескин рад этиб”, эшикка йўналади. Хўл тўшанчага “пош-наси аллақачон қийшайиб кетган туфлисини артиб”, чоғроқ хонага киради. Ёзувчи домланинг серҳаяжон лаҳзаларини қуйидагича тасвирлайди: “Домла остонага қоқиниб, чўғдек гиламга оёқ босди ва бўсагаданми, гиламданми узр сўраган каби гўнғиллаб, Хўжамёрга талпинди”.

Домлани ҳаяжон чойхонадаёқ чулғаб олган, бу ерга – ҳовлига қадам босиши билан бу янада кучайиб, бадтар ўнғайсиз аҳволга солиб қўйган эди. Буни фарзанд муваффақиятидан шодланиб, боши осмонга етган ота ҳолига менгзаш мумкин. Шогирдларига чин меҳр қўйган, уларнинг камолидан қувонган устоз отадай азиз саналади-ку! Домла шогирдига оталарча кўнгли ийиб кетганидан довдирар эди. Мана ўша ҳолат тасвири:

“Хўжамёр уни бағрига олиб ва кифтига аста-аста қоқиб:

– Домлам-е, Зокир Ўринович-е, бормисиз-е, – дер экан, домла Зокир Ўриннинг кўзлари гилқ ёшга тўлди: дами қайтиб, йироқ замонлар билангина эмас, ўзининг ёшлиги билан ҳам учрашгандек пиқиллади ва, табиий, у киши ҳам қўлини тепага узатиб, шогирдининг елкасини силар эди”.

Мазкур психологик-руҳий манзара муайян мақомга эришган ҳар бир инсонда рўй бериши муқаррар. Ўзингиз ўйланг: орадан йиллар ўтган. Дийдор кўришганларнинг кичиги улғайган, улуғининг умр шоми кирмоқда. Бири бозорга бораяпти, бири эса бозордан қайтапти...

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўп кўрган устоз шукрона айтиб кўзёш тўқади. Ўзлари кўрмаган фаровонликни шогирди кўрганидан йиғлайди. Эккан дарахти мева берганига суюнади: “Бах-

тининг ёнида гами кўринар, Гами кўри-нади бахтида унинг”.

Асл муаллимлар ҳар бир учирма қилган шогирдларини юракнинг бир банди билан кузатади. Яъни қалби уларда кетади. Худдики жони бола-сининг ичида турган онаизор каби шодумон, бахтиёр ва айни дамда ғамгин-ўйчан. Бу ғамгин-ўйчанлик ғариблик, ёлғизлик аломати эмас. Бу азбаройи кўринмас иглар билан боғланган устоз-шогирд робитасидирки, уни фақат қалб билан ҳис қилиш мумкин. Яна бир томони, Зокир Ўрин қаршисида бугуннинг олд одами – тадбиркор Хўжамбой турибди! Устознинг шогирдга муҳаббати таъмадан йироқ. Аммо Хўжамбой бунини бошқача тушунади. Устознинг йўқлаб келишини азбаройи пулга муҳтожликдан, кўзёшларини мутелик белгиси деб билади. Чунки унинг қалби муҳрланган, занг босган. У инсоний муносабатларни-да пул билан баҳолашга, ўлчашга ўрганиб қолган. Бетаъма инсоний севги, меҳр унга ёт.

“Потиҳа қилиб қўямиз-да, домла? Ҳарҳолда, мусулмон-миз, бунинг устига, дин модага кирди”, дейди Хўжамёр ўтиришгач. Шу биргина каломдан йигитнинг



кибрга берилгани, оёғи ердан узилганини англаш қийин эмас. Устоз шогирдининг бу бемаврид гапини қабул қила олмайди ва “Дин ҳеч вақт модадан чиқмаган”, дея қўлларини фотиҳага кўтаради.

“– Омин, – Хўжамёр жилмайиб юзига фотиҳа тортгач, стол четигаги хорижий сигаретдан бирини чиқарди. – Ҳалиям мунозарага ўчсиз-а, домла?”

– Гап мунозарада эмас, – дея Зокир Ўрин ҳам киссасидан “Астра”сини олди. – Дин ҳамма вақт одамларнинг қалбида бўлган, Хўжамбой. Лекин бечоралар тазйиқ остида...”

Шогирд домланинг гапларини бўлиб ташлайди. Ўз тили билан айтганда, “мунозарага” киришишга имкон қолдирмайди.

Зокир Ўрин эса шогирдининг “замонавий бизнес бошлиқларидан бири” бўлганини эшитиб қувонганини, кутлашга вақт-лироқ келмаганидан хижолат эканини таъкидлайди. Хўжамбой устознинг бу гапларига-да бепарво бўлади. Ҳатто “Сал қартайибсизми дейман?” дея масхараомуз гап қотади ва “Домла, дунёни кўриш керак”, деб фалсафа сўқади. Зокир Ўриннинг “Дунёдан узилиб вакуумда яшаганмиз-да”, дейишидан яна қувват олиб, сигаретини кулдонга босганча устозига қиялаб тикилади: “Аҳвол қалай, домла?” Хўжамёрнинг бу саволи устозга ачиниши, унга раҳми келганидан эмас, балки уни калака қилиб, киноя оҳангида айтиладики, сўровнинг оҳангини тушунган домла аҳволи яхшилигини айтиб, “Элга келган тўй-да, бу кунлар ҳам...” деб қўяди. Шогирднинг осмондан келиши, бегписанд гаплари домлани яна мунозара қилишга мажбур этади. Илҳоми тошиб: “Мустақил бўлишни шунча йил кутдик. Уни деб куйиб-кул бўлиб ўтди улуғларимиз, алломаларимиз...” дейди. Хўжам устози айтаётган истиқлол фидойиларини, улуғларни билармиди? У ўзини,

*“Арсат” ёзилганидан беш йил ўтиб, Шукур Холмирзаев мавзуга яна мурожаат қилади ва бу гал салмоқли, сермазмун эссе – “Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйлар” асарини битади.*

атрофидаги “агтчарка”ларни, бизнесни билади, холос. Иқтисодий қийинчиликларни элга келган тўй деб қабул қилган, қаноатни маҳкам тутган зокир домлалар учун энг муҳими – юртнинг мустақил бўлгани. Бу тоифа инсонлар барча машаққат ва заҳматларни ўткинчи деб билади. Мана, сизга ватанпарвар Шахс тимсоли!

Ўзини ҳудуднинг якка хўжайини санаган айрим тадбиркору корчалонлар, халқнинг нонини туя қилувчи “ҳожатбарорлар” юрт номига иснод бўлганини яхши биламиз. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов “Бозор – маънавият кўзгуси” мақола-сида айнан шулар ҳақида тўхталиб: “... фақат пулга сажда қилиш, бу дунёнинг ҳамма муаммосини ҳал қилиб берадиган қудратни фақат пулда деб билиш, бойликни, молу дунёни ҳар қандай инсоний қадриятлардан юқори деб ўйлаш ўтмишда ҳам ҳеч кимни яхшиликка олиб келмаган, бугун ҳам олиб келмайди. Молу дунё орттириш йўлига кирган ҳар бир кимса бу йўлда ўз нафсини ўзи тия билиши, бевафо дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларидан устун бўлмоғи, ўз эҳти-

росларининг асоратига тушиб қолмаслиги керак”, деб ёзади.

Мустақиллик имкониятидан ҳузур-ҳаловат топиб, тасодифий омаддан боши айланиб қолган Хўжамбой кимнинг боласи эканини, кеча ким бўлганини бутунлай унутган. Эслаш-ни-да истамайди. Устозининг Ватан мустақиллиги осонлик билан қўлга киритилмагани ҳақидаги гапларини ҳам қулоқлари тагидан ўтказиб юборади. Миллионер шогирди ҳузурда чорак соат ўтирган устоз кетишга изн сўрайди. Хўжамёр томоғини қириб, нима хизмат бор, дейди.

*“Зокир Ўрин елкасини қисди:*

- *Хизмат... Саз-саломат бўлинг, шу.*
- *Йўқ, ундай эмас, домла.*
- *Яна нима дейишим мумкин?”.*

Хўжамёр қўлидаги тилло соатга қараб устозидан нимани истиҳола қилаётганини ижжилаб сўрайверади. Кейин ҳақоратомуз таҳдидга ўтади: “Кепсизми, сўранг-да энди!” У суянчиққа ястаниб, сигаретни роҳатланиб сўриб кулади: томоқдан чиққан ҳиссиз кулги устознинг нафсониятига тегади. Ниҳоят очилиб, ҳузурга муҳтожлар ҳар куни келишини, элнинг корига яраётганини айтиб миннат қилади: “У бечоралар ҳам, албатта, мени табриклагани келишади...”

Бетавфиқ шогирднинг тубан гапларидан Зокир Ўрин портлайди: “Ҳов, ҳали шунинг учун боянадан бери саволга тутаётган экансан-да?” Табрик учун келган устоз ўзини тутолмайди. Чунки, шогирд уни очикдан-очик хонасидан ҳайдайди. Абдибой устозга эшикни кўрсатади. Камлик қилгандай, домлани кучиб кўтариб ташқарига чиқаради.

– Қўйвор, аблаҳ! – деди Зокир Ўрин. – Ўзимнинг... оёғим бор! Ҳозирча бор! – дея эшикка қараб бақирди. – Ҳой, бизнесмен! Тиланчи эмасман, худога шуқр. Сени ўқувчим деб... Бемаъни, одобсиз!.. Одамларга бундай қараш учун киши нақадар тубан бўлиши керак...

Абди жила бошлаган Зокир Ўринни яна даст кўтариб олди-да, ғизиллаб кетди. Кўчага чиқариб кўйиб, дарвозанинг очиқ табақасини беркитди”.

Бойлик дасти эшикни ёпди. Эзгулик ташқарида қолди мунғайиб... Котибаси Асалнинг “Нима бўлди, Хўжака?” деган саволига “Ўзим ҳам тушунмай қолдим”, деб жавоб беради. Гўё ҳеч нарса содир бўлмади. Беобрў қилиб қувилган устозига на ачиниш, на қилмишидан пушаймонлик бор. “Тубанлик ичра ҳам танҳо” бўлган инсон шундай қилиши мумкин. Озод домла айтмоқчи: “Тадбиркор ўз фарзандларининг, оила аъзоларининг ва ҳамма одамларнинг юзига тик қарай оладиган виждони пок одам бўлмоғи даркор. Бунга эришмоқ учун эса одам пул санаш, ишнинг кўзини билишдан ташқари, бениҳоя билимдон, савияси юксак, ниятлари пок, бир сўз билан айтганда, теран маънавият эгаси бўлмоғи лозим”.

Хўжамбой учун Зокир Ўринларнинг эътиқоди, ҳаётга қараши, одамларга муносабати ва қадриятлари бир пулга қиммат. У эски давр одамларининг қаричи билан ҳаётини белгиламайди.

Дарвоқе, гап аросат ҳақида эди. Ҳикояни илк бор ўқиган одам Зокир Ўринни аросатда қолган одам деб ўйлаши тайин. Айниқса, унинг эзгин ҳолатлари, афсуслари, давр хатолари учун ҳам ўзини айбдор санаши шундай хулосага олиб келади. Аммо бойвачча шогирднинг “мунозара”дан сўнг устозни адабсизларча қувиб солиши сизнинг аросатдаги одам ҳақидаги ўй-хулосаларингизни ҳам ўзгартириб

юборади. Абди “апчарка” Зокир Ўринни кўчага улоқтириб, дарвозани ёпгандан кейин...

Ҳикоянинг кутилмаган ечимидан ҳаяжонга тушасиз. Зокир Ўрин эмас, борар манзили мавҳум, қилар ишидан янглишиб, гангиб қолган хўжамбойлар аросатда эканини тушуниб етасиз. Ана шунақа.


Хотима ўрнида: “Аросат” ёзилганидан беш йил ўтиб, Шукур Холмирзаев мавзуга яна мурожаат қилади ва бугал салмоқли, сермазмун эссе – “Жамиятнинг мақсади, яъни мафкура бобида ўйлар” асарини битади. Эссе “Тафаккур” журналининг 1999 йил 1-2-сонларида эълон қилинган.

Адибимизни эссе битишга нима ундади?

Президент Ислон Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари журналнинг 1998 йил 1-сонидан эълон қилинади. “Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин”, сарлавҳали ушбу суҳбат жамоатчилик орасида жуда катта қизиқиш билан кутиб олинади ва кенг ўрганилади. Барча зиёлилар қатори ёзувчи Шукур Холмирзаев

ҳам мана шу суҳбат таъсирида кўлига қалам тутгани шубҳасиз. Мумтоз адибимиз мавзуга жиддий ёндашиб, инсоният илк ибтидоий давр – қабилачиликдан то бугунги кунга қадар мафкура туфайли нималар топганию нималардан маҳрум бўлганини олимона назар ва ёзувчи қалби билан тадқиқ қилади. Ёзувчи ўтган етти йил (эссе 1998 йили ёзилган – О.Т.) мобайнида кимлигимизни англаб, тараққиёт йўлимизни белгилаганимиздан фахру ифтихор ҳиссини туяди. “Бу йўлда эзгу қадриятларимиз мустаҳкам замин бўлишини теран тушуниб етдик. Миллий мафкурамиз тизимларини тиклаб, унинг умуминсоний ғоялар билан бақамти йўлда эканини кўриб, бундай жамиятнинг истиқболи порлоқ бўлишига инонасан киши. Тангри таоло ёмон кўзлардан, суқ ва ҳасадлардан асрагай! Тилагимиз шу”, деб тугаллайди мақола-сини.

Сўзи ва амали бир бўлган ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг юқорида кўриб ўтилган ҳикоя ва эссеси бугун қанчалик долзарб бўлса, янги авлод ўқувчилари учун ҳам қадрли бўлишига шубҳа йўқ.





### Ирода УМАРОВА

1987 йили туғилган.  
Тошент давлат педагогика  
университетини  
тамомлаган. “Баҳор висоли”,  
“Учинчи дунё” номли  
шеърий, “Эгасиз соғинч”,  
“Сиз учун” номли насрий  
китоблари нашр этилган.

### *Мен гулман!*

Ҳеч кимга ишқимни кўрмас эдим эп,  
Қандай адаштирди гўзал ҳасратинг?  
Гулим деб, дунёда танҳо гулим деб,  
Мени кафтларингда шундай асрадинг!

Ишон, тўлдираман дунёи дунни,  
Илдизимга етган ишқингга қасам!  
Бошқага кафт чўзиб,  
Бир қуни мени  
Гул каби... гул каби ташлаб кетмасанг...

# Шу гўзал лаҳзада олислардасиз

### *Севмадингиз*

Ҳаёт тан-у, севги унга жон бўлибди,  
Мен дилга қул, дилга ўзга хон бўлибди,  
Фақат алам, фақат гам фармон бўлибди,  
Ҳады қилиб бир табассум бермадингиз.

Қарадингиз – ўз фойдамга маъно топдим,  
Қарадингиз – бошқаларга даъво топдим,  
Кечаларга қарогимдан маъво топдим,  
Кунларимга рашк тигини сермадингиз.

Кечай дедим, юрак қурғур тортмади ҳеч,  
Манглайдан исмингизни артмади ҳеч,  
Нигоҳингиз юлдузлардан ортмади ҳеч,  
Юзимдаги кўзёш рангин кўрмадингиз.

Чўнг айбингиз – бу айбларни билмайсиз-да,  
Билсангиз не, истасангиз севмайсиз-да,  
Хаёлимдан ҳаётимга келмайсиз-да,  
Аввал севиб, сўнг севдириб юрмадингиз.

Эй Худойим, қиз болага ҳаё бериб,  
Шу сабабли тилга кўчмас савдо бериб,  
Қўйсанг эди йигитга ҳам парво бериб,  
Шугинами, эрка кўнглим, ҳурматингиз?!

## Япроқлар

Гавжум йўл четидан боряпман ёлғиз,  
Ўзимнинг дунёмга ўранган кўйи.  
Шу гўзал лаҳзада олислардасиз,  
Ёмғирлар торида соғинчининг куйи.

Офтобни беркитиб, гаровга олиб,  
Хатто туманлар ҳам сизни дараклар.  
Бизни ҳам ҳолига қўймасми солиб,  
Япроқлар – ер тишлаб ётган юраклар?..

Соғиндим, соғиндим... соғиндим ёмон...  
Кўнглимда синар ишқ ниҳолчалари.  
Кўзимдаги дардни тўкаман қаён,  
Япроқлар – ёмғирнинг рўмолчалари...

## Дўстимга хат

Соғиндим, деб сизга борарди ҳар кун  
Ва ўксиб қайтарди соқов хаёлим.  
Бугун нигоҳимга сепаб ўтди нур  
Хатингиздан чиққан Кўқон шамоли.

Сатрлар оралаб оқади кўзим,  
Кафтимга шўрдан-шўр ёғади кўзим.  
Мен сизни тиладим Фарғонажондан,  
Йўқлаб ёнимга бир келмайсиз, дўстим.

Дийдорнинг эшиги бунча узоқда,  
Алам куйдиради дилни дўзахда.  
Дардларни ёпинган юрагим айтсин –  
Сиз каби дўстим йўқ бутун Жиззахда...

Қарайман – йўл қурғур олисга шошган,  
Икки қиргоғига ялпизлар тошган.  
Менинг нафасларим анқиб турса ҳам,  
Сизга ёқмайдим муаззам Тошкан?!

Ҳар гал мактубимга қўшилиб жўнар  
Меҳр қушчалари – бирам чиройли...  
Ҳар гал шеър уфуриб бағримга қўнар  
Хатингиздан чиққан Кўқон шамоли.

## Қадрдоним

Унга ёриламан соғинчларимни,  
Унга йиғлайман рашик-аламимни ҳам.  
Унга шивирлайман ўтинчларимни,  
Унга тўкиламан ситамимни ҳам...  
У ранжиб кетмайди, ҳамиша бирга,  
Ёнимда юради кўчада, уйда.  
Қаро кечаларим шўнгитар нурга,  
Уйғотади бағрим иситган кўйда.  
Минг қистаб эриша олмагандинг сен –  
Ишқ изҳорим минг бор эшитгандир у...  
Сенинг тушингга ҳам кирмайди, лекин  
Лабимда юзларин иситгандир у...  
Иккимиз кутамиз сени йўл қараб,  
Вақт кўп имиллайди огироёқдай.  
Билмадим, негадир ўзингдан кўра,  
Менга шу суратинг қадрдонроқдай...

## Онам ифори

Опа, бахтим олис манзилда экан,  
Ётдим-у, сизлардан қолдим олислаб.  
Кўнглимни тўлдирар бир бўшлиқ деган,  
Соғинчини алдайман меҳрингиз эслаб.

Маҳшарда ёвин ҳам кўраркан одам,  
Фақат учрашмасмиш опа-сингиллар.  
Нега боролмайман – йўллар бир қадам!  
Ўртада ташвиши беадоғ кунлар...

Дийдор лаҳзалари ўтади зумда,  
Капалак бир кезиб чиққандай чаман.  
Уйимга сиз берган нон-мевалар ва  
Онамнинг хидини олиб қайтаман...

# Ўзри

Детектив ҳикоя



## Равшан ЙЎЛДОШ

1970 йили туғилган.  
“Иблис учун икки васият”,  
“Қалтис ўйин” китоблари  
чоп этилган.



Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.

Экспертлар гуруҳига тегишли “Газель” микроавтобуси ёнида машинани тўхтатдим. Эшикни очишим билан баҳорнинг тонгги намхуш шамоли ичкарига суқилиб, юзларимни силаб ўтди. Машинадан тушдим. Калит уланган мослама тугмачасини босгандим, қулф эшикни маҳкамлаганини миннат қилган мисол тарақлаган товуш чиқарди. Япалоқ папкални қўлтигимга қистириб, зангори бўёқ урилган темир дарвоза томонга одимладим. Дарвоза биқинига темир эшик ўрнатилган, эшикка қутурган итнинг расми ёпиштирилган бўлиб, расм остига “Берухсат кирилмасин! Ичкарида жаҳлдор ит бор” деб ёзилганди. Дарвозага яқинлашдим, эшикни қўриқлаётган сержант билан қўл олишдим, қисқача ҳол-аҳвол сўрашган бўлдим, аммо ҳовлидан баджаҳл ит тугул, кучукнинг вангиллаши ҳам эшитилгани йўқ.

– Пўписи қилиш учун илиб қўйибдимми дейман? – сўрадим огоҳлантирувчи ёзувга ишора қилиб.

– Ҳовлида чиндан ҳам ит бор, – деди сержант. – Гавдаси мундайроқ эшакча келади.

– Тўппончанг ёнингдами?

Сержант мийиғида кулиб қўйди. Эшикни очдим. Ҳовлига киришим билан боғлоғлиқ турган итга кўзим тушди. Кўппак менга совуқ қадалиб оёққа турганида огоҳлантирувчи ёзув беҳудага илиб қўйилмаганига амин бўлдим. Ит, чиндан ҳам, эшакка айланиш арафасида турган хўтикча келар, ялонғочланган сўйлоқ тишлари гавдасига мос, бўшалиб кетса ғажиб ташлайдиган рафтор билан ириллаб турарди. Ҳар қанча жаҳл қилмасин, бўйнидаги занжирни узолмаслигига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг уйга разм солдим. Эшик темир, деразаларга темир панжара ўрнатилган, тепада темир аралашмасидан тайёрланган том. Ҳовли сатҳига, томорқа, оғил томонга элтадиган йўлакларга бетон қуйилган, уйнинг орқа томонига элтувчи йўлакка итнинг лойга беланган панжа излари тушиб қолганди.

Уй эшигига йўналдим. Зинага қадам қўйган пайтим эшик очилиб, бўлимимиз бошлиғи – майор Назаров кўринди.

– Ўртоқ майор, капитан Акбаров...

– Жуда яхши етиб келган бўлсангиз, – сўзимни бўлди майор. – Бу ерда қандай жиноят

содир этилганидан хабарингиз борми?

– Навбатчидан фуқаро Нурмат Норматовга оғир тан жароҳати етказилганини эшитдим.

– Норматовни касалхонага олиб кетишди. Энди гап бундай, капитан. Бу иш катта лейтенант Алиевга топширилган...

– Мумкинми, ўртоқ майор...

– Мумкин эмас. Сизнинг бошқа ишларингиз ҳам борлигини биламан. Аммо Алиев ҳали ёш, унга тажрибали маслаҳатчи керак. Тергов-қидирув ишларида катта лейтенантга ёрдам берасиз. Саволлар борми? – оғиз очгунимча бўлмади, майор ўзининг саволига ўзи жавоб бериб қўя қолди. – Демак, савол йўқ. Ишга киришинг!

Назаровни унчалик ҳам юқори бўлмаган кайфиятда кузатиб қўйиб, уйга кирдим. Айвондаги жиҳозлар уй эгасининг пулдор одам эканидан далолат берарди. Оёқ остида салкам тўрт бармоқ қалинлигидаги гиламлар, мундайроқ машина баҳосига тенг бўлган улкан уй кинотеатри, баҳайбат қандил остидаги диван, ўриндиги пардек юмшоқ креслолар... Рўпарадаги деворга 60-65 ёшлардаги эркак билан аёлнинг бирга тушган сурати илинганди. Очиқ юзли аёл объективга ўйчан тикилганча қотиб қолган, эркак эса худди бошқалар еб ўзи қуруқ қолгандек хўмрайиб турарди.

– Норматов дегани шу одам бўлса керак, – ўйладим эшиклардан бирига яқинлашарканман. Очиқ турган эшик ўртача катталикидаги хонага тегишли эди. Хонага стол билан уч-тўртта курси қўйилган, курсилардан бирини қирра бурни остидаги қўнғиз мўйлови ўзига умуман ярашмаган 28-30 ёшлардаги йигит – катта лейтенант Алиев банд қилганди. Девор остига қўйилган диванда 35-40 ёшларни қоралаган чўзинчоқ юзли одам билан озғиндан келган аёл ўтирибди. Чўзинчоқ юзlining маллатус мўйлови ҳам ўзига ярашмаганини ўзимча эътироф этиб, томоқ қириб қўйдим. Бўғзимдан юлинган беўхшов товушни эшитган Алиев ўрнидан кўтарилди.

– Саломатлик тилайман, ўртоқ капитан! – паст пардада хитоб қилди хонадан чиқиб эшикни ёпаркан.

– Сизга ҳам, лейтенант! Расмиятчиликни йиғиштириб, мақсадга ўтамыз.

– Демак, бундай, Фаррух ака. Жабрланувчи – Норматов Нурмат. 70 ёшда. Хотини бундан уч йил олдин оламдан ўтган. Бола-чақаси йўқ, ёлғиз ўзи яшаркан. Тунда кимдир ухлаб ётган Норматовга оғир тан жароҳати етказган. Юринг.

Катта лейтенантга эргашдим. Ётоқхонага кирдик. Улкан қандил остига икки одамлик ёғоч каровот қўйилган, каравот устидаги кўрпанинг ярми полга осилиб ётарди. Ичкарига киришим билан деворга тираб қўйилган расмга кўзим тушди. Кийикка ташланишга шайланаётган йўлбарснинг расми. Аммо рассом нўноқроқ эканми, ўтхўр жонивор кийикдан кўра кўтроқ эшакка, йўлбарс эса жаҳли чиққан мушукка ўхшаб кетарди. Бир ярим метрча тепароқда девор орасига кичкина сейф ўрнатилган. Сейфнинг эшиги ланг очиқ. Расм ёнида тўладан келган одам чўк тушиб ўтирибди. Жаноб Асқаров. Экспертлар гуруҳининг бошлиғи. Ётоқхонада изғиб юрган йигитлар унга қарашли, қаерда жиноятчининг бармоқ излари қолиши мумкин бўлса, ўша жойларни синчиклаб кўздан кечиришяпти. Бизга қараб қўйганлари ҳам йўқ. Биз ҳам уларга эътибор бермай деразага яқинлашдик.

– Жиноят қуроли.

Алиевнинг ишорасидан сўнг дераза рахида турган ҳайкалчага қарадим. Аниқроғи, бу матоҳ ҳайкалча эмас, Норматовнинг гипсдан ясалган кичкина бюсти эди. Тўғри, башараси жабрланувчининг юзига унчалик ҳам ўхшамайди, аммо ҳайкалтарош рассомга қараганда моҳирроқ экан, бурнини ўхшатибди. Бюстнинг бош қисми қонга беланганди.

– Норматовга ўзининг бюсти билан жароҳат етказибди, ярамас! – деди Асқаров бизга яқинлашаркан. – Салом, Фаррух. Сениям бу ишга жалб қилишдимми?

– Йўқ, – пўнғилладим унинг қўлини олиб. – Қиладиган бошқа ишим бўлмагани учун ўзим келдим!

– Ҳар доимгидек тилинг заҳар!

– Сен эса ҳар доимгидек бемаъни савол беряпсан! Суюнтирасанми?

Эксперт бош чайқади.

– Жиноятчининг бармоқ излари топилмади. Қўлқоп кийиб ишлаган кўринади. Мана бунга қара.

Асқаров бюст ёнида турган елим халтачани олди. Халтача ичида тугма бор эди.

– Норматовнинг кафтидан топилди. Чамаси, эркакларнинг енгил курткасига тегишли.

– Кафтидан топилди, деганингга аниқлик

киритайлик, – дедим тугмага қараб қўйиб.

– Чангак бўлган бармоқларининг орасидан олдингми ёки...

– Ёки! Жабрланувчи бу тугмани жиноятчининг кийимидан юлиб олган, дейишга асосим йўқ. Тугма очиқ кафтида ётганди.

– Ўйлашимча, бу билан ҳеч нима демоқчи эмассан? Шундайми?

– Тўғри ўйлабсан.

– Ташқари эшик қулфига кўз ташладингми?  
– Қулф бузилмаган, изқувар, калит билан очилган.

Сейфга ишора қилдим.

– Сейф эшиги рақамли, – деди эксперт. – Олтита рақам тўғри терилсагина калит тикиладиган тешик қопқоғи очилади. Рақамлар тўғри терилмаса, сейф калитини ўғирлашдан маъни йўқ.

– Демак...

– Сен ҳам тўғри ўйладинг! – Алиевнинг сўзини бўлди Асқаров. – Жиноятчи қайси рақамлар терилса, сейф эшиги очилишини билган! Бунга ишончим комил. Чунки докторлар етиб келгунча жабрланувчини бир қур кўздан кечиргандим. Танасида кийноққа солинганини ошкор қиладиган белгилар йўқ эди. Тахминимча, жиноятчи уй эшигини калит билан очиб айвонга, айвондан ётоққа кирган, ухлаб ётган Норматовнинг бошига ўзининг бюсти билан зарб тушурган-у, сейфни шипшийдам қилиб, ғойиб бўлган!

– Мана бу расмда...

– Расмда ҳам бармоқ излари йўқ, Алиев. Синчиклаб текширдим. Норматов деворга ўрнатилган сейф эшигини пана қилиш учун илиб қўйган бу бемаъни расмни. Ўзинг қара, йўлбарсми шу? Ит талаган мушукка ўхшаб кетяпти-ку?!

Экспертнинг сўзларига эътибор берганим йўқ. Паркет полда ётган уч-тўртта кулранг-қорамтир нарса эътиборимни ўзига жалб қилганди. Нарсалар уй сичқонининг ахлатига ўхшаб кетарди. Оёқ устига чўк тушдим. Катта лейтенант билан эксперт дарров менинг ҳаракатимни такрорлашди.

– Носми?

Экспертнинг саволига жавоб қилмай, полга энгашдим. Каравот оёғи ёнида яна уч-тўртта нос доначалари ётарди.

– Асқаров!

Эксперт дарров елим халтача узатди. Нос доначаларини елим халтачага жойлаб, ўрнимдан турдим.



– Носни нима қилмоқчисиз? – сўради Алиев аввал елим халтачага, кейин менга қараб кўяркан. Жавобни ҳаяллатиб ётоқхонага диққат билан разм солдим. Ниҳоятда ораста, супуриб-сидирилган, паркет пол ярқираб турибди, ҳеч қаерда чанг-ғубор кўринмайди.

– Бу ҳақда кейин. Бояги эркак билан аёл ким?

– Норматовнинг эски танишлари. Уй ишларига ёрдамлашиб юришади. Эр-хотин – Тоҳир ва Ширин Машариповлар.

– Юр-чи.

Ётоқдан чиқиб гувоҳлар ўтирган хонага кирдик. Эр-хотин Машариповлар бизни ўринларидан туриб кутиб олишди.

– Капитан Акбаров. – Мени таништирди Алиев курсиларга жойлашганимиздан сўнг. – Давом этамиз.

– Ҳали айтганимдек, – тилга кирди Ширин ўтирган жойида бир кўзғалиб, – тонги соат 6 да хўжайиннинг уйига келдик...

– Қаерда яшайсизлар? – унинг сўзини бўлдим. Машарипова уй манзилини айтгач, ҳикоясини давом эттирди.

– Ҳар сафар биз келгунимизча хўжайин Қоплонни боғлаб, ҳовли эшикни очиб кўярди. Бугун келсак, эшик берк. Қўнғироқни қайта-қайта босганимга қарамай, ичкаридан жавоб бўлмади. Эрим Нурмат аканинг ухлаб ётганини тусмоллади, мен эътироз билдирдим. Чунки хўжайин тонг оқариб-оқармай тўшакни тарк қиларди. Ҳовлига қараб кўринг, негадир кўнглим ғаш, дедим эримга. Дарвозага тирмашган эрим ичкарига бир қур назар ташлаб, уйнинг эшиги очиқ турганини айтди. Кейин хўжайиннинг исмини айтиб чақира бошлади. Тагин жавоб қайтгани йўқ. Юрагимга ғулғула тушди...

– Нима учун? – сўради Алиев.

– Нурмат аканинг юраги хаста, уч кундан бери санчиб оғриётганидан нолиётганди. Касали хуруж қилиб ётиб қолган бўлса керак, деган ўйга боргандим...

– Хотиним тиқилинч қилавергач, – илиб кетди Тоҳир. – Дарвозадан ошиб ўтиб, эшикни очдим. Ширин уйга шошилди, мен эса оғил томонга йўналдим. Нурмат ака хўкиз боқишга ишқибоз, барвақт туриб хўкизлари билан андармон бўладиган одати бор эди. Бирдан уйдан хотинимнинг чинқиргани эшитилди...

– Нурмат аканинг қонга беланиб ётганини кўриб эсим чиқиб кетди. Қандай қилиб уйдан

отилиб чиққанимни ўзим ҳам билмайман. Эрим юзимга сув сепганидан кейингина ўзимга келдим. Кейин сизларга хабар бердик. Бори шу...

– Кўпдан Норматовнинг уй ишларига ёрдамлашасизми?

– Ўн йилдан бери. Хотиним ош-овқат, кир-чирга қарайди, Нурмат аканинг хўкизлари билан боғи менинг гарданамда.

– Демак, йил ўн икки ой шу ердасизлар? – навбатдаги саволни йўллади катта лейтенант қоғоздан бошини кўтармай.

– Мен ора-сира Тошкентга, қурилишда ишлагани бориб тураман. Кеча пойтахтдан қайтдим. Бугун эса бу кўргилик...

Машарипов сўлгин тин олди. Алиевга назар ташладим. Катта лейтенант ҳамон қоғоз қоралаш билан овора эди. Унинг бу қилиғи ёқмади менга. Сўроққа тугилаётган одамнинг кўзларига қадалиб жавоб талаб қилиш керак, илло, кўз – кўнгил ойнаси, тил яширганни кўзлар сотиб қўйиши мумкин.

Худди менинг ўйларимни уққан мисол, ҳамкасбим қоғоздан бошини кўтарди.

– Норматовнинг қариндош-уруғи борми?

– Бор. Раҳматли опасидан иккита, укасидан битта ўғил қолган. Қодир, Шокир ва Рустам. Қодир билан Шокир... – дея сўзини давом эттиришга чоғланган Тоҳир биқинидан туртки еди чоғи, дарров оҳанги ўзгарди. Учови ҳам яхши одамлар...

Машариповга қаттиқ тикилдим.

– Норматовнинг жиёнларини ёқтирмайсизми?

– Нега ёқтирмас эканман, ўртоқ капитан? Учаласининг ҳам хизматини қилганман, нонини еганман. Энди, еган оғиз уялар, деганларидек... – чўзиб нафас чиқарган Тоҳир хотинига қаради. – Мени туртма. Барини айтишимиз шарт, онаси...

– Айтсак... – каловланди Ширин. Биздан хафа бўлишмасмикин, дадаси?

– Айтмасак... булар бизни хафа қилишади...

– Бу ёғиям бор... Бўпти, ўзим айтаман.

Гапнинг индаллоси, Қодир билан Шокир ўта бемехр, нонтепки, ғирт ярамас одам! Рустамжон эса жуда бамаъни, кўнгилчан йигит. Хўжайин топган-тутганини тенг учга бўлиб шу жиёнларига васият қилганди. Фақат...

– Нима “фақат?”

– Нурмат ака Рустамжонни меросдан маҳрум қилмоқчи эди...

– Нима учун?

– Билмайман. Кеча кечки пайт Қодир билан Шокир уйга келганди. Хўжайин билан жиқиллашиб қолдилар. Ошхонада куймаланиб юрганим учун жанжалга нима сабаб бўлганини аниқ айтолмайман. Пул сўрашди, чамамда. Нурмат ака бермади, чоғи, Қодир бақира бошлади...

– Нима деб бақирди?

– Барибир бизга қолади-ку, ё опангизнинг фарзандларидан укангизнинг ярамас ўғли азизроқ бўлдими, деганини эшитдим. Бақир-чақир устига Рустамжон келиб қолди. Аввал Қодирни, сўнг Шокирни гирибонидан олиб, ташқарига улоқтирди. Кейин амаки-жиян хўжайиннинг хонасига қамалиб олдилар. Хонага чой олиб кирганимда Нурмат аканинг жаҳл зўридан кўкариб кетгани, Рустамжоннинг бош эгиб ўтирганини кўрдим. Чойнакни кўйиб, хонадан чиқдим. Эшикни ёпган пайтим хўжайиннинг сен аҳмоқни меросдан маҳрум қиламан, эртагаёқ адвокатни чақириб янгитдан васият битаман, деб бақиргани эшитилди. Кейин Рустамжон қизариб-бўзариб уйдан чиқиб кетди. Менинг билганим шу...

Ўрнимдан туриб хонадан чиқдим-да, Норматовнинг ётоғига кирдим. Эксперт йигитлар ишни тугатишган, ётоқхонада Асқаровдан бошқа одам кўринмасди.

– Биз тугатдик, – деди эксперт дераза рахида турган бюстга қўл чўзаркан. – Тушликдан кейин сенга ёзма равишда ахборот бераман.

– Қоғоз қораламангни менгамас, Алиевга топширасан, – дедим унга яқинлашиб. – Бу иш унга топширилган. Мен оддий кузатувчиман, ҳисоби. Жабрланувчининг кафтидан топилган тугма қани?

– Оддий кузатувчи бўлсанг, сенга тугманинг нима кераги бор?

– Эсдалик учун костюмимга қадамоқчиман!

– Қайси аҳмоқ куртканинг тугмасини костюмга қадайдим?! – пўнғиллади Асқаров тугма солинган елим халтачани узатаркан. – Бўлимга қайтганингдан сўнг шахсан менга топширасан! Тушундингми?

Тушунганимни бош ирғаш билан ошкор қилиб, гувоҳлар ўтирган хонага қайтдим.

– Мана шу тугма сизларга танишми?

Машарипов халтачага қўл чўзди.

– Рустамжоннинг курткасида кўргандим шунақа тугмани. Мисдан ясалган, ярқираб туради. Ё адашяпманми, онаси?

– Адашмаяпсиз, – деди Ширин халтачани

эрининг қўлидан олиб. – Қаранг, тугмага бургутнинг тасвири тушурилган. Рустамжоннинг кийимида ҳам қанотларини ёйиб турган бургутнинг расми бор.

– Рустам нос чекадимми?

– Чекади. Қодир билан Шокир ҳам носкаш. Эрим ҳам шу заҳарнинг сассиқлигига ишқибоз...

Деразага яқинлашдим. Турли тахминлар миямда ғужғон айланиб, ҳақиқат даъво қила бошлади. Гувоҳларнинг кўрсатмалари муайян фикрга келишга ундарди. Бироқ хулоса чиқаришга эмас!

– Норматовнинг бошига тушган кўргиликдан қариндошлари хабар топмаган кўринади, – дедим елим халтачани чўнтагимга соларканман. – Ўртоқ катта лейтенант, меросхўрларнинг уйига одам юборсак, қандай бўларкан?

– Мен ҳам шу ҳақда ўйлаётгандим – Алиев ўрнидан кўтарилди. – Ходимларимизга таяинлайман, уларни ички ишлар бўлимига олиб боришади.

– Йўқ, – бошини олд оёқлари устига кўйиб мудраётган итга назар ташладим. – Бошланишига шу ерда тергов қилганимиз маъқул. Сержантга тайинланг, меросхўрларни битта-биттадан ичкарига киритсин!


\* \* \*

Орадан ярим соатча вақт ўтгач, ҳовли эшикда қирқ ёшлардаги узун бўйли, тарашадек озғин, тепакал кимса кўринди. Эшикни очишга очди, бироқ ичкарига киргани йўқ, бўйинини чўзиб итга кўркув билан қараб кўйди. Унинг тепакал боши мудраб ётган Қоплонга ёқмади, чоғи, сакраб оёққа туриб, эшик томонга интилди. Аммо занжир тепакал кимсага яқинлашишга изн бермади. Баттар ғазабни кўзига ит тирноқлари билан ерни тирнаб, вовуллай бошлади.

– Қодир деганим шу одам, – уй эшиги томонга пилдираган тепакални таништирди Тоҳир. – Фирт бўлмағур тижоратчи. Икки марта фирма очиб, икки мартасидаям хонавайрон бўлишга улгурган. Деразани очиб кўйсак, яхши бўларди, ўртоқ капитан...

Айвонда қадам товуши эшитилгач, Машарипов нима учун деразани очиб кўйишни сўраганини тушундим. Хонага тепакалдан олдин арақ билан саримсоқ пиёзнинг қўланса ҳиди ёпирилди. Зум ўтмай ўзи ҳам ёпирилиб кирди-да, кўринмас деворга урилгандай таққа тўхтади.

– Ким?! – хитоб қилди хонанинг ҳавосини янада кўтпроқ булғаб. – Ким бу ишни қилди?!



– Ўтиринг!

– Хўп бўлади!

Қодир дарров диванга чўкди. Чўкди-ю, орқаси ўриндикқа тегар-тегмас, яна оёққа қалқди.

– Кечирасизлар, ўзимни танитмадим. Мен Ботировман. Тижоратчи Қодир Ботиров. Катта даргоҳларда таниш-билишларим...

– Бизни таниш-билишларингиз эмас, – унинг сўзини бўлди Алиев. – Тоғангиз Норматов билан муносабатингиз қандайлиги кўпроқ қизиқтиради!

– Тоғам биланми? Жуда ях... – деган Қодирнинг шашти сўнгани сезилди. – Тўғри, ора-сира жиқиллашиб турганимиз рост. Лекин бу дегани...

– Кеча ҳам жанжаллашиб қолган экансиз, тўғрими? – яна унинг сўзини бўлди катта лейтенант.

– Тан оламан, шунақа бўлганди. Жанжал сабабини ҳам айтаман. Биласизми, тоғам пулдор одам. Шаҳарда катта дўкони билан ресторони бор. Яъни, бор эди. Икки ой олдин дўкон билан ресторонни сотиб, тушган пулни сейфига жойлади. Банкка қўйинг десам... Айтганча, сейфдаги пуллар жойида турибдими?

Пешонам тиришганини ҳис қилдим. Тоғасининг тирик-ўликлигини сўрагани ҳам йўқ. Бу ярамасни фақат сейфдаги пуллар қизиқтир-япти!

– Норматовнинг сейфида қанча пул бор эди? – сўради Алиев унга нохуш назар ташлаб.

– Жуда катта пул! – деди эр-хотин Машариповларга шубҳа билан қараб қўйган Қодир.

– Гувоҳларсиз ўзингизга айтаман. Пуллар жойида турибдими, ишқилиб?

– Нима учун кеча тоғангиз билан жанжаллашиб қолдингиз?

– Пул устида. Укам Шокир билан янгитдан фирма очмоқчи эдик. Тоғам топган-тутганини бизларга васият қилгани учун олдиндан улушимизни беришини сўрадик. У эса бермайман, ўлганимдан кейин...

Қилт этиб ютинган меросхўр бунақа жавоб ўзини шубҳа остига қўйиши муқаррарлигини англади, чоғи, жимиб қолди.

– Тоғангиз, ўлганимдан кейин улушингни оласан, деди, шундайми? Кеча тунда қаерда эдингиз?

– Кечами? Тунда... уйда эдим. Рустам Шокир иккаламизни ташқарига улоқтиргач, укамнинг уйига бориб, тунги соат ўнларгача арақ ичдик. Кейин менинг уйимга ўтдик. Яна ичдик...

– Тунни уйимда укам билан ўтказдим, демоқчимисиз?

– Уйдамас, ҳовлидаги ошхонада. Араққа саримсоқ пиёзни газак қилганимиз учун хотиним уйга қўймади. Унинг саримсоқ пиёз билан маст... эркакларга аллергияси бор... Лекин ака-ука ошхонада учиб қолганимизни хотиним тасдиқлаши мумкин!

Тасдиқлаш шарт эмасди, бу ярамаснинг чўчкадек ичгани шундоққина сезилиб турарди.

– Пуллар... жойида турибдими?

– Тоғангиз-чи? – сўрадим ўрнимдан туриб. – Тоғангизнинг аҳволи сизни қизиқтирмайдими?

– Қизиқтиради. Ҳамкасбингиз тоғамнинг тириклигини айтди. Ё ўлибдими? Агар ўлган бўлса, васият кучга...

Кескин қўл силташ билан Қодирнинг дамини ўчирдим. Афсуски, бемехрлик, безбетлиги кўрнамаклик учун жинойат кодексига жазо белгиланмаган, акс ҳолда бу ярамаснинг умри панжара орқасида ўтган бўларди!

Деразага яқинлашиб, ташқарига назар ташлаган пайтим ҳовли эшикда ғўппа семиз, дум-думалоқ одам пайдо бўлди. На бўйин бор ва на бел, турган битгани қориндан иборат. Қўл билан оёқ ёпиштирилган мешнинг худди ўзи!

Бақалоқ ҳам, худди Қодир каби, ҳовлига дадил кириб келгани йўқ. Бўсағада тўхтади, боғлоғлиқ турган Қоплонга бир қараб қўйди-да, уй эшиги томонга думалади. Ит ниҳоятда ғазабга тўлган, занжирни узмоқчи бўлган мисол ўзини у ёқдан-бу ёққа урарди. Орадан бир неча лаҳза ўтгач, хонани тутиб кетган арақ аралаш саримсоқ

пиёзнинг сассигига тер ҳиди аралашди.

– Шокир Ботировман, – ўзини танитди бақалоқ ғижимланган рўмолчасини чиқариб, терлаб кетган бўйнини артаркан. – Чақиртирган экансизлар?

Шокир ҳам тоғасининг аҳволи билан қизиққани йўқ. Паровоздек пишиллаб ўзини Қодирнинг ёнига ташлади.

– Кеча тунда қаерда эдингиз? – терговни давом эттирди Алиев иккинчи меросхўр ҳақидаги маълумотларни қайд қилганидан сўнг.

– Қодир акам билан бирга эдик, – пишиллади Шокир. – Алла-паллагача тижоратга тегишли ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулландик.

– Қаерда шуғулландинглар? Ошхонадами?

Саволимга жавоб қайтмади. Яна деразадан ташқарига қарадим. Ҳовлига ўтгиз ёшлардаги ўрта бўй, очиқ юзли йигит кириб келганди.

Йигит кўзларига қон қуйилган итга эътибор бермай, уй эшигига йўналди. Ҳалиям тинчланолмаётган Қоплондан кўзимни олиб, курсига чўккан пайтим хона эшигида учинчи меросхўр кўринди.

– Ассалому алайкум. Мен Рустам Норматовман. Нурмат амакимнинг аҳволи яхшими?

Диванга ишора қилдим.

– Ўтиринг, Норматов.

– Ходимингиз тўғри шу ерга олиб келди, – деди Рустам таклифимни қабул қилмай. – Илтимос, амакимнинг ҳолидан хабар олишга рухсат беринг. Кейин қанча саволингиз бўлса, барига жавоб бераман.

– Норматов жонлантириш бўлимига ётқизилган. Барибир сизни унинг ёнига қўйишмайди. Ўтиринг.

Оғир хўрсинган Рустам диванга ўтирди. Ўтирди-ю, қўллари билан бошини чангаллаб олди.

– Амакингиз сизни меросдан маҳрум қилмоқчи бўлгани ростми? – яна ручкага қўл чўзди катта лейтенант.

– Рост, – тағин хўрсинди гумондор қўлларини тушуруркан. – Бугун янгитдан васият битмоқчи эди...

– Нима учун Норматов васиятини ўзгартиришга қарор қилди?

– Амаким пулни фойда келтирмайдиган ишларга сарфлаганларни ёқтирмайди. Кеча мана буларни ҳайдаб солганимдан сўнг, – Рустам аммаваччаларига нохуш назар ташлади, – ўзимга тегадиган меросга нисбатан тузган режаларим билан қизиқди. Мен пулларнинг

тенг ярмини болалар уйига ўтказмоқчилигимни айтдим. Бу ниятим унга ёқмади. Ё шунга рози бўлинг ёки мени меросдан маҳрум қилинг, дедим. Жаҳли чиқиб кетган амаким, сендай аҳмоққа қолдирадиган пулим йўқ, деб бақира бошлади...

– Кеча тунда қаерда эдингиз?

– Уйда эдим. Хотиним ўғилчамни олиб она-синикига кетганди. Шундай экан, тунда уйдан чиқмаганимни тасдиқлайдиган гувоҳ йўқ...

Энди гумондордан жавоб талаб қилиш навбати менга келганди. Ўрнимдан турдим, чўнтагимдан тугма солинган елим халтачани олиб, унга яқинлашдим.

– Танишми?

– Курткамники, – дарров тан олди Рустам. – Сизнинг қўлингизга қандай тушиб қолди?

– Тугма жиноят жойидан топилди.

– Тушунарли... Мен... қамоққа олиндимми?

Жавоб қилганим йўқ. Барча далиллар унга қарши эди. Қодир билан Шокирнинг бит қўзларида қувончга монанд ифода пайдо бўлганди. Улар тантана қилардилар! Нега хурсанд бўлишмасин? Рустам амакисининг жонига қасд қилишда айбланиб қамалса, меросхўрлар сони биттага камаяди, ахир!

– Чекиб олишларинг мумкин.

Чўнтагимдан сигарета қутисини чиқардим. Бироқ хонадагиларнинг ҳеч бири қутига қўл чўзгани йўқ.

– Биз нос чекамиз, – яна пишиллади Шокир. – Мумкинми?

– Бемалол.

Зум ўтмай, меросхўрлар билан гувоҳнинг қўлида нос солинган халтачалар пайдо бўлди. Бирин-кетин кафтларига нос тўкиб, рости-ёлғон гапиришга одатланган тиллари остига ирғитдилар. Эшикка йўналдим. Катта лейтенант менга эргашди.

– Хўш, ўртоқ катта лейтенант, бошлиқларга қандай ахборот берамиз? – расмий оҳангни олдим Норматовнинг ётоқхонасига кирганимиздан сўнг. – Кимдан кўпроқ шубҳаланяпсиз?

– Меросхўрларнинг учаласидан ҳам шубҳаланиш мумкин, ўртоқ капитан, – Алиев ҳам расмий оҳангни олди. – Бироқ менга қолса, ака-ука Ботировларни ҳеч иккиланмай гумондан соқит қилган бўлардим.

– Нима учун?

– Қодир Ботировнинг журъатсиз, иродаси суст одамлиги шундоққина сезилиб турибди. Бунақа одамлар дунёнинг бор бойлиги ваъда қилинса ҳам, кимнингдир жонига қасд қилишга

журъат этолмайдилар. Қўшиласизми, ўртоқ капитан?

– Давом этинг.

– Бу жиноятни Шокир Ботиров содир этганига ишониш эса Саҳрои Кабирда кум йўқлигига имон келтириш билан баробар. Унинг жуссасига қаранг! Бундай катта қорин кимгадир жароҳат етказишгагина эмас, қоқилиб-нетиб йиқилгудек бўлса, ўрнидан туришга ҳам халал беради.

Катта лейтенант сўзларига муносабат билдиришимни кутган мисол жимиб қолди. Мен ломлим деб оғиз очганим йўқ, унинг гапида давом этишини кута бошладим.

– Ким қоляпти? – бу саволга ҳам мендан жавоб қайтмаслигини англади, чоғи, ўзи жавоб бериб қўя қолди: – Рустам Норматов. Ундан жиддий гумон қилишга етарли далиллар бор. Бир кун олдин амакиси меросдан маҳрум қилишини айтади, тунда эса Норматовнинг жонига қасд қилиниб, сейфидаги пуллар ўғирланади ва жабрланувчининг кафтидан Рустамнинг кийимига тегишли тугма топилади! Қўшиласизми, ё мум тишлаб ўтираверасизми, Фаррух ака?

– Юз фоиз қўшиламан! – эшикка йўналдим.

– Мен билан юр. Жиноятчи қаердан ҳовлига кирганини аниқлаймиз.

Тагин айвонга, айвондан ташқарига чиқдик. Уй эшигига саккиз поғонадан иборат зина олиб чиқар, сўнгги поғонага Қоплоннинг лойга беланган панжа излари тушиб қолганди.

– Жиноятчи халқи ҳеч қачон осонликча гуноҳини бўйнига олмайди. Уларнинг айбини исботлаш учун инкор қилиб бўлмайдиган далил-исботга эга бўлиш керак!

– Менимча, биздаги далиллар Рустам Норматовга айб қўйишга етади.

– Қоплоннинг гувоҳлигисиз жиноятчини бурчакка сиқиб қўёлмайсан. Жиноятчини фош қилишда ит бизга ёрдам беради. Оёқларингни кимирайт, лейтенант!

– Катта лейтенант...

Алиев менга эргашди. Бетон йўлакда қолган ит излари бўйлаб юриб, орқа томондаги боғдеворга чиқдик.

– Энди нима қиламиз, ўртоқ капитан? Боғдевордан ошиб, қўшни ҳовлига ўтамизми?

– Йўқ. Орқага қайтамиз!

– Бир савол берсам мумкинми?

– Нега бу ерга келдиг-у, нима учун орқага қайтатпиз, деб сўрамоқчи бўлсанг, индамай қўя қол. Кетдик!

Катта лейтенант тагин менга эргашди. Ҳовлига қайтдик. Алиевдан хонадагиларни айвонга тўплашини сўраб, дарвоза ёнида турган сержантни ёнимга чақирдим.

– Сен шу ерда сергак тур, – дедим унга. – Уйдан айбланувчи отилиб чиқиши мумкин. Олдиндан айтиб қўяй, жиноятчи бақувват йигит. Юзимни ерга қаратмайсанми?

Сержант тўппончасининг филофига қўлини қўйди.

– Бу ёғидан хотиржам бўлинг, ўртоқ капитан!

– Сенга ишонаман, – дедим уй эшигини очарканман. – Аммо огоҳлантириб қўяй, у менга тириклайин керак!

Ичкарига кириб айвонга разм солдим. Қодир билан Шокир креслоларни банд қилганди. Рустам эр-хотин Машариповлар билан диванда ўтирибди. Катта лейтенант Алиев ётоқхона эшиги ёнида тек қотган. Сукутга чўмган гумондорлару гувоҳлар тилга киришимни кутяптилар. Уларни кўпам илҳақ қилишни истамай, диван томонга одимладим. Қодир билан Шокирнинг кўзларида пайдо бўлган тантана учқуни эътиборимдан четда қолгани йўқ. Диванга яқинлашганим сайин Рустамнинг боши эгила бошлади. Унинг ёнига келиб юришдан тўхтадим. Бошини кўтариб менга бир қараб қўйган гумондор тагин ерга қадалиб олди. Жиноятчига айб қўядиган вақт келганди. Ортиқча чўзишдан фойда йўқ. Рустам Норматовнинг елкасига қўлимни қўйдим. Амакисининг пулларида махрум бўлиш арафасида турган кенжа меросхўр титраб кетди.

– Сиз фуқаро Нурмат Норматовга оғир тан жароҳати етказганлик ва катта миқдордаги пулларины ўғирлаганликда айбланасиз, ўртоқ Машарипов!

Тоҳир орқасига бигиз санчилгандек, ўтирган жойида сапчиб тушди, хотини чинқириб юборди. Бошқалар тахтадек қотиб қолдилар. Уларнинг кўзларидаги ифода! Айвонга тирик динозавр кириб келганида ҳам бунчалик ҳайратга тушмаган бўлардилар! Ҳатто Алиев ҳам анграйиб қолганди.

– Сиз... сиз... – дудуқланди зумда жиққа терга ботган Машарипов. – Ҳазиллашяпсизми, ўртоқ капитан?!

– Асло!

– Мени айблаш учун далил-исботингиз борми?

– Бор, – ўтирган жиноятчининг айбини тик турган ҳолда исботлашни истамай, Ботиров томонга одимладим. Шокир семиз жуссасига

ярашмаган чаққонлик билан зумда креслони бўшатди. Юмшоқ ўриндиққа чўкдим. – Хонада ўтирганингизда сизларга беҳудага чекишни таклиф қилганим йўқ. Халтачангизни чиқариб кафтингизга бир чимдим нос тўкинг!

Машарипов имиллаб буйруғимни бажарди. Унинг носи дона-дона, уй сичқонининг ахлатига ўхшаб кетарди.

– Мана бу эса, – чўнтагимдан елим халтачани олдим. Халтачага Норматовнинг ётоғидан топилган нос доначалари солинганди, – жиноят жойидан топилди.

– Нима бўлибди жиноят жойидан топилган бўлса? Қодир ҳам, Шокир ҳам, ана Рустам ҳам нос чекади-ку?!

– Тўғри, бироқ улар майда нос чекадилар. Бизнинг бозорларда фақат кукун нос сотилади. Сизнинг халтачангиздаги нос Тошкент томонларда яшайдиган носкашларнинг эрмаги. Сиз эса кеча Тошкентдан қайтгансиз.

Гувоҳдан гумондорга айланган Машарипов оғзию кўзини ланг очиб қотиб қолган хотинига қараб қўйди. Бу ҳолат менинг тўғри йўлдан кетаётганимдан далолат берарди.

– Шу нарса менга айб қўйишга асос бўла олади, деб ўйлайсизми?

– Бу ҳали ҳаммасимас. Катта лейтенант Алиев сизларни тергов қилганида хотинингиз айтган гаплар эсингиздами? Агар хотирангизнинг латтаси чиққан бўлса, эсингизга солишим мумкин. Хотинингиз Норматовнинг тонг саҳарлаб тўшакни тарк қилиши, сизлар келгунча итни боғлаб, ҳовли эшикни очиб қўйишини айтганди. Бугун эса бу ишни сиз қилгансиз, дарвозадан ичкарига ошиб тушиб, эшикни очгансиз.

Ҳамон айвон йўлагида қотиб турган Алиевнинг ўзига умуман ярашмайдиган мўйлови қимирлаб, пешонаси гижимланганини илғадим. Катта лейтенант шу ҳаракат билан ҳеч балога тушунмаётганини ошкор қилганди.

– Мен атайин Норматовнинг меросхўрларини битта-биттадан ичкарига қўйишни буюрдим, – давом этдим чап тиззам устига ўнг оёғимни олиб. – Мақсадим итнинг уларга қандай муносабат билдиришини аниқлаш эди. Қоплон ака-ука Ботировлар ва Рустам Норматовни совуқ важоҳат билан кутиб олди. Занжирбанд бўлмаганида уларни ражиб ташлаган бўларди. Аммо дарвозадан ошиб ҳовлига тушганингизда ит сизга ташланмаган. Акс ҳолда, ҳозир бу ерда эмас, касалхонада ётган бўлардингиз! Истасангиз, эътироз билдиришингиз мумкин.

Нимадир дейишга чоғланган Машарипов тилига келганни ичига ютиб, айвон эшигига қараб қўйди. Худди шу қилиқни кутаётгандим ундан!

– Буям ҳали ҳаммасимас. Қаерда яшашингизни сўраганим эсингиздами? Шунингдек, Норматовнинг боғига сув қуйилганини ҳам унутмаган бўлсангиз керак? Қоплон тунда боғда чопқиллаган кўринади. Шунинг учун ҳам йўлакларга қуйилган бетон сатҳида унинг лойга беланган панжа излари қолган. Биз катта лейтенант билан изларни ёқалаб юриб, орқа томондаги боғдеворга чиқдик. Боғдеворга етиб ғойиб бўлган панжа излари орасида эркак кишининг оёқ кийимидан қолган чангли из яққол кўриниб турибди. Сиз боғдевор оша Норматовнинг ҳовлисига ўтгансиз. Деворнинг нариги томонидаги уй – сизники!

Шундай дейишим билан Машарипов сакраб оёққа турди. Кийимига чанг солган Рустамнинг қўлларини силтаб ташлаб, ташқари эшикка отилди. Алиев унинг орқасидан. Мен жойимдан қимирлаганим ҳам йўқ. Айбланувчининг айвонга қайтарилишини кута бошладим. Кутганимдек бўлди, катта лейтенант ланг очик қолган эшикка етиб-етмай ташқаридан инграган товуш эшитилди. Орадан бир неча лаҳза ўтгач, Алиев билан сержант Машариповни айвонга олиб кирдилар. Лаънатининг қўлига урилган кишан ўзига жуда ярашиб турарди! Ўрнимдан туриб, уларга яқинлашдим.

– Итни қўлга ўргатганингизни хўжайинингиз билармиди?

Тоҳир оғир хўрсинди.

– Биларди. Қоплонни кучуклигида ўзим олиб келгандим...

– Сейфнинг очқич рақамларини ҳам билармидингиз?

– Хўжайин Рустамга айтаётганида тасодифан эшитиб қолгандим...

Бир-бирига қараб қўйган Қодир билан Шокир Рустамга еб қўйгудек қадалдилар. Гаров ўйнашга тайёрман, улар Рустам жиноятчи бўлиб чиқмагани учун минг афсус қилардилар бу палла.

– Давом этинг!

– Нурмат ака дўкони билан ресторанини сотиб тушган пулни сейфига жойлаганини эшитганимдан кейин... шайтон йўлдан урди. Пулларни ўмариш учун қулай фурсат келишини кута бошладим.

– Кеча ўйлаган режангизни амалга ошириб, сувдан қуруқ чиқиш учун қулай фурсат туғилди, шундайми?

– Шундай. Хўжайиннинг Рустамга бақирганини эшитгандим. Нурмат аканинг пулларини ўмарсам, милиция унинг меросхўрлари билан андармон бўлади, менга эътибор бермайди, деб ўйладим. Адашган эканман...

– Нега амакимни ўлдирмоқчи бўлдингиз, Тоҳир ака? – сўради Рустам ўрнимдан туриб.

– Унга жароҳат етказиш режамда йўқ эди. Хўжайин уйқу дорисиз ухлалмаслигини билганим учун ҳеч нимани сезмайди, деб ўйлагандим. Капитан айтганидек, боғдевордан ошиб ҳовлига тушдим. Қоплон боғда юрган экан, мени таниб ёнимга келди...

– Уй эшигини қандай очдингиз?

– Калит билан. Эшик калитидан нусха олиб, устага ясатгандим. Аввал айвонга, кейин ётоқхонага кирдим. Хўжайин кирганимни сезгани йўқ. Бироқ, сейфга яқинлашган пайтим кўзлари “ярқ” этиб очилди. Дераза раҳида турган ҳайкалча билан қандай қилиб бошига зарб туширганимни ўзим ҳам билмайман...

– Рустам Норматовнинг тугмасини қаердан олгандингиз? – терговни давом эттирди катта лейтенант Алиев.

– Кеча Қодирни уйдан судраб чиқаётганида куртқасидан узилиб тушиб қолганди. Ўзимни буткул гумондан соқит қилиш учун тугмани хўжайиннинг кафтига қўйдим. Чўнтагимдан тугмани олаётган пайтим нос солинган халтачам тушиб кетди. Нос доначалари полга тўкилганига эътибор бермабман...

– Нима учун... – ўтирган жойида бешиктебратардай тебранаётган Шириин эрига қаради. Шўрлик аёлнинг кўзлари жиққа ёшга тўлганди. – Нима учун бу ишни қилдингиз, дадаси?

Жавоб қайтгани йўқ.

– Рустамжон бизга қанча яхшиликлар қилди. Агар у пул бермаганида ҳалиям ижара уйда яшаётган бўлардик. Рустамжоннинг яхшиликлари тухмат қилиш билан жавоб қайтармоқчи бўлдингизми, дадаси?.. Сизда инсоф борми, дадаси?!..

Тағин жавоб қайтгани йўқ. Лотинчада бир ибора бор. Nullum crimen sine poena! Жиноят жазосиз қолмайди, дегани. Мана исботи. Машарипов ҳар қанча ҳийла ишлатган бўлмасин, жазодан қочиб қутулолмади.

Эшикка йўналдим. Майор Назаров тергов-суриштирув ишларида катта лейтенант Алиевга ёрдам беришимни буюрганди. Буйруқни бажардим. Қолганини лейтенантнинг ўзи эплайди...

# Кўнгилда бирдек завқ уйғонади

Аввало, китоб мутолааси ҳақида икки оғиз сўз: мен китоб ўқиётган кишини дунёни идрок этаётган, қалбига назар ташлаб ўзлигини англаётган, умуман айтганда, эзгулик қасрининг эшигини оҳишта қоқаётган одамга ўхшатаман.

Муқаддас битикларда ҳам аввало сўз бино бўлган, деб айтилади. Сўз бу илм олмоқ, умрнинг мазмун-моҳиятини, дунёнинг сир-асрорини маърифат билан англашни билдиради.

Айниқса, ёш ижодкор учун китоб мутолааси ўта муҳимдир. Чунки китоб ўқиш, илм олиш орқалигина адабий тафаккур, дид ва қараш шаклланади. Ҳақиқий адабиёт тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлмай туриб, яхши асар яратиб бўлмайди.



## Шодиқул ҲАМРО

1965 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Суратдаги аёл”, “Қора кун”, “Карвон кўнғироғи” насрий тўпламлари, “Қақнус қанотидаги умр” қиссаси нашр этилган.



## “Алпомиш” достони

Достонни ҳар гал ўқиганимда халқимизнинг юксак тафаккур тарзи, бадиий салоҳияти, диди, зукко ва оқиллиги билан бирга тилимизнинг жозибаси, оҳанги ва қудратини ҳис этаман. Айнан ушбу достонни ўқиб туриб, сўзнинг таъмини татиб кўргандек бўламан.

Яна бир мулоҳаза: бугун янгича бадиий тафаккур, янги адабиёт ҳақида гапирганда, халқимиз томонидан яратилган достон, эртақ, ривоят, афсоналар бу борада ўта муҳим манба бўлади, деб ўйлайман.



## Михаил БУЛГАКОВ (1891-1940)

## “Уста ва Маргарита” романи


Инсоннинг табиий яшаш тарзини ўзга ўзанларга буриб юбориш, эътиқоди ва ўзлigidан маҳрум этиш, унинг ҳаётида турли хил экспериментларни ўтказиш ҳеч қачон изсиз кетмаган, балки чексиз фожеа, кўрғиликларни келтириб чиқарган.

Айни шу ҳолат Михаил Булгаковнинг “Уста ва Маргарита” асарида юксак бадиий маҳорат билан тасвирлаб берилган. Бу асар ўқувчиларни ана шундай фожеалардан огоҳ этиб келаётгани билан қимматлидир.



**Хуан РУЛЬФО**  
(1917-1986)

“Педро  
Парамо”  
қиссаси



Хуан Руйфо ўзидан унчалик бой адабий мерос қолдирмаган: битта қисса ва ўнга яқин ҳикоялар муаллифи.

Аммо шунга қарамай, “Педро Парама” қиссаси билан нафақат Лотин Америкаси, балки дунё адабиётидан муносиб ўрин эгаллаган.

Қиссада муаллиф ёвузлик ва мустабидлик ҳаёт талъатини қандай сўндириб, инсонни адоқсиз фожеаларга гирифтор этишини бетакрор услуби билан кўрсатиб берган.

Энг асосийси, ушбу қисса ўз даврида бугун биз ҳайрат билан мутолаа қиладиган Лотин Америкаси адабиётининг шаклланишига кучли туртки берган.




**Назар ЭШОНҚУЛ**  
“Мендан “мен” гача”  
китоби.

Бир пайтлар биз университетда адабиёт назарияси, жаҳон адабиёти фанларидан сабоқ олганмиз. Аммо бугун ўша сабоқлардан ёдимизда айтишга арзигулик ҳеч нарса қолмаган. Бунинг сабабини бизнинг уқувсиз талаба бўлганимиз билан эмас, балки ўша пайтдаги сабоқлар, бу борадаги қўлланмалар ҳақиқий адабиёт моҳиятидан йироқ, қуруқ ва юзаки тарзда ёзилгани билан изоҳлаш жоиз.

“Мендан “мен” гача”ни ўқиб, ростига гап, қувондим. Энг аввало, муаллиф эркин фикр юритган, яъни адабиёт, бадиий тафаккур ҳақида қандай ўйласа, қандай ҳис қилса, шундай ёзган. Шу маънода ушбу китоб моҳият-эътибори билан ўқувчининг бадиий тафаккури, диди ва қарашини шакллантириши, жаҳон адабиётнинг кўзга кўринган вакилларининг ижоди ҳақида ёрқин тасаввур уйғотиши билан қимматлидир.

Мазкур китоб, айниқса, бугун адабиётга кириб келаётган ёш ижодкорлар учун муҳим манба бўлади.




**Мурод  
МУҲАММАД  
ДЎСТ**

“Дашту  
далаларда”  
ҳикояси

Бу ҳикояни неча марта қайта ўқиганимни ҳозир аниқ айтолмайман, аммо уни ҳар гал ўқиганимда кўнгилда бирдек завқ уйғонади. Ҳикоя худди қадимий ва мунгли қўшиққа ўхшайди. Муаллиф ҳикояни юксак оҳангда яратган. Ана шу бетакрор оҳанг ўқувчи қалбини забт этади. Асарнинг қиммати, ёзувчининг маҳоратини шунда, деб биламан.

# Кўппак

Ҳикоя



**Нодар ДУМБАДЗЕ**  
(1928–1984)

Машҳур грузин ёзувчиси.  
“Қишлоқ болалари”,  
“Мен, бувим, Илеко ва  
Илларион” қиссаси,  
“Қуёш кечаси”, “Оқ  
байроқлар”, “Абадият  
қонуни” романлари,  
“Қуёшни кўряпман”,  
“Қўрқманг, онагинам”  
асарлари ўзбек тилига  
таржима қилинган.

**Рустам ЖАББОРОВ**  
рус тилидан эркин  
таржима қилган.

Бу воқеа қирқ биринчи йилнинг августида бошланиб, икки йил ўтгач якунига етганди.

...Урушнинг суронли дамлари эди. Отам урушда, бобом Спиридон ота билан амал-тақал кун кечирардик. Бобом кексайиб қолгани учунми, рўзгор ташвишлари асосан менинг зиммамда эди.

Ўша куни у қўлимга тутқазган ўн литрлик шиша идишдаги ароқни пуллаб, бир пуд жўхори олиб қайтиш мақсадида бозорга йўл олдим. Овим бароридан келди. Узоқ харидор кутмадим. Харидор молимни бир пуд жўхорига алмашгани етмагандек, камига чўнтагимга битта қизил ўттизталиқ пулни ҳам солиб қўйди.

Бозордан қайтишда ошхонага кириб, уч порция котлет ва лимонадга буюртма бердим. Буфетчи аввал пулим борлигига ишонч ҳосил қилгач, буюртмани стол устига келтириб қўйди.

Шу пайт ошхонага узун жунлари лойга беланган, қоп-қора, озгин кўппак кириб келди. У аввал хонани бир айланиб чиқди, кейин менга қараб, думини ликиллата бошлади. Мен идишдаги котлетлардан бирини унинг олдига ташладим. Кўппак котлетни бир ямлаб ютди ва ҳеч нарса бўлмагандек яна менга термилди.

Шу пайт буфетчи келиб, кўппакни ҳайдай бошлади:

– Бор йўқол, итдан таркаган!

Кўппак шу заҳоти ташқарига интилди. Бу пайтда мен ҳам овқатимни еб битиргандим. Ташқарига чиққанимда бояги кўппак ҳамон остонада мўлтираб турарди. Йўлимда давом этарканман, ортимда бояги кўппакнинг жон ҳолатда ангиллагани эшитилди. Бир пайт қарасам, кўппак ўқдек олдинга учиб борди-да, ўзини кўприк остига сувга урди.

Дарров ортимга ўгирилиб қарадим. Буфетчи кўлида буг бурқсиётган бўш қозонни чангаллаб турарди.

– Бу нима қилганингиз? – дедим бўғилиб.

– Ҳечқиси йўқ, бечора совқотиб турган экан, қизиб олсин дедим.

– Эшшак, – деб бақирдим овозим борича.

Буфетчи аввалига қотиб қолди. Кейин мен тарафга ҳаллослаб чопишга тушди. Шу заҳоти ерда ётган каттакон тошни кўлимга олдим. Авзойимни кўриб, буфетчининг ҳам шашти сўндими, индамай ортига бурилди.

Кўппак кўприк тагида дир-дир титраганча инграб ётарди. Унинг тумшуғи, олд оёқлари қайноқ сувда куйиб қолганди. Кўзларидан эса дувиллаб ёш оқар, чамаси, нима сабабдан уни бу тахлит аёвсиз жазолашганини тушунолмай ҳайрон эди. Унинг аҳволини кўриб мен ҳам кўз-ёшларимни тутиб тура олмади. Кўйлагимни ечиб, ўртасидан иккига бўлдим-да, кўппакнинг бир кўзини, бир оёғини авайлаб боғладим. Кейин уни ўзим билан уйга олиб келдим.

– Бу нима? – сўради бобом саватдаги жониворни кўраб.

– Кўппак, – жавоб қайтардим.

– Шуям кўппак бўптими? – бурун жийирди бобом. – Қаёқдан топдинг?

– Буфетчи устидан қайноқ сув тўкворди.

– Ўғрининг жазоси шу-да.

– Унинг қорни оч, – дедим кўппакнинг бошини силаб.

– Анавиларини ечиб ташла.

Дарҳол боғичларни ечдим.

– Боглапти-ку, – деди бобом итнинг куйган жойларини кўздан кечираркан. – Бу иссиқда яралар қийин битади. Бориб мой опке, яраларига сурамиз. Оёғини-ку, ўзи тузатади. Бироқ кўзи...

Эртаси кунидан бизнинг уйимизда ҳам ит ҳура бошлади. Биз уни Жек, Йўлбарс, Бўйноқ, Мурка сингари номлар билан чақириб кўрдик.

Бирортасига парво ҳам қилмади. Шунда уни оддийгина қилиб Кўппак деб атай қолдик.

Бир ой ўтиб, оёғи тузалди. Тумшуғининг куйган қисмидан ҳам янги туклар ўсиб чиқди. Шу тариқа у қувноқ, чиройли итга айланди. Қишлоқда бунақаси ҳеч кимда йўқ.

У аёллар ва болаларга тегмас, қишлоқдаги ҳамма паррандалар орасидан ўзимизнинг товуқни ажрата олар, ҳатто унга қўриқчилик ҳам қилар, эркакларни эса уйга яқинлаштирмасди. Баъзан қўшнилариимиз “Энди сизларни-кига чиқолмайдиган бўлиб қолдик”, деб ёзғиришарди. Бобом эса бунга жавобан кулиб қўя қоларди.

У менинг энг яқин ҳамроҳим бўлиб қолди. Қаерга борсам, ортимдан эргашади.

Кўппак бобом билан ҳам яхши келишиб қолди. Баъзан бобом уни ёнига чақирганча, бошидан ўтганларни ҳикоя қила бошлайди. Кўппак ҳам бошини куйи солиб, диққат билан бобомни эшитади. Худди ҳамма гапни тушунаётгандек ҳар замонда бош чайқаб қўяди.

Кўппак тунда ҳовлида ётади. Ҳамма итлар қатори кечаси билан ҳуриб чиқади. Хўроз қичқириғи, мушукнинг миёвлашига, шоқолнинг улишига жавобан акиллашни бурчи деб билади. Қишлоқда эридан, ўғлидан ёки ака-укасидан қорахат олиб уввос солаётган аёлларнинг фарёдига ҳам бефарқ қарамайди, тумшуғини кўтариб, шикоятмуз ув тортиб қўяди.

1943 йилнинг 22 августида, ярим тунда бутун қишлоқ итларининг бири олиб-бир қўйиб акиллашидан уйғониб кетдим. Айни ит зоти куюккан бунақа пайтда ким ҳам итларнинг ғавғосига қулоқ соларди. Ҳамма кўрпага бошини буркаб, яна уйқуга кетди.

Эрталаб Аслан Тавберидзе булоқ бошида аллақандай итнинг ғажиб ташланган лошини кўрибди. Итларнинг илиқиш мавсумида бунақа ҳолатлар тез-тез учрайди. Бу ҳолга унча эътибор қаратишмади. Уни дарҳол кўмиб ташладик.

Чошгоҳда қишлоққа бир нотаниш кимса итини излаб келиб қолди. Уни Асланнинг ёнига жўнатишди. Мен ҳам ортидан бордим.

– Кирилл Мамаладзе, Хевиданман, – деди нотаниш кимса. – Итим йўқолиб қолди. Бугун қанақадир итни кўмган экансиз.

– Ҳа, – деди Аслан. – Манави йигит билан бирга кўмдик. Нима эди?

– Менга ўша жойини кўрсата оласизми?

Уни ҳалиги ит кўмилган жойга олиб бордик. Кирилл итни бир кўришда таниди.

– Ҳа, у менинг итим, – деди у қазиб олинган лошга тикилиб. – Кеча у ўғлимни тишлаб қочган экан. Пастеров станциясига олиб борганимда, итнинг миясини текшириб кўриш учун калласини оп келинг деганди. Худо кўрсатмасин, агар ит қутурган бўлса, болага қирқта укол қилишаркан. Қирқта! Бечора боламнинг ҳоли нима кечади?

Мамаладзе хўрсинганча, қопидан болта чиқарди. Мен эса шарт бурилиб, уйга чопдим. Бобом гапларимни эшитиб, пешонасини тириштирди.

– Яхши иш бўлмабди, – деди оёқлари остида чўзилиб ётган Кўппакка қараб.

Кечқурун қўшнимиз Бадриа чиқиб бобомдан милтигини сўради.

– Нима қиласан? – сўради бобом.

– Итимни отиб ташлайман.

– У сенга нима гуноҳ қилди?

– Эшитмадингизми? Кеча кимнингдир кўппаги бизнинг итларимиз билан ғажишибди. Ҳа, айтганча, бояги одамнинг гапини сен ҳам эшитдинг-ку? – у шундай дея менга юзланди.

– Боласини қопиб олган экан.

– Лекин у итни қутурган демади-ку? – сўрадим ундан.

– Тентак, соғ ит ўз хўжайинининг боласини қопадимми? – елка қисди Бадриа. Мен индамадим.

– Унақада сенга милтигимни беролмайман, – бош чайқади бобом.

– Унда итни нима билан ўлдираман?

– Қозик билан.

– Нималар деяпсиз? Мен бунчалик ваҳшиймасман.

– Унда билганингни қил.

Бадриа кетгач, бобом менга Кўппакни ўтинхонага қамашни буюрди.

Зум ўтмай қишлоқ бўйлаб аввал ўқ овозлари, кейин итларнинг жон ҳалпидаги чайиллаши, эркакларнинг шовқини эшитилди. Қўшнимиз Бадрианинг уйида ҳам ўқ варанглади, кейин Алистрах, Макарианинг уйида ҳам шунақа қиёмат кўпти. Итларнинг фарёдидан қулоғим битаёзди. Бобом ҳам қулоқларини беркитганча бир нуқтага тикилиб ўтирарди.

Бу ақл бовар қилмас ит қирғини бир соатча давом этди. Бир соат қишлоқда шовқин-сурон тинмади. Бир соат ўтинхонага қамалган Кўппак ҳам эшикни тимдалаб, улиди. Кейин ҳаммаси жимиб қолди. Борлиққа ўлик сукунат чўкди.

Тонг отди. Хўрозлар қичқирди. Сигирлар

мўради. Эчкилар маъради. Товуқлар қақоғлади. Концхоули узра қуёш чарақлади. Лекин қишлоқда нимадир етишмасди. У аллақандай қадрдон, одатий, кўз илғамас жиҳатидан маҳрум бўлганди. Қишлоқнинг тор сўқмоғи бўйлаб елкасига болтасини осилтириб келаётган Аслан Тавберидзе кўринди. Унинг изидан қолмайдиган шалпангқулоқ Тузик кўринмасди. Ҳа, қишлоқнинг қон-қонига сингиб кетган, эндиликда етишмаётган бу нарса ит эди. Оддий ит.

1943 йил 24 август тонгини қишлоғимиз итларсиз қарши олди.

...Бизнинг Кўппагимиз ҳам кун бўйи дарчадан ташқари чиқмади. Ҳеч нарса емади, хурмади. У бобомнинг оёқлари остида ҳорғин чўзилиб ётарди. Кўтарилиб тушиб турган қорнини айтмаса, уни ўлган деб ўйлаш ҳам мумкин эди.

Кечга яқин яна Бадриа пайдо бўлди.

– Салом, Спиридон ота! – сўрашган бўлди у. – Одамлар сиздан хафа. Кеча уйингизда ўқ отилмаганимиш.

– Нега уйимда ўқ отиларкан? – ўзини билмаганга олди бобом.

– Спиридон ота, битта итни деб одамларнинг кўнглини қолдирманг. Итингизни ўлдириб. Бизнинг итларимиз ҳам сизникидан яхшироқ эди, воз кечдик-ку? Одамлардан ажралиб қолмоқчимисиз?

– Йўқ, Бадриа, ўлсам тобутимнинг устида ҳатто ит ҳам увилламайдиган аҳволда қолмай деяпман-да.

– Менга қаранг, – деди дафъатан Бадриа тутақиб. – Агар итингиз қутуриб, болаларимдан бировини тишлайдиган бўлса, уйингизни ер билан яксон қилиб кетаман.

Гарчи олақоронғи бўлса-да, бобомнинг ранги қанчалик оқариб кетганини илғадим.

– Менга қара, мишиқи, – деди у овози титраб. – Тилингни тий, бўлмаса, қуруқшаган суюкларимни уйингнинг гулханида иситишга мажбур бўламан.

Бадрия индамай уйига кетди. У нима деб ўйлаганини билмадим-у, унинг ўрнидан мен бўлганимда, кечаси билан мишжа қоқмаган бўлардим. Чунки бобом шу пайтгача айтганини қилмасдан қолмаган.

...Ярим кечаси ҳовлимизнинг нариги бурчагидан иккита ўқ овози ва итнинг ақиллаши эшитилди. Ўрнимдан сапчиб турдим-у, милтиқни олиб, ўқ отилган тарафга ошиқдим. Кимдир ўзини буталар панасига олди. Кейин қочиб бораётган одамнинг қадам товушлари қулоққа чалинди.

Кўппак четан девор тагида ётганча, заифгина рингширди. Уни аста кўтариб уйга кирдим. Бобом мойчироқни ёққан, эчки пўстаги устида ўтирарди. У Кўппакнинг ярасини спирт билан артиб, тамаки қўйиб боғлади

– Унча кўрқинчли эмас, – деди бобом. – Ўқ суякка тегмабди. – Кейин итга ўгирилди. – Ким сени бу аҳволга солди, жонивор?

Ит бошини қуйи солди.

– Билади, – деди бобом. – Лекин гапиролмайди, бечора.

Кейин у итни балконга олиб чиқишимни буюрди. Бизнинг уйимиз тепаликда жойлашганди. Бобом айна пайтда балкондан худди қишлоқни илк бор кўраётгандек сер соларди. У анча пайт жим тургач, менга ўгирилди.

– Болам, чиндан ҳам, битта итни деб қишлоқдошларни ранжитиш ярамайди. Милтиқни ол, Кўппакни ҳам қишлоқдан ташқарига олиб чиқ. Фақат ўқ овозини эшитмасам бўлди.

Титраб кетдим. Аммо шу пайтгача бобомнинг гапини икки қилмагандим. Милтиқни елкамга илдим. Кўппакнинг занжиридан етакладим. Кўппак нажот кутгандек бобомга қараб мўлтиради. Бобом эса йиғлаб юбормаслик учун юзини терс ўгирди.

Биз қишлоқни кесиб ўтиб, катта йўлдан дарё қирғоғига олиб тушувчи сўқмоққа қайрилдик. Кўппак итоаткорлик билан бошини эгганча ортимдан лўкиллаб келарди.

Дарё бўйига етганимизда, Кўппакнинг бўйнидаги арқонни ечиб, каттакон тош устига ўтирдим. Юзимдан совуқ тер қуйилар, юрагим гурс-гурс тепарди. Бироз тинчлангач, елкамдаги милтиқни қўлга олдим. Шу пайтда Кўппакнинг маъсум, муте нигоҳлари билан тўқнашдим. Беихтиёр кўзларимни олиб қочдим ва милтиқдан гильзаларни чиқариб, сувга улоқтирдим.

Елкамдан тоғ ағдарилди гўё. Шу пайт Кўппак югуриб олдимга келди ва қўлларимни ялади. Кейин эса ўзини сувга ташлаб, шаталоқ отганча, атрофга сув сачрата бошлади. Сўнгра қирғоққа чиқиб, қум устида ястанди. Унинг оёғидаги яраси қонталаш бўлиб турар, кўзлари ёшланган, бироқ... у куларди. Ҳа, ишонаверинг, Кўппак қувончдан хандон отаётганди.

– Менга қара, Кўппак, – дедим унга қараб. – Энди бор! Умуман овозингни ҳам чиқармасликка ҳаракат қил. Одамларни қувма, уларга ташланма, қопма, умуман улардан нари юр! Бўлмаса, улар сени ўлдиришади. Қишлоққа қайта кўрма. Биздан рози бўл, Кўппакжон!

У мени тушундими-йўқми, билмадим. Лекин мен ортимга бурилганимда, у ҳамон жойида турарди.

– Ҳўш? – сўради бобом. Мен индамай, милтиқни олиб бобомга узатдим. Бобом милтиқ магазинини очиб кўрди. Кейин менга қараб, маъюс кулимсиради:

– Ўғлим, бунақа феълинг билан ҳаётда кўп қийналасан!..

...Бир ҳафта ўтиб, шоқол Эквтимэ Сирадзенинг эчкисини бўғизлаб кетди. Кейин кимдир Аслан Тавберидзенинг омборидан ўн пуд донни ўмарибди. Яна бир куни Бердзенишвилининг сигири ҳовлимизга кириб, янги ўтқазилган кўчатларни синдириб кетди. Унинг кетидан Нина холанинг сигири билан Сипито амакининг новвоси изсиз йўқолди...

Одамлар саросимага тушиб қолди. Ҳамма бир-биридан норози. Ҳатто бир-бирини бўралаб сўкканлар ҳам бўлди.

15 октябрь куни роса кучли жала қуйди. Сел дарё қирғоғидаги тегирмонларни оқизиб кетди. Фақат Горабережоулидаги битта тегирмон омон қолди. Эртаси куни бобом мени ўша ёққа жўхори тортиб келгани жўнатди. Кечга яқин тегирмондан чиққан бир қоп жўхори унини орқалаб кетмоқчи бўлганимда, бўсағада Кирилл Мамаладзе пайдо бўлди. У тегирмончи билан саломлашди. Менга эса унча эътибор ҳам қилмади.

– Ўғлингиз тузалиб қолдими? – деб сўрадим Мамаладзедан.

– Ўғлимга нима қипти? – ажабланди у.

– Ит тишлаб олди дегандингиз-ку?

– Ҳ-а-а-а! Тузалиб кетди. Ит қутурмаган экан. Докторлар текшириб кўриб айтишди.

– Қутурмаган экан?! – турган еримда қотиб қолдим. – Сиз... Улар... Сиз одам эмас экансиз! – шундай дея унинг жавобини кутмай, ортимга қайрилдим.

Эртасига бу ҳақда бобомга айтсаммикин, деб кун бўйи ўйладим. Кейин бу фикримдан қайтдим. Нима фойдаси бор? Қопни ерга ташладим.

18 октябрда бобом ётоғидан чиқмади.

20 октябрда мендан уйда қолишни илтимос қилди.

25 октябрда бобомнинг қўл-оёқлари шишди.

27 октябрда у мени чақириб, қўлимга омборнинг калитини тутқазди.

28 октябрда мени олдига ўтқазиб, васият қилди.



– Болам, вақти-соатим етган кўринади. Сен кўрқма. Мен ҳамиша сенинг ёнингда бўламан. Фақат уйимизни ташлаб кетмасанг, чироғимизни ёқиб ўтирсанг, бўлгани. Ҳали уруш тугайди. Отанг қайтиб келади. Аниқ биламан – у тирик. Эртага омонатимни топшираман. Фақат сен кўрқма. Ҳамма ишни қўшнилар қилишади. Фақат уйимизда аёл киши йўқлиги чатоқ-да! Ортимда дод солиб йиғлайдиганим йўқ.

Тонгга яқин бобомнинг жони узилди. Менинг меҳрибон бобожоним! У мени ташлаб кетди. Оёқяланг кўчага югурдим. Совуқ этни жунжиктирарди. Тўғри қаршимиздаги ҳовлининг эшигини қоқдим.

– Маргалита!

Аввалига ҳеч ким жавоб бермади. Икки-уч чақирганимдан сўнг ичкаридан аёл кишининг уйкусираган овози келди. Бироз ўтиб, қўшни-

мизнинг катта қизи Маргалита кўзини уқалаб чиқди.

– Тинчликми? – сўради менга қараб.

– Ҳалиги... бобом ўлиб қолди. Уйимизда дод солиб йиғлайдиган аёл киши йўқ. Илтимос...

Маргарита индамай, ортимдан эргашди...

Бобомни 1943 йил 4 ноябрь куни дафн қилишди. Маросимда атроф-жавонибдан одамлар ёпирилиб келди. Ҳар бир қишлоқдан биттадан аёл гўянда келиб, роса чуввос кўтаришди. Қўшни хотинлар ҳам чапак чалиб, дод солиб йиғлашди:

– Вой, парихатгина набирангизни кимларга ташлаб кетдингиз, отагинам-м-м!

Балкон ҳам, ҳовли ҳам, ҳатто кўчамиз ҳам одамларга тўлиб-тошганди. Шунда кутилмаган ҳодиса юз берди. Дафъатан тумонат одам иккига ажралиб, ўртада кичик йўлак ҳосил бўлди. Ундан жунлари лойга беланган Кўппак оғир қадамлар билан бобомнинг тобути турган хонага йўл олди... У олд оёқларини тобут устига қўйди-да, шу тахлит қотиб қолди. Тобутда юзида ним табассум билан ётган бобомнинг юзларига тикилиб, худди ёш боланинг йиғисига ўхшаш оҳангда гингшиди.

Оломон орасидан кимдир “Худого шукур-ей” деб юборди. Мен ҳам ўзимни тутолмай йиғладим.


Шу пайт яна бир мўъжиза юз берди. Хонага Бадриа кириб келди. У итни кўриб ранги оқарди. Бироқ тезда ўзини қўлга олиб, мен тарафга юрди. Ҳамдардлик билдириш учун елкамга қўлини босган пайтда ит унга қараб ириллади. Кейин кўзлари ёниб, акиллашга тушди. Бадриа ўзини менинг орқамга олди.

– Анавинга қарсанг-чи? Мен... мен ҳол сўрагани чиқдим, холос.

Мен Кўппакни тинчлантитарканман, бобомнинг гапларини эсладим: “Билади. Фақат гапи-ролмайдим бечора...”

– Кетинг, бу ердан, – дедим Бадриага қараб. ...ўша оқшом Кўппакнинг таниш овози қишлоғимиз бўйлаб ёйилди.

# Таълимга эътибор — келажакка пойдевор



Фарзандларимизнинг шахс бўлиб камол топишида сифатли таълим-тарбиянинг ўрни нечоғлик беқиёс аҳамиятга эга эканини мустақиллигимизнинг ўтган йигирма беш йили давомида барчамиз англадик. Зеро, собиқ мустабид тузум даврида инсонга шунчаки ишчи кучи сифатида қаралиб, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишга, иқтидорини тўлиқ рўёбга чиқаришга эътибор қаратилмасди. Шу боис 11 йиллик мактаб таълимини олган йигит-қизларнинг санокли қисмигина олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинар, қолгани ёшлигини колхоз ишларига андармон бўлиб ўтказар эди.

Бахтимизга, юртимиз мустақил бўлиб, фарзандларимиз учун улкан имкониятлар эшиги очилди. Энг аввало, мактаб таълимига алоҳида эътибор қаратилиб, ўқувчиларнинг пухта билим ва тарбия олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1841 та таълим муассасаси замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа воситалари, ўқув жиҳозлари ҳамда бошқа зарур моддий ашёлар билан таъминлангани таълим жараёнининг самарали кечишини, ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтлари мазмунли ўтишини таминляпти.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида сўз кетаркан, даставвал яроқсиз ҳолатга келган мактаб биноларини янгидан қуриш, мавжудларини замонавий таълим стандартлари ва санитария-гигиена талабларига мос тарзда капитал реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Юртимиз бўйлаб ҳар йили Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик жараёнидан бизнинг таълим муассасаларимиз ҳам четда қолмаяпти. Жумладан, бу йил мазкур дастурга биноан вилоятимиздаги 54 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Илгари мажбурият юзасидан мактабга келган ўқувчиларнинг бугун қадрдон таълим маскани сари талпиниши буткул ўзгача.



**Азамат УМАРОВ,**  
техника фанлари номзоди.  
Самарқанд вилояти халқ  
таълими бошқармаси  
бошлиғи.



Шаҳару қишлоқларимиз кўрқига кўрк қўшган бинолар ичида муҳташам мактабларимиз алоҳида кўр тўкиб турганини кўриб, дилдан ўтганини ифодалашга тил ожизлик қилади. Бугун ўғил-қизларимиз таълим-тарбия олаётган мактабларни дунёнинг унча-бунча давлатида учратмайсиз. Йил сайин ўқитиш сифати ва мазмунини оширишга қўйиладиган талаблар қатъийлашиб, педагоглар таркибини маҳоратли, юқори билим ва савияга эга ўқитувчилар билан тўлдиришга интилаяпмиз. Айни пайтда вилоятимиздаги таълим муассасаларида мазкур талаблар асосида сараланган 45242 нафар педагог таълим-тарбия бераётир. Уларнинг беш нафари фан номзоди илмий даражасига эга. Энг муҳими, ҳар йили олий таълим муассасасини тамомлаган ўнлаб ғайратли ёш мутахассислар ишга қабул қилиниши туфайли мактабларда қайноқ ижодий муҳит юзага келаяпти. Кейинги беш йил ичида 5058 нафар ёш ўқитувчи умумтаълим муассасаларига ишга жойлаштирилди.

Бир эслаб кўрайлик, бундан 25-30 йил муқаддам болаларимизнинг ҳарф таниб, ўқиш-ёзишни ўрганганидан севинчимиз ичимизга сиғмас, барча мактабларда “Алифбе” байрамлари тантана билан ўтказиларди. Бугунги авлод эса, ҳарф таниб, керак бўлса, ўқишни ва санашни ўрганиб мактабга қадам қўйяпти, 1-синфдан чет тилини ўрганаёпти! Бу саводхонликнинг юксак кўриниши эмасми? Ваҳоланки, собиқ Иттифоқ даврида ўқувчилар чет тилини 5-синфдан бошлаб ўрганишарди. Бу пайтга келиб, табиийки, ўқув предмети ва юкласи ошган ўқувчининг хорижий тилларни ўрганишга укуви анча сусайгани боис ўзлаштириш ниҳоятда паст бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан ёш авлодга хорижий тилларни бошланғич синфлардан оқ чуқур ўргатишга қаратилган оқилона сиёсат туфайли бугун 4-синфни тамомлаган фарзандларимиз чет тилида бийрон сўзляпти. Зеро, бунинг учун яратилган қулай шарт-шароитлар кўлами йил сайин кенгаймоқда. Жумладан, вилоятимиздаги 1220 та умумтаълим мактабининг чет тили хоналарини зарур мебель, маиший техника, ўқув ва кўргазмали қуроллар билан тўлиқ жиҳозлаш учун 1,8 миллиард сўм маблағ сарфлангани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Дориламон давримизнинг шундай улкан имкониятлари туфайли ўқитувчи ва ўқувчиларимиз юқори натижаларни қўл киритаётганини таъкидлаш жоиз. Мустақилликдан олдин камдан-кам одамнинг, шунда ҳам, фақат муайян мақсадлар учунгина чет элга чиқишига рухсат берилар, зиммасига бир дунё талаблар юкланарди. Истиқлол эл қатори педагог аҳлининг ҳам жаҳонни кўришига имкон яратди. Вилоятимиз мисолида айтсак, Халқ таълими вазирлиги ва Британия кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган “Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси” кўрик-танловида ғолиб бўлган уч нафар ўқитувчимиз ривожланган хорижий давлатда малакасини ошириб, ўқитишнинг замонавий методларини ўрганиб келиш имкониятига эга бўлди. Икки нафар педагог “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, бир нафар тарбиячи “Йил тарбиячиси” кўрик-танловининг республика босқичида фахрли ўринни эгаллади.

Бола таълим-тарбиясида катталарнинг шахсий ўрнаги ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши кўглаб манбаларда қайд этилган. Шу маънода, ўқитувчиларнинг эришган муваффақиятлари ўқувчиларни ҳам юксак марралар сари ундамоқда. Бунинг биргина билимлар беллашувида қўлга киритган ютуғимиз мисолида яққол кўриш мумкин. Бу йил мазкур беллашувнинг республика босқичида иштирок этган ўқувчиларимизнинг уч нафари биринчи, бир нафари иккинчи, беш нафари учинчи ўринни эгаллади. Ўқувчиларнинг ўртача билим кўрсаткичи 84,7 баллни ташкил этди. Бу ўтган йилга нисбатан 2,7 фоиз юқори демакдир. Яна, шу йил май ойида Халқ таълими вазирлиги



хамда ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган “Хуқуқ билимдонлари” кўрик-танловининг республика босқичида вилоятимиз вакиллари 1-ўринни олди. Фаолиятимизда бу каби ютуқлар бисёр.

9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш долзарб масалалардандир. Зеро, 12 йиллик мажбурий таълимнинг узвий қисми бўлган уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчининг ўзлигини англаб, мустақил ҳаётга қадам қўйишида муҳим аҳамият касб этади. Ўтган ўқув йилида 56097 нафар ўқувчи вилоятимиздаги мактабларнинг 9-синфини тамомлаб, уларнинг 99,8 фоизи академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олинди. Қолган ўқувчиларнинг таълимни давом эттира олмаслигига, албатта, асосли сабаблар мавжуд.

Ёш авлодни баркамол, маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзига жалб қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун қулай шароит яратиш борасида ҳам юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Айни пайтда вилоятимизда ўн еттита “Баркамол авлод” болалар маркази мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди. Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, бундан беш йил аввал мазкур марказларда 206 та тўгарак фаолият кўрсатган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 465 тани ташкил этмоқда. Ўз навбатида, уларга жалб этилган ўқувчилар сони ҳам икки бараварга кўпайди.

Бола тарбиясида санъатнинг, хусусан, мусиқанинги ўрни беқиёслиги кўпглаб мутахассисларнинг қарашлари ва асарларида ўз ифодасини топган. Юртимизда ушбу соҳа ривожига юксак эътибор қаратилаётгани замирида ҳам ўзида хуш хулқни, юқори дид ва савияни шакллантирган маданиятли ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказиш каби мақсадлар мужассам. Ушбу саъй-ҳаракатлар вилоятимизда ҳам ўзига хос тарзда бўй кўрсатмоқда. Чунончи, йигирма еттита болалар мусиқа ва санъат мактаби янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Йил сайин ушбу таълим муассасаларида ўқувчилар кўпаяётгани халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг санъатга қизиқиши тобора ортаётганидан далолатдир.

Янгидан барпо этилган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларнинг ноёб иқтидор ва қобилиятини юзага чиқариш билан бирга, жаҳон сахналарида кенг намойиш этиш имконини ҳам бермоқда. Биргина ўтган ўқув йилида ўқувчиларимиз Озарбойжон, Руминия, Туркманистон, Россия, Испания, Латвия каби давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, йигирма олтита совринли ўринни қўлга киритди.

Мамлакатимизда ёш авлод қалбида спортга меҳр уйғотиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзига амал қилиши ҳамда маънавий ва жисмоний камолотга етишиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар дунёнинг кўпглаб давлатларида ҳавас уйғотаётгани сир эмас. Айниқса, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимизнинг юксак ғалабаларига гувоҳ бўлганлар бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилди. Ушбу зафарларнинг пойдевори болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида қўйилгани шубҳасиз.

Бугунги кунда бошқармамиз тасарруфида фаолият кўрсатаётган йигирма битта болалар ва ўсмирлар спорт мактабида шуғулланаётган ўғил-қизлар орасида ҳам бўлғуси жаҳон чемпионлари борлигига ишончимиз комил. Мазкур мактабларда спортнинг Олимпия турларидан 12–16, миллий ва бошқа турлари бўйича 8–10 тагача бўлимлар ташкил этилган. Машгулотларни олиб бораётган мураббийларнинг учдан бир қисми аёл мутахассислар бўлиб, бу ҳам спорт билан шуғулланаётган қизлар салмоғи юқори эканини билдиради. Зеро, айни пайтда 30946 нафар шуғулланувчиларнинг 10676 нафари қизлардир. Бу ёшлар ўтган ўқув йилида АҚШ, Исроил, Италия, Литва, Таиланд сингари давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро мусобақаларда 72 та, республика миқёсидаги беллашувларда 215 та медални қўлга киритди.

Бугун ёзгу ниятда қадалган, яхши парвариш қилинган ниҳол эртага, албатта, ўз мевасини берганидек, юртимизда ёш авлод камолотига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳам келгусида кутилган самарани бериши шубҳасиз. Зеро, ёшлар давлатимизнинг оталарча меҳрини ва ишончини юракдан ҳис этиб улғаймоқда.



**Наргиза ОДИНАЕВА**

1988 йили туғилган.  
 “Истеъдод мактаби”  
 III республика ёш  
 ижодкорлар семинари  
 иштирокчиси. “Йўлдаги  
 мактублар”, “Тўрт томон”  
 номли шеърий тўпламлари  
 чоп этилган.

# Олтин бешигини ахтаради ой

## Эътиқод

Тупроқ бўлиб яшашни ўрган,  
 Қўшилиб ол тўрт фасл билан.  
 Оқ тонглардан Хизр туш кўрган  
 “Ватан” деган бир туйғу тилан.

Шу дарахтлар тафтинг олади,  
 Юраги бор ҳар тўрт томоннинг.  
 Гар қоқилсанг, суяб қолади  
 Елкалари зангор осмоннинг.

Шу заминда тоғлар виқорли,  
 Шу заминда шамол майиндир.  
 Шу заминда шомлар ифорли,  
 Шукрларинг умр сайиндир.

Қўл ташлаган қуёш елкамга,  
 Кўзларимдан меҳр унади.  
 “Ватан” десам, дил шу каломдан  
 Меҳр-муҳаббатга қонади.

Эй ватандош, иниб гулларга,  
 Эгачингга ўхшаб қўяман.  
 Ўғил-қизинг юрган йўлларга  
 Бор жонимни тўшаб қўяман.

Ой тунларни ёритар атай,  
 Йўл бошига сўзсиздек борма.  
 Қулогига исмингни айтмай,  
 Кунларингни қўйиб юборма.

Айланади кўҳна чархпалак,  
 Бу умрнинг ёмғирлари бор.  
 Бошқасининг саждаси бўлак,  
 Ўзинг томон ўзингни юбор.

Ҳовучимга оламан жойлаб,  
 Бир қаричмас дунёнинг эни.  
 Ҳад билмаган кенгликлар бўйлаб  
 Ҳар тонг Ватан уйготар мени.



## Тун

Этакда бир ўзи турибди, ана,  
Нурсиз милтираган кимнинг чироги?  
Мени ҳаяжонга солади яна  
Шамолнинг қўшиғи, терак титроғи.

Замин жим ухлайди, тушига кирган  
Оқ отли шаҳзода қайтар изига.  
Кўйлаги идраган юрагим билан  
Ким бўлиб кўринсам унинг кўзига?

Қайда ўтирибди тоғ ошган олам,  
Бунда қолган фақат садо бергани:  
Бойқуш – карвонидан адашган одам,  
Чигиртка – кечанинг чақалоқлари...

\* \* \*

Йўллар қичқиради шом қучоғида,  
Молини ёяди кеча – савдогар.  
Қартайган тоғларнинг олис ёғида  
Кўшигин бошлайди уйсиз, дарбадар.

Тун оёқ қоқмайди.  
Ўзидан чўчиб,  
Уйгонган осмонга тикилади сой.  
Кўзимда чайқалган дарёни кечиб,  
Олтин бешигини ахтаради ой.

Ким тиккан кашта бу ранглари сириб,  
Нимани фарқлайди қизил, қора, оқ.  
Келиб-кетаргача масофа юриб,  
Мен ҳам тиланганим бир ҳовуч тупроқ...

Согинчдай бир баҳор юракда қишлар,  
Дунёнинг кузлари билмайди нега?  
Менга ўхшайдими сен кўрган тушлар,  
Умрим ўхшаб кетди жуда ҳам сенга.

\* \* \*

Учқунлаб туташиган ўт борасида  
Юрагим қизиган бир тандирга тенг.  
Онам кўли билан уй орасида  
Оёқланг чопиб нон ташийман мен.

Бошимдан қийқириб турналар ўтар,  
Пешонам ярқираб, йўлдай ошланди.  
Аммо, аммоларни буткул унутар,  
Умрининг исёни қачон бошланди?

Туташиган ўтларни ўйин кўрибман,  
Она, сув урасан тандир, нонингга.  
Ёнгинангда мен ҳам ёниб турибман,  
Раҳминг келмайдими менинг жонимга?!

\* \* \*

Қуёшни чорлайди тонглари оқара,  
Тоғларнинг бошига булутлар кўнар.  
Худойим бахтимга қўйган чегара –  
Энг яқин манзилдек кўнглинг кўринар.

Сукутга тўлмасин бу биллур сарой,  
Аждарҳо тишини экдим атайин.  
Энг катта оғриққа қўшилиб олай,  
Хузуруннга етгач ёнишим тайин.

Дийдорнинг изига йўллар бегона,  
Замин айланади вақтнинг измида.  
Кечаги ташишлар туғилар яна  
Фурсатин согинган бугун юзида.

Кўнглини сўрашга кўли етмаган  
Иккита йўлчимиз – йўли бир қадам.  
Кўлга тушган тошдек жимиб кетмагин,  
Дунёга икки бор келмайди одам.

Эрка орзуларга етмасин озор,  
Қизгалдоқ баргидек учади ёдим.  
Йўл бошладим – ердан қуёшгача бор,  
Сенинг кўнглиннгача бўлган бир одим.



# Истеъдод ва интеллект уйғунлашса



**Саъдулла ҚУРОНОВ**

1989 йили туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. "Ифода ва ифодавийлик" китоби нашр этилган.

**Х**урматли Наргиза Одинаева, яқинда "Тўрт томон" китобингизни ўқиб чиқдим. Тўтламдаги аксар шеърлар менга ёқди. Шеърларингиз охириги пайтларда ўзим учун қилган катта ижодий кашфиётларимдан бўлди, десам муболаға эмас.

Ижодингиз билан 2013 йили "Шарқ юлдузи"нинг 1-сонини нашрга тайёрлаш жараёнида танишган эдим. Эсимда, тахририятга шеърларингизни Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим олиб келган ва шеърларингиз ҳақида илиқ фикр билдирган эди. Мана, ҳозир қўлимга китобингизни олиб, устоз шоирнинг ўша кезлардаги ҳаяжони бежиз бўлмаганини ҳис қилиб турибман. Шеърларингиз беназир демоқчи эмасман, албатта. Бугунги ёш авлод шоирларидаги баъзи камчиликлар сизнинг ижодингизга ҳам ёт эмас. Аммо келинг, ғойибона суҳбатимизни яхши гаплардан бошлайлик.

Наргиза, менга шеърларингизнинг бадиий жозибаси кўпроқ манзур бўлди. Аслида, санъат асарларидан биринчи галда талаб этиладигани ҳам бадииятдир. Менимча, сиз топган гўзал ташбеҳлар, ўзига хос образлар шеърингизга қўйиладиган ўша талабга жавоб беради. Масалан, қуйидаги мисраларни олайлик:

*Тун оёқ қоқмайди  
Ўзидан чўчиб,  
Уйгонган осмонга тикилади сой.  
Кўзимда чайқалган дарёни кечиб,  
Олтин бешигини ахтаради ой.*

Шоир учун табиат манзарасини сўз билан чизиб кўрсатиш анча мураккаб. Зеро, бунда шоир ҳис-туйғунинг ифодасини бевосита сўз билан эмас, балки манзаранинг ёрқин тасвири воситасида беришга мажбур. Бундай шеърни ўқийётган шеърхон ҳам асарда чизилаётган манзарани кўз ўнгида гавдалантириши, ўзи кўраётган тасвирдан таъсирланиши керак бўлади. Ўзбек шеърининг Ойбек, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Фахриёр каби қатор мусаввир-шоирлар борки, уларнинг манзара тасвирига бағишланган шеърларини ўқиганда рангтасвир асари намуналарини кўргандай завқ олади киши. Сизнинг китобингизга киритилган қатор шеърларда ҳам ана шундай завқни туйиш мумкин. "Йўллар қичқиради шом қучоғида" мисралари билан бошланувчи шеърингиздан олинган юқоридаги парчада ҳам шом палласининг ёрқин кўринишлари тасвирланган. "Кўзимда чайқалган дарёни кечиб, Олтин бешигини ахтаради ой" мисралари лирик қаҳрамон ҳис-туйғуларини табиат манзарасининг кўринишлари билан қориштириб юборади. Бу эса

Ўқувчига манзарани кузата туриб шоир ҳисларини туйиш имконини беради. Яна бир шеъррий парчани олиб қарайлик:

*Тўлқинланиб ўйнайди шамоллар – бебош,  
Нафаси энтикиб қўяр дарчанинг.  
Бошини куйдириб ўтади қуёш  
Ислари эскириб кетган арчанинг.*

*Туш қўрган тоғларнинг қўйлаги гижим,  
Замин чайқалади – қўлнинг сояси. ???  
Йўллар этагидан узоқлашар жим  
Одамга ўхшаган даррахт сояси...*

*Оналаримизнинг кундалик  
ҳаётидаги биргина  
лавҳа уларнинг ОНАЛИК,  
оталаримизнинг болалар  
келажаги, иқболи учун  
елкасига олган оғир  
юки уларнинг ОТАЛИК  
сийратини бутун нозик ва  
мураккаб жиҳатлари билан  
ифодалайди.*

Шеърда манзара тасвири рамзларга айланиб кетган. Яъни манзаранинг ҳар бир кўриниши муайян рамзни ифодалаб, ўқувчини шоиранинг бадиий ғоясига яқинлаштириб боради. Бу ўринда ўқувчини манзара тасвири эмас, балки рамзлар тили ўзига кўпроқ ром этади.

Аммо мазкур шеърда “кичик” мантиқсизликка йўл қўйгансиз. Тасвирда табиатдаги ҳодисаларнинг мутаносиблиги бузилган. Сиз “Бошини куйдириб ўтади қуёш” мисрасидан сўнг бошқа бир бандда “Бахт таъминин билар тонг ҳавосида” дея ёзасиз. Кўринадики, офтобнинг арчалар устидан куйдириб ўтиши эрталаб содир бўлмоқда. Лекин тонг қуёши куйдира олмаслиги барчамизга аён-ку.

Шеърларингизда ноёб ташбеҳлар, топилмалар кўп. Улардан баъзиларини мисол тариқасида келтириб ўтишни жоиз билдим: “Умримнинг лабига тошди учуқлар”, “Айвондаги мусичанинг кўзларида жимлик бор”, “Дарахтлар қоровул қишнинг йўлида”, “Дунёнинг тўнини кенг бичинг”, “Сулунинг сочида адашган шамол”, “Биламан, сукутда тилни сўз тилар”, “Кўзларинг бор эди осмон чўмилган”, “Шомда уфқ айланар қизил қирғоққа”, “Энг катта ҳасратим сифмади шеърга”.

Китобингизни ўқирканман, ижодингиздаги яна бир жиҳат диққатимни тортди – шеърларингизда Ватан, миллий урф-одат ва қадриятларнинг гўзал бадиий ифодасини кўриш мумкин экан. Сўзимнинг исботи сифатида “Ватан сийрати” шеърингиздан баъзи бандларни эслаймиз:

*“Синглимнинг ўсмаси оқмасин”,  
Юзига термулиб тураман.  
“Акамга кўзим тик боқмасин”,  
Юрагим эгилиб тураман.*

Шеър ана шундай ўзига хос мисралар билан бошланади. Албатта, Ватан жудаям кенг тушунча. Шеър сарлавҳасидан кўриниб турибди – сиз Ватанни сиртдан эмас, ичдан кузатгансиз, она тупроқнинг сиз учун энг таъсирли, энг гўзал чизгиларини ёдга олгансиз:

*Энг гўзал изларни чизади  
Тупроққа судралган этаклар.  
Руҳида жаннатлар кезади,  
Иситиб қўяди эртақлар.*

*Бобомнинг юзида кун тиги  
Қолдирган йўлларни сўнг билдим.  
Момомнинг заранг, тол урчуғи  
Айланган изларга қоқилдим.*

Шеърни ўқиркан, киши сийратга қараб шўнғиб боради. У ўзи ҳали эътибор қаратмаган манзараларда ҳам Ватан тафтини туйиш мумкинлигини ҳис эта бошлайди.

*Онам сут пишириб ҳар саҳар,  
Зухрони энг аввал кўради.  
Отамнинг елкаси бир шаҳар,  
Биз қурган орзулар туради.*

Бизни дунёга келтирган, машаққат билан вояга етказган ота-оналаримиз сийратига бундан-да ёрқин чизгиларни тортиш мушкул. Оналаримизнинг кундалик ҳаётидаги биргина лавҳа уларнинг ОНАЛИК, оталаримизнинг болалар келажаги, иқболи учун елкасига олган оғир юки уларнинг ОТАЛИК сийратини бутун нозик ва мураккаб жиҳатлари билан ифодалайди.

*Отам, иним, кўз, қошим – Ватан,  
Ҳавом, ерим, қўшим – Ватан!  
Бир умрни сўнгсиз гуллайман,  
Охирларим ва бошим Ватан!*

Ватан ҳақида самимий ёза олиш ҳамма шоирнинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун бўлса керак, Ватан ҳақида таъсирли, ёдда қоларли шеърларни жудаям кам учратамиз. Билъакс, Ватан ҳақида ёзганда жудаям “жўшиб”, “ҳаяжонланиб” баландпарвоз сўзларни бот-бот такрорловчи шоирлар кўп. Бундай шеърларни ўқиркан, киши Ватанга бўлган чин муҳаббатни ҳис қилолмайди. Аммо сизнинг ташбехларингиздан таъсирландим. Улар юрагимдаги ҳисларни уйғота олди. Гўё кўз ўнгимда Ватаннинг гўзал қиёфаси гавдаланди.

“Йигирма ва ўттизмининг орасида” шеърингиз ҳам менга жуда ёқди. Ўрта ёшга қадам қўяётган лирик қаҳрамон кечинмалари гўзал тарзда ифодаланган. Ўзим ҳам йигирма ва ўттизмининг орасидаман. Балки шунинг учун сизни тушунишим, ҳис қилишим осон кечгандир.

*Юким ортди, этагимга юлдуз териб,  
Юпун жоннинг савдосига хато келдим.  
От ўйнатган дунёсига салом бериб,  
Қиш тўқилдим, ёз тўқилдим, қуз тўқилдим...*

Ёшлик орзулари юлдузга ўхшатишган. Орзуларга интилиб вақтни бой берган қаҳрамон ҳолати биргина шу образ воситасида очилади. Албатта, шеърга ортиқча пессимистик кайфият юклаш ниятида эмасман. Лекин ўттиз ёшни қоралаб қолганларнинг қайсисида ана шундай тугёнлар кечмаган дейсиз. Яқиндагина орзулар оғушида ўтган умри энди чинакам, жиддий ҳаётни қарши олмақда. Ортга назар ташларкан, қатор хатоларни ҳам кўради, бир муддат тушкун кайфият билан яшайди:

*Тушлар, сизга кечагидак йиғлолмайман,  
Кўзларимга қараб беринг, тинчликмикан?  
Соқов айтган нолаларсиз яшолмайман,  
Ичимдаги аразкашим тирикмикан?*

*Яхши шоир, кези келганда,  
тарихчи, руҳиятшунос,  
файласуф, географ,  
санъатшунос ва бошқа кўплаб  
соҳаларнинг чуқур билимдони  
бўлиши шарт. Шундагина унинг  
ижоди рангба-ранг, таъбир  
жоиз бўлса, яшовчан бўлади.*

Яқинда устоз шоир Анвар Обиджонга “Шеър қандай бўлиши керак?” деган савол билан мурожаат этдим. У киши шеърни шеър қиладиган бир қанча омилларни санар экан, “Ўқувчи шеърни ўқиганда муайян билимни ҳам эгалласин”, деб қолдилар. Негадир шу омил менга бошқаларидан кўра кўпроқ ёқди, кўпроқ аҳамиятли туйилди. Албатта, назмда айна шу жиҳат бирламчи бўлиши керак, демоқчи эмасман. Лекин шусиз шеърнинг савияси тушишини яхши биламан. Яхши шоир, кези келганда, тарихчи, руҳиятшунос, файласуф, географ, санъатшунос ва бошқа кўплаб соҳаларнинг чуқур билимдони бўлиши шарт. Шундагина унинг ижоди рангба-ранг, таъбир жоиз бўлса, яшовчан бўлади.

Биласизми, касб тақозосига кўра шеърятимиз дарғалари билан кўп суҳбатда бўлганман. Улардаги интеллект, улардаги билим ва изланувчанлик биз ёшларникидан ер билан осмончалик фарқ қилади. Соддагина қилиб айтсак, улар ўқиган. Ўқиганда ҳам жуда кўп ва хўп ўқишган. Афсуски, бугунги ёш қаламкашларга ана шу интеллект, билим етишмаяпти. Қўполроқ айтганда, улар ҳис билан ҳисни, туйғу билан туйғунини уриштириб, жимжимадор шеърлар ёзишдан нарига ўта олмаётгандай туйилади менга. Тенгдошлар ижодида ижтимоий, тарихий ва фалсафий асарларни деярли учратмаймиз. Бунинг бари кўп ўқимасликдан. Хафа бўлмайсиз, сизнинг шеърларингизда ҳам билимнинг камлиги кўриниб қолади. Албатта, ўзига хос йўналишни излаётганингиз, гўзал ташбехларингиз қайсидир маънода

янгилик бўлиши мумкин. Лекин бу умумшеърятимиз учун янгилик эмас. Айтмоқчиманки, мисраларингиз яқин ўтимишимиздаги шоирлар дил изҳорининг бошқачароқ кўринишига, ўхўайди. Афсуски, бундай шеърлар узоқ яшамаслиги мумкин.

Шоир янгиликка интилмоғи зарур. Унинг ижоди замондошлар кайфияти учун ойна бўлмоғи керак. Наргиза, мен шеърларингиздан бугунги кун кишиларини топмадим. Ҳозирги глобал дунёда шошиб, минг хил ташвиш, минг хил орзу-умидлар билан яшаётган замондошнинг кечинмалари билан қизиқиб кўрмадингизми? Менимча, уларнинг туйғулари ўтган асрнинг 70-йиллари шеърятига хос ритмга тушмайди. Янгича кайфиятни бериш учун, албатта, янгича услуб, янгича шакллардан фойдаланиш керак бўлади. Йўқ, мен сизга модернист бўлинг демоқчи эмасман!

Лекин бир вақтлар устоз шоирларимиз яратиб кетган қолиплардан чиқинг, бугунги кишиларга мос шеърятни излаб топинг, демоқчиман.

Аслида, шоирнинг изланувчанлиги, янгилик яратиш қобилияти ҳам билими билан боғлиқ. Изланувчан шоир нафақат ўзбек шеърятни, балки замонавий жаҳон шеърятни, умуман, адабиёти билан танишиб боради. Бундан ташқари, замонавий илм-фан ютуқлари, фалсафа, санъатшунослик, социология соҳаларидаги янги оқим ва йўналишларни яхшилаб ўрганади. Шу тариқа унинг шеърларида янгиликнинг куртаклари пайдо бўла бошлади. Адабиётимизнинг 70–80-йиллар авлоди вакилларида ана шундай фазилатни кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам улар ўзбек насри ва назмида инқилобий ўзгаришларни содир этдилар.

Наргиза, шеърларингизни неча қайта кўриб чиқасиз? Йўқ, мен сизни бир ўтиришда ёзганини эълон қиладиган шоирга ўхшатмадим. Кўриниб турибди, матн устида жиддий ишлайсиз. Аммо баъзи шеърларда ғализликни, образлар тизимида бузилишни кузатдим. Ҳатто баъзи мисраларингиздан ҳеч нимани англай олмадим:

*Тупроқ гапирмайди, ҳаво – муаллақ,  
Сувлар сув бўлди ва тошлар тош бўлди.  
Ернинг атрофида кўзларим ҳалак,  
Оқу қора ичра ранг талош бўлди.*

Албатта, бу парча умумий контекстан узиб олинди (катта ҳажмли шеърни тўла келтиришнинг имкони йўқ). Аммо муайян бандда ҳам мустақил, якуний мазмун бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб таҳлил қилиб кўрсак бўлади. Аввало, тупроқнинг гапирмаслиги ва ҳавонинг муаллақлиги мантиқан яқин образлар эмас. Агар тупроқ соқов бўлса, ҳаво кар бўлиши керак эди. Шундагина образлардаги мантиқий боғланишни ҳис қилиш мумкин. Яна бир қатор, хусусан, “Бунча шошиб кетмоқда қуёш”, “Осмонни иккига бўлиб юбордим”, “Тик туриб бўйнимга олганман барин” мисралари билан бошланувчи ҳамда “Йўл” шеърингизда ҳам юқоридаги каби ҳолатларни учратдим.

Наргиза, ўйлайманки, гапларимни тўғри қабул қиласиз. Мен санаган камчиликларни тузатиш сизга қийин эмас, албатта. Энг муҳими, сизда шоирона дардни кўрдим. Фақат, яхши шоир бўлиш учун истеъдоднинг ўзи камлик қилишини унутмаслигингизни истардим. Сизга яхши шеърларингиз учун раҳмат айтаман ва яна хайрли асарлар ёзишингизни тилаб қоламан.





### Мансур ЖУМАЕВ

1991 йили туғилган.  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университетининг  
халқаро журналистика  
факультетини тамомлаган.  
Шеърлари Ўзбекистон  
Ёзувчилар уюшмаси  
томонидан нашрга  
тайёрланган “Биз Истиқлол  
фарзандларимиз” баёзига  
киритилган.

\* \* \*

Кун қолмади билакка  
(ишонардим аксари),  
ёриб кирди юракка  
муҳаббатнинг лашкари.

Чорак асрлик шиддат  
жўшиб, йигит ёшида  
таслим бўлдим оқибат  
муҳаббатнинг қошида.

Фақат жисмим меники,  
қолганлари сойирдай,  
қолдим бир холга икки  
шаҳар берган шоирдай.

Энди садқадир жоним,  
сизга гар жоним керак;  
олинг, бор хонумоним –  
истило бўлган юрак.

## Ёриб кирди юракка муҳаббатнинг лашкари

### “Кемалар қабристонини”да

Ташлаб кетди бу ерни денгиз,  
ташлаб кетди сув неъматлари,  
шовқин солмас шамоллар тинсиз  
ва тўфонлар важоҳатлари.

Олислади меҳмонлар бир-бир,  
тўлқин ёди дилни яллиғлар –  
ташлаб кетди дарёи кабир,  
зогораю тилла балиқлар.

Фақат қолди бунда хотира  
ва чандиқли ўтмиш ғамлари,  
чириётган кемалар ила  
“қора уй”нинг оқ одамлари.

Яшайверди улар жимгина,  
дил тубида номус билан ор  
ва муаззам она денгизнинг  
гардларига боқиб умидвор...

Куйдирди-ю бўғзимни виждон,  
кўзга қалқди томчи ёш – тахир:  
севилмайди Ватан ҳайқириб,  
у жимгина севилгай, ахир.

Энди сўзга етмайди бардош,  
қотди кўзда қайғу жоласи.  
Мен қаршингда эгажакман бош,  
Қарекенгнинг содиқ боласи!

### Қарчигай


“Какликка тузоқ қўйган-  
дим, кўп қуттирмай илинибди.  
Тузоқни йиғиб, ўлжани олгани  
борсам, илинган какликни тута-  
ман деб ўзини урган йиртқич  
қушнинг панжасига тузоқ  
тўрлари илашиб, у ҳам қулабди.  
Қарасам, шу пайтгача туюлма-  
ганим – қарчигай экан!..”

**Ҳасан овчининг гурунларидан**

Мағрур-мағрур тоғларда  
мағрур учган қарчигай,  
тўрға тушган какликни  
тутмоқ бўлиб қилди саъй.  
Тайёрига айёрлик  
ярашмади номига:  
ўлжа бўлди ўзи ҳам  
овчиларнинг домига...  
Қарчигайжон, қарчигай,  
билмасмидинг, қушим, ҳай,  
тайёр ўлжа тузоқдан  
бошқасида бўлмагай!  
Нафс майидан мастликлар,  
алдов, ҳийла, пастликлар  
чўққилардан қулатгай  
какирлаган какликлар.  
Баланд-баланд тоғларда  
озод учган қарчигай,  
бирова аталгани  
бирова наф қилмагай.  
Пастламагин, сор қушим,  
гар юксаклик ёр экан.  
Ҳар махлуққа Худонинг  
атагани бор экан.







**Содиқ НОРБОЕВ**

1982 йили туғилган.  
Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
университетининг ўзбек  
филологияси факультетида  
тахсил олган. Адабий-  
илмий мақолалари билан  
матбуотда қатнашиб  
туради.

Кеч баҳорнинг бу тун қоп-қоронғи бўлса-да, кўнглимда ўзим ҳам тушуниб бўлмайдиган сирли сурур ҳукмрон эди. Ташқарида шовуллаб ёмғир ёғар, мен дераза олдида турганча катта-кичик томчиларнинг ойнага урилиб-чертилиб пастга оқиб тушишини ёш боладек завқланиб томоша қилардим. Чироқ ёруғида аксланиб, жилваланаётган дераза ойнасини ўксиб-ўксиб кўз ёш тўкаётган соҳибжамол бир қизга ўхшатиб, азборойи кўнглимга ўтирганидан бу менгзашимни ён дафтаримга ёзиб қўйишни ўйлаб қўйдим.

Хизмат сафари билан авваллари ҳам бу меҳмонхонага бир неча бор келган эдим ва ҳар гал бу ердаги сирли бир осудалик мени ўзига тортарди. Шаҳар шовқини ва ишдаги одатий ҳолатлардан безиб, тинчликни қўмсаганим учун бу гал ҳам ана шу қўналгани ўзимга макон қилиб танладим. Мен хотиржам кўринар эдим, аммо ҳаёлимда бу тун, бу кеча бутун ҳаётимни ўзгартириб юборадиган нимадир содир бўладигандек туюларди.

Бирпасдан кейин ёмғир тўхтади, борлиққа фараҳли бир сукунат чўкди. Думалаб-думалаб тушаётган охириги томчиларни кузата туриб, беихтиёр дераза ойнасида паришон бир ҳолда турган ЎЗИМни кўриб қолдим. Ойнада сочлари анча-мунча тўкилган, кенг пешонада уч-тўртта ажин узун ва чуқур чизиқ тортган, юз-кўзига мулоҳазали киши нуқси урган МЕН турар эдим. Аввалига ҳайрат, кейин эса ваҳима аралаш ойнадаги ўзимга тикилдим, афсус чеккан киши бўлдим, кейин эса ҳаммасини бирдан эсладим.

...199... йилнинг август ойининг иссиқ бир кунида “дарс бериши жуда яхши” деб мақталган қўшни тумандаги мактаб-интернетга йўл олдик. Мен ўшанда энди бешинчи синфни тугатган эдим. Уйдан кўп чиқмаганим учун аввалига олис бир жойда ўқиш жуда қизиқарли ва айни пайтда ғаройиб бўлиб туюлди, шунинг учун бўлса керак, йўлда кетишда ҳар бир нарсани

завқ билан томоша қилиб бордим. Аммо акам билан ҳужжатларни топшириб бўлгач, директорнинг гапларини эшитиб бирдан шаштим сўнди, гапнинг очиғи, мени умидсизлик аралаш ваҳима босди. Чунки бу ерда камида бир ой уйга бормасдан, ётоқхонада ётиб ўқишга мажбур эканман. Кўз олдимга ҳовлининг тошдеворига суянганча дарахтларга қараб турган отам, тандир олдида куймаланиб юрган энам, опа-акаларим, уйимиз, қишлоқдошларим, ошналарим, ҳатто сояда бошини кўтармасдан фақат ухлайдиган оқтўш итимизгача кўриниб кетди, ҳужжатларимни шундай олиб қайтиб кетгим келди. Лекин синфдошларимга куни кеча шаҳарда ўқимоқчи бўлиб мақтанганимни, энди қайтиб бориш уят эканини ўйлаб индамасдан акамга эргашдим.

Одам йўқлиги туфайли туманимизга кетадиган автобуснинг жўнашини анча кутишга тўғри келди. Зерика бошладим. Бир пайт бу ерга қорақура бола-чақаларини эргаштириб беш-олтита лўли аёл келиб қолди. Улар ўз тилларида чуғур-чуғур қилишиб, биздан битта нари ўриндикқа ўтиришди. Қизиқ, улардан

бири, қўлида чақалоғи бор ёшгина келинчак сал фурсат ўтмасдан биз томонга тез-тез кўз ташлаб қўя бошлади. Ёши каттароқ қишлоқдошларимизнинг “Лўли халқи кашмири бўлади, алдаб-сулдаб одамларнинг борини қоқиб олади” деган гапини эслаб ҳушёрроқ бўлишга ҳаракат қилдим, акамни ҳам огоҳлантирмоқчи бўлгандай туртиб қўйдим.

Автобуснинг жўнашини кутиб яна анча ўтирдик. Бу орада ҳалиги лўли келинчак биз томонга камида ўн-ўн беш марта қаради, кейин эса тўсатдан ирғиб ўридан турди ва тўғри менинг олдимга келди. У, биз кутганимиздек, садақа сўрамади, бахтимдан фол очишини айтиб, кўзимга қараб тураверди. Акам ҳам менга ўхшаб лўли аёлдан шубҳалангани учун кўрс оҳангда уни ҳайдагандай бўлди, у унайвермагач, охири дўқ-пўписа ҳам қилди. Лўли келинчак бу гапларнинг бирортасига ҳам парво қилмасдан кўзимга тикилганча бир муддат турди, кейин эса деярли пичирлаган оҳангда “У сенинг ҳаётингга ўзинг билиб-билмаган ҳолда кириб келади, ҳаётингдан чиқиб кетишда ҳам худди шундай бўлади” деди ва шу гапларни айтгач, шартта бурилиб шерикларининг олдига қайтди. Мен ҳайрону лол эдим, акам эса юпатмоқчи бўлгандек: “Э, бу айтаверади”, деб қўйди.

Энди ўйласам... У, чиндан ҳам, ҳаётимга ўзим билиб-билмаган ҳолда кириб келди. Қачон, қайси пайтда кириб келди, буни вақти билан айтолмайман, аммо шуниси аниқки, У жуда тез фурсатда энг яқин ҳамроҳимга, сирдо-

---

*У доимо хурсанд юрар,  
ҳамма нарсага бегуборлик  
кўзи билан боқар, мени  
ҳам ҳеч қачон хафа қилиб  
қўймакликка интилар,  
бу билан ҳаётга меҳр-  
муҳаббатимни янада  
оширарди.*

---



шиму дилдошимга айланди. У доимо хурсанд юрар, ҳамма нарсага беғуборлик кўзи билан боқар, мени ҳам ҳеч қачон хафа қилиб қўймасликка интилар, бу билан ҳаётга меҳр-муҳаббатимни янада оширарди. Ҳамиша мен билан бирга бўлиб орзу-ҳавасларимга қанот берар, интилишларимни қўллаб-қувватларди. Айрим пайтлари нотўғри иш қилганимда ёнимдагилар айбни унга тўнкашганда жимгина индамасдан бўйнига оларди. Ҳозиргина айтганимдек, У доимо менга далда берарди, буни мен етмиш икки томиримда ҳам ҳис қилардим ва рухланиб, осмон-осмон орзулар билан юрардим.

Талабалик йилларида ҳам У билан энг ширин, энг ёдда қоларли дамларни бошдан кечирдик. Мен баъзан дарсларга бормаган пайтларимда ёки сабоқдошларим билан улфатчилик қилганимда, айниқса, курсимиздаги чиройли қизлардан бири билан кўпрок гаплашиб қолганимда У мендан аразлаган киши бўлар, ёлғиз қолган пайтларим “қадримга етмаяпсан” деганга ўхшаш иддаоли гапларни айтиб қолар, “Ҳа, энди даврингизда ўйнаб-кулиб

турайлик”, деган ҳазил аралаш кинояли сўзларни айтганимдан сўнг негадир мақтовдан эрибми ё бўлмаса ўзига мафтун бўлибми, билмайман, лабига табассум югуриб, юз-кўзи порлаб кетар ва дарҳол муросага келарди. Ўртамиздаги бундай гина-қудрат, умуман олганда, кўпга бормас, бир-биримизни кечириб, дарров иноқлашиб кетардик.

У билан орамиздаги яқинлик, дилкашу дардкашлик уйлангунимга қадар давом этди. Тўғри, У тўйдан кейин ҳам мени ёлғиз ташлаб қўймади, вақтимни топди дегунча мен билан ҳамнафас бўлишга интилди. Лекин, энди ўйлаб

қарасам, турмуш ва ҳаёт ташвишларига ўралашиб, аввало, мен Уни унутиб, эсдан ҳам чиқара бошлаган эканман. Тирикчилик билан боғлиқ муаммоларим мени Ундан, Уни эса мендан йироқлаштиради, биз борган сари бир-биримиздан бегоналашиб, узоқлашиб кетдик.

Ўттиз ёшга тўлганда туғилган кунимни қадрдон оғайниларим билан нишонлаганда У билан яна бир эса қоларли ҳолат юз берди. Ўша кун тўкин дастурхон атрофида, табиийки, шаънимга илиқ гаплар айтилди, қадаҳлар кўтарилди. Мен, албатта, яқинларим даврасида бундай ўтирганимдан жуда хурсанд эдим. Бироқ айти дамда неча йиллар давомида менга дилдошу сирдошлик қилган Унинг ҳам ёнимда бўлишини қаттиқ қўмсаётгандим. Бир пайт гурунгимиз ўз-ўзидан талабалик йилларидаги воқеаларга бориб тақалди, биримиз қўйиб, биримиз олиб, ўша дамларни хурсандчилик ва соғиниш билан эсладик. Мен учун жуда қувонарли бўлгани шуки, бу эслашларда У ҳам кўз олдимда борлигича намоён бўлди, хотирамда бўлса-да Уни қайта топганимдан жуда-жуда суюндим.

Ошноларимни кузатиб, уйга қираётганимда Унинг мендан борган сари бегоналашиб, узоқлашиб бораётганини оғриниш билан эсладим, кўнглимдан “Ҳаёт ўзи шунақа-да, керак пайтда бир йўқларинг топилмай қолади”, деган иддаоли фикр “ялт” этиб ўтди. Кейин эса ёмғир шивалаб ёғаётган қоп-қора тунга тикилиб туриб Унинг бундан буёғига ҳеч қачон қайтиб келмаслигини, фақатгина қалбимда яшашини туйдим.

Адашмаган эканман, чиндан ҳам, шундай бўлди. У эсласантантирадиган хотиралар билан кўнглимда яшай бошлади. Баъзан тушларимга кирар, юз-кўзларида ҳали-ҳануз самимийлик ва беғуборлик уфуриб турарди. Бирор марта ҳам Уни маҳзун бир қиёфада кўрмадим. У шўх-шондон кулар, ширин жилмаяр, енгил ва нафис ҳаракатлар билан ўзининг гўзаллигини намоён этар эди. Яқинлашмоқчи бўлсам узоқлашар, уйқудан тургач эса, соғинчли бир кўмсаш билан Уни эслар эдим.

Бу эслашлар, бу кўмсашлар мени бир қиз билан таништириб, уни яқин қадрдон сирдошимга айлантди. Бу қизни биринчи бор кўрганимдаёқ чақнаб турган қоп-қора кўзларига, қайрилма қошларига қараб беихтиёр Уни эсладим ва айни ўша лаҳзаларда қалбимни ўзим ҳам тушуниб бўлмайдиган номаълум, аммо ёқимли бир ҳис қоплаб олди. Ўша куни бир оғиз ҳам гаплашишнинг иложи бўлмади, кўнглим симиллаб ишхонамга қайтдим. Аммо тақдирни қарангки, орадан икки кун ўтиб ҳалиги қизни ишхонамиз катта залида, ёлғиз

---

*Кейин-кейин, “Нега шундай қилдим?” деб ўзимни кўп бора сўроққа тутдим, бу сўроқнинг жавоби эса ҳар гал топилмасдан қолаверди.*

---

ўзи хаёл суриб ўтирганида учратиб қолдим. Бир муддат жим қотдим, ёнидан ўтаётиб беихтиёр эски танишлардек “Яхшимисиз?” дегандай бош силкиб қўйдим ва ундан ҳам шу тахлитдаги ишорали жавобни олиб юрагим гупуриб кетди. Кейинги кунларда ҳам уни шу ерда учратдим, бир мартасида сал дадиллик билан “Яхшимисиз?” дедим, у ҳам ширин жилмайиб яхши эканлигини кўнғироқдек, нафис овози билан менга билдирди. Шу куни биз у билан янада яқиндан танишдик, кейин эса жуда иноқлашиб кетдик. У ҳам менга “Сизни қаердадир кўрганман”, деди, мен ҳам чин дилдан шу гапни айттардим (аслида ҳам шундай эди), иккаламиз ҳам бундан ҳайрон қолардик, эслашга уриниб кўрардик, таажжубланардик, кулардик, изоҳини эса тополмасдик. Ўртамизда муҳаббат ҳам деб бўлмас, аммо жуда самимий, илиқ бир муносабат пайдо бўлдики, бора-бора биз бир-биримизга... ўрганиб қола бошладик. Мен оилали эдим, кўнглимдан бошқа бир номахрамга жой беришга ҳеч қандай ҳаққим йўқлигини жуда яхши англардим, ўз навбатида, унинг ҳам ҳаётимга суқилиб кириш

ниятини йўқ эди. Биз бир-биримизни сўзсиз тушунардик, қадрлардик, имкон даражасида ёрдам бериб, тиргак бўлишга ҳаракат қилардик. Лекин барибир ич-ичимиздан бир-биримизни яхши кўришимизни сезиб турардик.

Бир кун ярим тунда уйғониб кетдим. Хонада хира нур таратаётган тунги чироққа бир муддат тикилиб ўйланиб ётдим, уни ҳам хотирладим. Сиқилиб ўрнимдан туриб, дераза олдига бордим. Кеча ойдин, осмонда ўн беш кунлик тўлин ой сузиб юрарди. Ойга қараб туриб, яна уни эсимга олдим, бироқ бу кўпга чўзилмади.

“Уят, уят, – деди ақлга бўйсунган бир кўнглим. – Уч боланинг отаси бундай хаёлларга берилиб ўтиришининг ўзи уят”.

“Нимаси уят бўлар экан? – деди иккинчи кўнглим. – Ҳа, энди, ҳаётда бўп туради-да”.

“Ҳа, бўп туради, – деди ақлим пичинг билан. – Бўлиб турадиммиш. Охири нима бўлишини эса мен яхши биламан. Ўзингни қўлга олмасанг, ҳаётинг издан чиқади”.

Бу гаплардан кейин қалбимни умидсизлик эгаллади, беозоргина, пишиллаб ухлаб ётган болаларимга қараб бу гапларда жон борлигини сездим.

“Сени ҳам тушунаман, – деди ақлим бир пайт. – Сен ҳали ҳам Уни эслайсан, Уни кўмсайсан. Унинг энди сенинг олдинга ҳеч қачон қайтиб келмаслигини ҳам жуда яхши биласан. Ҳозирги муносабатларинг ҳам Уни кўмсаш эканини мен ҳам жуда яхши биламан. Лекин тентак кўнглингнинг айтганлари билан юрсанг, ўхху... Тўғриси айтсам, У билан бу ишларни қилсанг жуда ярашарди, лекин ҳозир кулгили ҳолат. Шунинг учун эсинг борида этагингни ёп”.

Мен индамадим, сукут сақладим ва ақлимнинг айтганларига жимгина кўндим. Кейин-кейин, “Нега шундай қилдим?” деб ўзимни кўп бора сўроққа тутдим, бу сўроқнинг жавоби эса ҳар гал топилмасдан қолаверди. Балки мен ўшанда, ақлим айтмоқчидек, ҳаётим

издан чиқиб кетишидан жуда қўрққандирман, балки худбинлик қилгандирман, буниси ҳалигача қоронғи, лекин шуниси аниққи, мен ўша тунда “Бўлди, бундан бу ёғига энди у билан умуман гаплашмайман, кўришмайман ҳам” деган қатъий хулосага келган эдим ва бу хулосам қизни йўқотиш билан тугабини асло билмаган эдим. Гап шундаки, эртаси кун қизни залда учратмадим, биздан бир қават тепада жойлашган ишхонасига ўтиб ҳам тополмадим. У ердагилар мен сўраган қизни ҳеч қачон кўрмагандай елка қисишиб, тайинли бир гап айтишмади. Менинг кўнглим яна эгаси ташлаб кетган эски уйдаи хувиллаб қолди.

Шундан кейин ҳам ўша қиз ҳақида ҳеч нарса эшитмадим. Сўнг бир психолог дўстим айтдики, “Одам бир нарсани қаттиқ соғинса, қўмса, хаёлидаги нарса ҳаётдагидек жонланиши мумкин. Бу фанда исботланган”. Билмадим, билмадим. Бу қиз ҳам фаришта мисол суврати билан ёдимда бир умрга муҳрланиб қолди.

Ҳаёт давом этаверар экан. Турмуш, ишим ташвишлари билан банд бўлиб, аста-секин бу йўқо-



тишга ҳам кўника бошладим. Лекин Уни ҳеч қачон ёдимдан чиқара олмадим, балки вақт ўтган сари Уни янада кўпроқ эслайдиган бўлдим. Энди У тушларимга борган сари кўп кирар, юз-кўзларида ҳали-ҳануз самимийлик ва беғуборлик уфуриб турарди. Бирор марта ҳам Уни маҳзун бир қиёфада кўрмадим. У шўх-шодон кулар, ширин жилмаяр, енгил ва нафис ҳаракатлар билан ўзининг гўзаллигини намоён этар эди. Яқинлашмоқчи бўлсам узоқлашар, уйқудан тургач эса соғинчли бир қўмсаш билан Уни эслар эдим...

Думалаб-думалаб тушаётган охирги томчиларни кузата туриб, беихтиёр яна Уни эсга олдим, хўрсиниш билан энтикдим. Кейин эса каравотим ёнига бориб, сумкамни очдим ва ичидан суратлар солинган, доимо ёнимда олиб юрадиган фотоальбомни қўлга олдим. Охирги пайтларда Уни ёдга олганимда мен расмларга термулиб-термулиб, қайта-қайта қарайдиган одат чиқарган эдим. Ҳаётимнинг У билан боғлиқ энг ширин, ортга қайтмас дамларини эслатувчи бу расмлар турли сураткашлар томонидан ҳар хил ҳолатларда суратга олинган эди.

Мана, суратларнинг бирида оққувадан келган, сочлари бироз хурпайган, юз-кўзлари чақнаб турган навқирон йигит хиёл кулимсираб

турибди. Бу – менман, ўн тўққиз-йигирма ёшнинг нари-берисидаги мен. Расмни томоша қила туриб лўли келинчакнинг гапларини яна бир бор эсладим: “У сенинг ҳаётингга ўзинг билиб-билмаган ҳолда кириб келади, ҳаётингдан чиқиб кетишда ҳам худди шундай бўлади”.

Шундай ҳам бўлди. Сен ҳаётимга ўзим билиб-билмаган ҳолда кириб келдинг, Ёшлигим! Энди эса истаб-истамаганим ҳолда мени ташлаб, борган сари узоқлашиб бораяпсан, Ёшлигим! Сени жуда-жуда соғинаман, кўнглимда яшаётган бўлсанг-да жуда-жуда қўмсайман, Ёшлигим!



“Ҳамisha... шул хизматидамиз!”

“Ашулачи” журналида иш бошлаганимга бир ҳафта тўлмай, бош муҳаррир чақиртирди. Хушламайроқ қарши олганидан кайфияти чатоқлиги кўриниб турарди.

– Сиз мухбирликка ўқиганмисиз, ё чилангарликками?

Ҳалигина минг истиҳола билан биринчи мақоламни ёзиб топширгандим. Раҳбаримнинг бунақа ғазабнок саволидан билдимки, қандайдир қовун туширганим аниқ. Ғазабни сукут енгар қабилида индамадим. Бошлиғимиз эса баттар ўдағайлади.

– Сизда касб этикаси деган нарса борми, ўзи? Ёзган мақола-нгизни қаранг, бўялмаган жойи қолмади! – у шундай деб шап этказиб олдимга икки қоғоз қораламани ташлади. – Боринг, таҳрирларимни киритиб, бошқатдан кўчиртиринг.

Елкамни қисиб чиқиб кетдим. Раҳбаримизнинг “чумоли карвони”дек майда ёзувларини кўшиб, мақолани қайта ўқиб чиққунимча кўзим тешилай деди. Мен-ку, майли, буни ҳали қайтадан кўчирадиган Лобархонга қийин. “Ёзмай қўлгинанг синсин, ашула айтмай ергина ютсин”, демасмикин?

Кўринишдан биб-бинойидек бўлган мақолам муҳарриримизга нега ўтиришмаганига ҳайронман. Лоақал бирор жумлам қолмабди-я. Масалан, муқаддимада бундай ёзган эдим:

“Ёшлар орасида ўзини кўл етмас юлдуз санайдиган Тўйчи Бойқул ҳақида лавҳа ёзмоқчи бўлиб, мақсадимизни айтганимизда, продюсерим билан гаплашинг, деб, телефонни шарт ўчирди...”

Рост, шундай бўлувди-да. Энди “катта”миз шу жумлани мана бундай тўғирлабди:

“Камтарин санъаткор Тўйчи Бойқул ҳақида лавҳа ёзмоқчи бўлиб, мақсадимизни айтганимизда, у бажонидил рози бўлиб, бизни шинамгина студиясига таклиф қилди...”

Буям майли, мана бу жумламга нима дейсиз?

“... Сигарет ва аёллар атри бурқсиб турган офисга кириб борганимизда, хонандамиз бир оёғини нақ мониторинг пешонасига ниқтаб, компьютерда ўйин ўйнаб ётган экан. Экранга қараб ичимиздан ўтган гап шу бўлди: “Буларнинг ҳаммаси пойга жинниси!”



**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

1984 йили туғилган.  
Ўзбекистон Миллий  
университетининг  
журналистика  
факультетини тамомлаган.  
Ҳажвия ва ҳикоялари  
матбуотда чоп этилган.

Буюм тўппа-тўғри эди. Кўрганимни ёзганман. Тахрирни қаранг, тахрирни:

“Замонавий ва миллий чолғулар билан бе- залган шином ва озода студияга кириб боргани- мизда, санъаткоримиз китоб мутолааси билан банд экан. Китобнинг нақшинкор муқовасига кўзимиз тушиб, Қодирий бобомизнинг машҳур лутфи ёдимизга келди: “Фузулий – яхши китоб...”

Очиғи, хонанда билан суҳбатимиз унча қовушмади. Тўғрироғи, қўлидаги уяли телефон- нинг жингир-жингири гапимизни бўлаверди. Одамлар гоҳ ҳофизнинг ўзига, гоҳ ёнидаги маъ- мурига тинмай қўнғироқ қилиб, тўйга таклиф этишар, мол бозорининг даллолларидек “сари- гири” қилиб савдолашишарди. Қизиқ детал, тўғримми? Шунга ҳам ёзгандим:

“... хонанда битта тўйга бирровга бориш учун мухлислардан деб, тап тортмай минг доллар сўрар, “Саккиз юз берай” деган бечораларнинг гапини эшитгиси ҳам келмасди. “Битта тўйга шунча пул олса, бунинг туваги тилладан бўлиб кетгандир, деб ўйладим. Тўй қилаётган шўрлик- ларга ҳам ачиниб кетдим. Бир томондан жаҳлим ҳам чиқди. Содда бўлмай кетгурлар, қишин-ёзин кетмон чоғиб, емай-ичмай йиққанини бир кунлик тўйда отарчига қўшқўлаб тоғширади-я...”

Устаси уста экан-да. Муҳарриримизнинг қала- мидан кейин жумла жонивор “сайраворибди”:

“Суҳбатимиз давомида хонандага мухлислар устма-уст қўнғироқ қилиб, тўй-тантаналарга таклиф қилишар, бундай самимий эътибордан санъаткоримизнинг боши осмонга етар, вақти бўлса-бўлмаса, ҳеч кимга рад жавобини бермас, ҳаммининг қўнғилини олишга интиларди. У ўзини шундай олқишлаб, эъозлаб келаётган одамлар- нинг яхши кунига шерик бўлишни катта бахт, айни пайтда, санъаткорлик бурчи деб биларди...”

Давом этамиз. Ия, бунисига нима дейсиз?! Қўлигул “уста”миз бармоқларига бамисоли эски- шаҳарлик Мирвақос сартарошнинг устарасини тутиб, суҳбатдошимизга берган мана бу саволи- мизни ҳам, унга олган жавобимизни ҳам аввалига обдон “қиртишлаб”ди. Эпакага келтиролмаган шекилли, кейин бутунлай “кесиби” ташлай қолибди.

Минг бўялган бўлмасин, олиб ташланган ўша жумлаларни ўқийман:

**“Савол:** Бир қўшиғингизда “Камон нишонга тегмасдан, ўзим уйланиб кетмасдан, ёрим бўлиб қол”, деб куйлагансиз. Сал ғалати роқ-ку. Нишонга ўқ тегиши, пайкон тегиши, борингки, найза тегиши мумкин дир, лекин ҳеч замонда камон ҳам нишонга тегадими?”

**Жавоб:** Ия, хатоми ҳали бу? (қувониб кетади ва ёнидаги маъмурига қарайди). Шеър Дардиёрникимиди? Ҳа ўшаники! Икки юз “бакс”- га олгандик. Мана, хатоси боракан. Тез телефон қилиб, “кўк”ни қайтиб ол, пулини ҳалоллаб топсин-дэ, тўғримми?..”

Ҳартугул, “Жонли ижрога муносабатингиз?..” деган саволимиз ва унга берилган жавоб жо- йида қолибди. Қолишга қолибди-ю, қирқ кунда икки кило тош босадиган Амриқо товуғидек пати тўзиб, қашқатаёғи чиқибди.

Ашулачининг жавоби аслиятда мана бундай эди: “Мухлислар “жонли ижро, жонли ижро”, де- йишади-ю, аммо санъат билан фонограмманинг фарқига боришмайди. Тузукроқ пул тўлайдиган айрим акахонларнинг тўйида жонимизни жаб- борга бериб, “жонли ижро” ҳам қилиб кўрдик. Биласизми, қурғур “қистир-қистир”да фарқ сезма- дик. Жонли айтсанг ҳам, ўша пулни қистиришади, фонограммани урсанг ҳам! Яна ғашингни кел- тириб, тўйда овқат чайнаб ўтиришгани ортиқча. Шундай экан, зарил кептимми, маст-аласт даврада кекирдагимми чўзиб, “живой” айтиш...”

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, хонанда худди шундай деганди-да. Аммо кейинги сатрларни ўқиб, ҳафсалам пир бўлди. Ана тахриру мана тахрир! Жумла деганингиз “пардоз-андоз”дан кейин “тоштурма”лик аммамнинг келинидек безаниб олганини қаранг:

“Халқимиз ҳақиқий санъатни тушунади, қадр- лайди. Жонли ижронинг завқини, таъсирини ҳам теран англайди. Шунга инobatга олиб, концерт- ларда, халқимизнинг тўй-ҳашамларида жонли ижрода қўшиқ куйлашга интилаяпмиз. Аммо, баъзан ёшлиқ қилибми, ижрода жузъий хатолик- ларга йўл қўйсақ, нозиктаъб мухлисларимиз дар- ров пайқашади. Чунки устозимиз – шу халқ! Биз, санъаткорлар ҳамиша мана шу эл хизматидамиз!”

Дарвоқе, муҳарриримиз сарлавҳани ҳам йўрғалатворадиганлардан. Бизнинг сарлавҳа “Ўзим тўқийман, ўзим ўқийман” эди. Юқоридаги тахрирдан кейин сарлавҳа деганлари ҳам ўз “оёғи” билан келибди: “Ҳамиша эл хизматидамиз”. Аммо менинг ҳам қўлим қичиди. Гўёки билмаган киши бўлиб, “эл”ни “пул” қилиб ўзгартирвордим...

Шу жойга келганда котибамиз Сухсурхон қўнғироқ қилиб, бошлиқ билан улади. “Лаббай” деганим ҳамона у ёқдан “устоз”нинг силлиққина овози эшитилди:

– Айтмоқчи, мақола чиққач, Тўйчижонга биздан салом, дейсиз-да, ука. Келаси ойнинг ўн саккизида кенжамиз Абдулазизнинг тўйи-я...



### Чойга таклиф

Граф Шаховский ва Гёте учрашуви ҳақидаги ҳикоя адабиёт ихлосмандлари орасида анча машхур. 1802 йили Мюнхендаги меҳмонхоналардан бирида машхур шоир графни чойга таклиф қилади. Шаховский дастурхонда чойдан бошқа нарса йўқлигини кўргач, тортиниб ўтирмай, бутерброд ва ёғлироқ егулик буюртма беради. Олмон ва рус адабиёти ҳақидаги гурунлар жуда мароқли кечади. Эртасига княз Шаховский бир ҳолдан ҳайрон қолади: кечаги егуликлар учун унинг номига ҳисоб қоғози келтиришади. Чунки “зиёфат”дан сўнг Гёте ортиқча пул тўлашни рад этади. Ахир, у князни фақатгина чойга таклиф қилган эди-да!

### Камёб ҳодиса

Машхур олмон шоири Ҳейнрих Ҳейне Венага борганида таниқли ҳажвчи ва шоир Морис Сафирни учратиб қолади. Ҳажвчи:

– Кеча барон Ротшилд бир латифа айтиб берди. Қойилмақом, ичакузди хангома экан. Тўлқинланиб кетганимдан унга 500 крона бериб юбордим. Ахир, барон Ротшилднинг ҳазил-ҳузул қилиши жуда камёб ҳодиса! – дейди ҳаяжон билан.

Бу гапни эшитган Ҳейне табассум қилади ва дейди:

– Менимча, бунданам кўра Сафирнинг 500 кронаси борлиги ноёброқ ҳодиса!



### Бирорта асарингизни ўқимаганман

Кўп томошабинлар “Шоушенкдан қочиш” фильми ва унга асос бўлган қисса ўрта-сидаги фарқларни кўриб ҳайрон бўлади. Аслида, бу адабиёт ва санъатда учраб турадиган ҳол. Ушбу асар мавзуси ва услубига

кўра ҳам Стивен Кинг асарлари орасида ажралиб туради. Чунки ёзувчи “қўрқинчлар қироли” сифатида машхур. Ёзганларининг аксариятида даҳшатли воқеалар тасвирланган. Адиб бир кунги бир зиёли кампир билан суҳбатлашиб қолади. У Кингнинг бирорта асарини ўқимаганини айтади ва “Шоушенкдан қочиш” сингари жиддий китобларни маъқул кўришини таъкидлайди. Ёзувчи ҳар қанча уринмасин, ушбу асар унинг қаламига мансуб эканига қарияни ишонтира олмайди.



### Нима учун ёзилади?

Морис Сафир бир ёзувчи билан тортишиб қолади. Суҳбатдоши қизишиб кетади ва ғазаби кўзиб:

– Сиз, қадрдоним Сафир, фақат пул учун ёзасиз, мен эса фақат виждон учун ёзаман, – дейди.

– Дўстим, – деб жавоб қайтаради Сафир, – икковимиз ҳам ўзимизда йўқ нарса учун ёзамиз-да!



### Илк учрашув

Атоқли рус шоири Владимир Маяковский политехника институтига учрашувга боради. У ерда нутқ сўзлаётиб:

– Мен руслар орасида ўзимни рус деб ҳис қиламан, грузинлар орасида эса грузин... – дейди. Шу пайт:

– Аҳмоқлар орасида-чи? – деб бақиради кимдир залдан.

– Аҳмоқлар орасида биринчи бор бўлишим, – деб жавоб беради шоир ўша заҳотиёқ.



## Эсдалик нишонлари топширилди



## Улуғ айёмга бағишланган тадбир



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган навбатдаги Фаоллар йиғини Ватанамиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланди. “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним” мавзусидаги мазкур тадбирда шоирлар, ёзувчилар иштирок этди.

Тадбирни уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, Ватанамиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофотлари, унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган ижодкорларни табриклади.

Тадбирда улуғ айём арафасида “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишони билан тақдирланган Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига мукофот гувоҳномаси ва нишонлар топширилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг арказий кенгаши биносида тизимда фаолият юритаётган бир гуруҳ ходимларга “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишонини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда истиқлол йилларида мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш борасида кенг қамровли ислохотлар ўтказилаётганлиги, бу саъй-ҳаракатлар инсон ва унинг манфаатига қаратилганлиги билан аҳамиятли эканлиги алоҳида таъкидланди.



# Миллий анъаналар тасвири



“Буви”, қоғоз, акварел



**Раъно ЯХШИЛИҚОВА**

1999 йили туғилган.  
Қўшрабат қишлоқ хўжалик  
коллежи ўқувчиси.

Раъно болалигидан ранг тасвирга қизиқади. У санъат сирларини халқ таълими аълочиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, рас-сом-ўқитувчи Музаффар Бегматовдан ўрганмоқда. Ёш мусаввир ижодий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказилаётган танловларда қатнашиб, катта-кичик ютуқларни қўлга киритмоқда. Россияда ўтказилган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги қариқатуралари" III халқаро танлови ғолиби. Яқинда Раъно Яхшиликowa Руминияда ўтказилган «Голести» болалар расмлари халқаро танловида ҳам ўзбек миллий анъаналарини акс эттирган асарлари билан қатнашиб, бронза медалини қўлга киритди.

Ёш мусаввирга келгусидаги ижодий ишларида муваффақият тилаймиз.



“Ёш расом”, қоғоз, акварел




“Тўйда”, қоғоз, акварел



Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

## ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ




*Сизга тақдим этилаётган ўзбек  
ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан  
бахраманд бўлинг.*

Мурожат учун манзил: 100128, Тошкент ш., Лабзак кўчаси, 86 уй.

Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42  
www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.



# YOSHLIK

8  
2016

Дунёни уйғотган  
боболар уйғоқ...

Шарафли умр  
манзаралари

Бадииятга  
кўчган замон сурати